ЮНЕСКО тинчликни мустаҳкамлаш, ўзаро тушунишни ривожлантириш ва долзарб муаммоларни, жумладан, Барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган муаммоларни ҳал қилиш учун глобал ҳамкорликни тарғиб қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Бу ташкилотнинг халқаро ҳамкорлик орқали шахслар онгида тинчлик ўрнатиш миссиясига мос ке-




лади. Олий таълимда байналмилаллаштириш ва минтақавийлаштириш нуқтаи назаридан айрим статистик маълумотлар ҳозирги манзарани ёритиши мумкин.

Жаҳон миқёсида сўнгги йигирма йил ичида олий таълимга бўлган талаб сезиларли даражада ошди. Қабул қилинувчилар сони 100 миллиондан 236 миллионгача кўтарилди, бу фақат сўнгги ўн йил ичида 30 фоизга ўсганлигини кўрсатади. Бу рақамлар жаҳон миқёсида олий таълимнинг давом этаётган кенгайиши ва аҳамиятини акс эттиради (1-расм).

Сўнгги 10 йил ичида олий таълимга қабул қилишнинг ўсиши, айниқса, сезиларли бўлиб, ўсиш 50% дан ошди. Бунга талабаларни қабул қилиш бўйича олдинги квоталар ва чекловларнинг олиб ташланиши, шунингдек, олий таълим тизимидаги университетлар сонининг кўпайиши сабаб бўлиши мумкин.

Ўрта мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамраб олиш дражасини ўлчайдиган олий таълимга



1-расм. Олий таълимга глобал қабул, 2000-2020




қамроқ коэффиценти ҳам сезиларли даражада ўсиб 40% га етган. Олий таълим тизимларидаги бу ўсиш халқаро мобиллик ва халқаролаштириш учун кўпроқ имкониятлар яратади (2-расм).

Талабаларнинг ҳаракатчанлиги ҳақида гап кетганда, таълим олиш учун мамлакатдан чиқиб кетаётган талабалар сонининг қисқариши кузатилди, бироқ мамлакатдан чет элда таҳсил олаётган талабалар сони сезиларли даражада ошди.

Графикда сўнгги ўн йил ичида ( 250% дан ошган) талабалар сони сезиларли даражада ошганини кўрсатади. Бу ўсиш, айниқса, аҳамиятли, чунки, у ҳамма мамлакатларда ҳам кузатилмайди.

Бундан ташқари, Ўзбекистонда ўқиш учун келган талабалар сонининг ўсиши кузатилди, сўнгги йилларда ўтган йиллардаги бир неча юз нафар талаба билан солиштирганда 4200 нафардан ортиқ талаба бор (2-расм).



**2-расм. Ўзбекистонга кириш/Ўзбекистондан чиқиш мобиллиги, 2010-2020**



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, талабаларнинг ҳаракатчанлиги ва ўқишга қабул қилинишининг ўсиши олий таълимда ижобий ва салбий таъсир кўрсатадиган ўзгарувчан манзарани ўзида акс эттиради. Талабалар сонининг умумий ўсиши олий таълим имкониятларининг талаб ва таклифига асосланган оддий математик тенгламани кўрсатади.

Курсларга қатнайдиган ва ўқишга кирган талабалар улушини ифодаловчи ҳаракатчанлик коэффициентини таҳлил қилганда, Марказий Осиё, Кавказ ва Орол минтақасида бу кўрсаткич тахминан 16% ни ташкил этишини кузатамиз. Бу чизиқли ўсиш моделини кўрсатади. Бироқ, халқаро мобиллик оқимини чуқурроқ ўрганиш жуда муҳимдир.

Чет элга кетаётган талабалар учун мўлжалланган ҳудудларни кўриб чиқсак, бор-йўғи кичик бир қисми, яъни тахминан 2% Осиёни ўқиш жойи сифатида танлашини аниқлаймиз.

Аксинча, халқаро талабаларнинг катта қисми, бутун дунё бўйлаб ярмидан кўпи Шимолий Америка ва Ғарбий Европани танлайди. Ушбу номутаносиблик халқаро талабалар оқимининг турли минтақалар бўйлаб нотекис тақсимланишини таъкидлайди.

Аслида, умумий ҳаракатчанлик коэффициенти изчил ўсишни кўрсатса-да, халқаро талабалар оқими Шимолий Америка ва Ғарбий Европага жуда катта, Осиё эса нисбатан кичикроқ улушга эга.

Жаҳон халқаро талабаларининг қарийб ярми Шимолий Америка ёки Ғарбий Европани таълим олиш учун мақсад сифатида танлайди.

Айниқса, бу талабаларнинг аксарияти глобал жанубдаги мамлакатлардан келганлиги сабабли, бу му-



ҳим тенденциядир, чунки, улар ақилли қатламнинг кетиши ва ривожланиш каби муаммоларга таъсир қилади.

Ушбу минтақа нуқтаи назаридан, Кавказ, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ давлатларидан келган талабаларни ўрганар эканмиз, кўпчилик, яъни деярли тўртдан уч қисми Россияни танлагани маълум бўлади.

Хусусан, Марказий Осиёлик талабалар асосан Россияни мезбон давлат сифатида танлайдилар. Шуниси эътиборга моликки, Россия ушбу минтақадан кўплаб халқаро талабаларни жалб қилишда давом этмоқда.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шундаки, талабаларнинг 16 фоизи хорижда таълим олиш ўрнига Марказий Осиё минтақасида қолишни афзал кўради. Бу, айниқса, минтақавийлаштириш бўйича саъй-ҳаракатларни кўриб чиқишда қизиқарли жиҳатдир.


Келинг, таълим динамикаси ва талабалар ҳаракатчанлигини чуқурроқ ўрганамиз. Мен ушбу маълумотни сўнгги ўн йил ичида турли мамлакатларда рўйхатдан ўтган талабалар сонини кўрсатадиган графикда кўрсатилганидек, икки хил усулда тақдим этаман.

Ушбу маълумотлардан иккита муҳим кузатув ажралиб туради.

Графикдаги (3-расм) сезиларли тенденциялардан бири минтақадаги бошқа мамлакатларда таҳсил олаётган Ўзбекистонлик халқаро талабалар сонининг сезиларли ўсишидир.

Сўнгги беш йил ичида кўшни мамлакатларда халқаро таълим олиш имкониятларини излаётган ўзбекистонлик талабалар сони сезиларли даражада ошди. Ушбу ривожланиш талабаларнинг халқаро





**3-расм. ЮНЕСКО ИЕСАЛС томонидан  
ЮНЕСКО маълумотларига асосланган прогнозлар**

тажрибаларини ошириш учун ижобий деб ҳисобланади.


Кузатиладиган яна бир тенденция тадқиқот соҳаси билан боғлиқ. График чизиқли кўринса-да, рангларга диққат билан қараш сўнгги йилларда Жанубий ва Марказий Осиёдан келган халқаро талабалар сонининг камайиб бораётганини кўрсатади. Бу минтақавий тенденцияларнинг ўзгаришини кўрсатади.

Кўриб чиқилиши керак бўлган яна бир масала бу – Марказий Осиёга энг кўп халқаро талабалар юборадиган мамлакатларни аниқлаш. Графикда энг яхши 10 та давлат кўрсатилган, тўқ сариқ ранг Марказий Осиё мамлакатларини, кўк эса бошқаларни ифодалайди.

Шуниси қизиқки, талабаларнинг аксарияти Марказий Осиё давлатларидан ёки географик ва тил жиҳатдан боғланган қўшни халқлардан. Бу Марказий Осиёда минтақавийлаштириш саъй-ҳаракатлари салоҳиятини кўрсатади.

Бу графиклар университетларнинг халқаро талабалар популяцияси билан боғлиқлигини бериши





**4-расм. Марказий Осиёдаги халқаро талабаларнинг энг яхши 10 та манбаси, 2020 й.**

мумкин, чунки, улар кўпинча Ҳиндистон, Покистон, Россия, Хитой ва Эрон каби мамлакатлардан келган талабаларни кўришади.

Ушбу графикларни кўриб чиқиш орқали биз халқаролашув ва минтақавийлашувнинг ҳозирги ҳолати ҳамда уларнинг Марказий Осиё ва ундан ташқаридаги оқибатлари ҳақида тушунчага эга бўлишимиз мумкин (4-расм).

Энди келинг, COVID-19 пандемияси даврида талабаларнинг ҳаракатчанлиги прогнози ҳақида фикр юритамиз. 2021-йилда Халқаро таълим бўйича Европа ассоциацияси талабалар ҳаракатчанлиги учун учта мумкин бўлган келажакни тақдим этди.

COVID-19 пандемияси даврида, чегаралар ёпилган ва соғлиқ учун чекловлар мавжуд бўлганида, талабалар ҳаракатланиши учун учта мумкин бўлган дастур назарда тутилган эди.



**Биринчи дастур** талабаларнинг ҳаракатчанлик кўрсаткичларининг пасайишини, потенциал равишда пандемиядан олдинги даражадан пастга тушишини ва пандемия пасайганидан кейин ҳам тикланмаслигини акс эттирди.

**Иккинчи дастур** мўътадил тикланишни башорат қилди, талабаларнинг ҳаракатчанлиги 6 миллионга яқин талабага қайтди, аммо сезиларли ўсишни бошдан кечирмади.

**Учинчи дастур** янада оптимистик истиқболни таклиф қилди, бунда талабаларнинг ҳаракатчанлиги нафақат пандемиядан олдинги даражага етади, балки сезиларли ўсишни ҳам кўради.

Ўзбекистон учун имкониятларни кўриб чиқсак, учта асосий жамоани ажратиб кўрсатиш мумкин.

**Биринчидан**, халқаро имкониятларни яратиш учун маҳаллий технологиядан фойдаланиш.

**Иккинчидан**, кенгроқ Марказий Осиё минтақасида мустаҳкам минтақавий алоқаларни ўрнатиш.

**Учинчидан**, минтақавий ва глобал ташаббуслардан фойда олиш. Бу имкониятларни муҳокама қилар эканмиз, бу уч жиҳатни бирлаштиришнинг мураккаблигини ва улар Ўзбекистонга олиб келиши мумкин бўлган потенциал фойдани тан олиш муҳимдир.

Халқаролаштириш учун технологиядан фойдаланиш тамойилига келсак, ЮНЕСКО 38 мамлакатдаги 73 та муассаса иштирокида тадқиқот олиб борди ва натижада ҳисоботда эълон қилинган мисоллар келтирилди.

Мақсад технологиянинг талабаларнинг ҳаракатчанлиги ва халқаролашувига таъсирини ўрганиш эди. Натижалар шуни кўрсатдики, талабаларнинг кат-



та қисми, тахминан 75% виртуал мобиллик имкониятларига қизиқиш билдирган.

Бундан ташқари, сўровда қатнашган талабаларнинг тахминан 5 фоизи, агар имконият берилса, яна виртуал мобиллик билан шуғулланишга тайёрлигини билдирди.

Тадқиқотнинг муҳим хулосаларидан бири шундаки, маданиятлараро алмашинув ҳақиқатан ҳам онлайн платформалар орқали амалга оширилиши мумкин.

Бу эса бундай алмашинувлар компьютерлар орқали амалга оширилганда чекланганлиги ҳақидаги умумий фикрни шубҳа остига кўяди.

Ушбу натижалар нафақат ижобий, балки технология маданиятлараро алмашинувга олиб келиши мумкин бўлган инклюзивлик ва фойдаланиш имкониятини ҳам таъкидлайди.

Кўриб чиқилиши керак бўлган яна бир муҳим жиҳат – бу конференцияда аввал айтиб ўтилган барқарорлик омили. Виртуал мобиллик ва онлайн алмашувлар барқарорликни рағбатлантириш мақсадига мос келадиган жисмоний саёҳатга нисбатан атрофмуҳитга таъсирини сезиларли даражада камайтиради.

Иккинчи имкониятга ўтсак, минтақавий таълим платформасини ташкил этиш таклиф қилинган Марказий Осиё олий таълим ҳудуди деб номланувчи декларация бўлди.

Бу Ўзбекистондаги университетлар ва ҳукумат учун минтақавий ҳаракатчанликни қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этиш учун қимматли имкониятдир.



Қолаверса, Ўзбекистон ёки Қозоғистонда Сингапурнинг таълим маркази сифатида ўзини намоён этишдаги муваффақияти каби минтақавий таълим марказига айланиш имконияти мавжуд.

Марказий Осиёдаги бу икки ажойиб имкониятни ўрганиш ва ундан фойдаланиш сиёсатчилар ва таълим билан шуғулланувчилар учун жуда муҳим бўлар эди.

Ниҳоят, кенгроқ минтақавий ташаббусларни кўриб чиқиш зарур. Юқорида Болония жараёни, Европа ташаббуси ҳақида эслатиб ўтилди, лекин мен сизнинг эътиборингизни Токио конвенцияси деб ҳам аталадиган таълим, илмий даража ва дипломларни тан олиш тўғрисидаги Осиё-Тинч океани минтақавий конвенциясига қаратмоқчиман.

Ушбу конвенция ЮНЕСКОнинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги барча аъзо давлатлари учун очиқ ҳисобланади ва бир қанча давлатлар, жумладан, Хитой ва Россия ҳам уни ратификация қилган.

Мен Ўзбекистонга малакаларни ўзаро тан олиш тўғрисидаги ушбу минтақавий конвенцияни ратификация қилган биринчи Марказий Осиё давлати бўлишини таклиф қиламан. Буни ратификация қилиш натижасида талабалар, муассасалар ва мамлакатларга малакаларнинг таққосланувчанлигини ошириш, халқаролаштиришни осонлаштириш, тадқиқот, бошқарув соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш орқали фойда келтиради.

Бундан ташқари, ЮНЕСКО яқинда 2023 йил 5 мартда кучга кирган олий таълим малакаларини тан олиш бўйича глобал конвенцияни ишга туширди.

Мен Ўзбекистонни глобал конвенцияни ратификация қилган биринчи Марказий Осиё давлати



бўлишини яна бир бор таклиф этаман, чунки, у талабалар бемалол ўқишларини чегаралар орқали давом эттиришлари мумкин бўлган дунёни назарда тутади.

Тадқиқотлар доимий равишда халқаро мобиллик талабаларга трансформатив таъсир кўрсатишини англатади, бу эса барқарор ривожланиш мақсадларида таъкидланганидек, академик самарадорлик, мартаба истиқболлари ва глобал фуқаролик учун зарур бўлган трансверсал кўникмаларни ривожлантиришга олиб келади.

Бундан ташқари, конвенция томонидан тақдим этилган малакаларнинг тан олинishi аъзо давлатлар, ҳукуматлар ва институтларга фойда келтиради. Бу олий таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга ёрдам беради, институтлар ва давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустаҳкамлайди, ҳаракатчанликни демократлаштиришга ёрдам беради.

Халқаролаштириш ва минтақавийлаштириш бўйича ушбу янгиланган қараш учта муҳим устунга таянади: кўп томонламалик, Марказий Осиё, Осиё-Тинч океани ва глобал миқёсдаги турли минтақаларда халқаролаштиришни қўллаб-қувватлаш учун технологиялардан фойдаланиш ҳамда очиқлик ва барқарорлик тамойилларига амал қилиш.



## РАҚАМЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ (ЯПОНИЯ ВА ШАРҚИЙ ОСИЁ ТАЪЛИМ ТИЗИМ- ЛАРИ МИСОЛИДА)

Акиёши Ёнезава,  
Тоҳоку университети  
профессори

Мен бу ҳафта глобал миқёсда иккита муҳим саммит билан бой ўтганини таъкидлашим зарур. Биринчиси, Япониянинг Хиросим шаҳри G7 саммитига мезбонлик қилди, унда турли муҳим масалаларни муҳокама қилиш учун дунё етакчиларини бирлаштирди.

Ушбу асосий тадбир билан бир қаторда турли вазирлар иштирокида бир нечта кичик конференциялар ҳам бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоиз, шаҳримизда жойлашган Ота университетида Фан ва инновациялар вазири иштирокида илм-фан ва инновацияларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Ушбу анжуман илм-фан ва инновациялар ютуқлари орқали жамиятимиз барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнаши билан катта аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, Марказий Осиё учун алоқадор ҳисобланган яна бир муҳим воқеа бу Хитойда бўлиб ўтган CCAS саммити. Ушбу саммит Марказий Осиёнинг барча давлатларининг президентларини йиғиб, унинг минтақавий муаммоларни ҳал этиш



ва иштирокчи давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришдаги аҳамиятига эътибор қаратди.

Хитойга ташрифим чоғида мен Марказий Осиёнинг барқарор ривожланишини жиддий ва молиявий қўллаб-қувватлашга бўлган қатъий фидоийликни кузатдим.

Кўриниб турибдики, Шарқий Осиё ҳамжамиятлари нафақат минтақада, балки ўз чегараларидан ташқарида ҳам яқин муносабатларни мустаҳкамлашда глобал миқёсда фаол иштирок этмоқда.

Шу билан бир вақтда, ўз маданий ўзига хосликларини сақлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатлар мавжуд.

Қуйидаги расмда университетимиздаги илмий тадқиқотчиларни тантанали тақдирлаш маросимини кўришингиз мумкин. Бу бизнинг анъанавий маданий ўзига хослигимизни сақлаб қолиш ва ҳурмат қи-



**1-расм. Илмий тадқиқотчиларни тақдирлаш маросимини**



лиш билан бирга тадқиқот ва таълим соҳасида етакчи муассаса бўлишга интилишимизнинг намунасидир (1-расм).

Хулоса қилганимизда, Шарқий Осиёни Ғарб жамиятидан ташқарида иқтисодий ривожланишнинг муваффақиятли модели сифатида кўриш мумкин.

Ушбу минтақанинг барқарор ўсиш, глобал иштирок ва маданий ўзига хосликни сақлашга урғу бериши унинг ўзига хос ютуқларига ҳисса қўшади.

Бугунги ташкилотчилар таъкидлаганидек, Шарқий Осиёнинг ривожланиши, биринчи навбатда, инсон ресурсларини ривожлантириш асосида амалга оширилади. Ушбу ривожланиш яна бир муҳим омил ҳисобланган аҳоли тенденциялари билан чамбарчас боғлиқ.

Бир томондан, ушбу график олий маълумотга эга бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, 18 ёш ва ундан катта ёшдаги шахслар сонини ифода этади.

Бу ўрта таълимни тугатгандан сўнг олий ўқув юртларига кирган аҳолини ўз ичига олади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Японияга хориждан қайтганлар, шу жумладан чет элда ўқишни тугатиб қайтганларнинг сезиларли оқими кузатилди.

Уларнинг кўпчилиги ўрнашиб, оила қуришди ва 1970 ва 1980 йилларда иқтисодий ривожланишни таъминлашда ҳал қилувчи рол ўйнаган шиддатли ёш «Baby boom»лар сифатида сезиларли ҳисса қўшдилар.

Бу авлоднинг Шарқий Осиёнинг иқтисодий ўсишига қўшган ҳиссаси муҳим бўлиб, уларнинг тажрибаси минтақанинг ривожланиш траекториясини шакллантирган.



Дастлабки «Baby boom» авлодидан сўнг, Шарқий Осиёда аҳоли сонининг иккинчи чўққиси кузатилди, бу менинг авлодим яъни 1980-йилларда университетларга ўқишга кирган шахсларни ўз ичига олади.


Ҳозирда қарийб 50 ёшда бўлган бу шахслар Япония иқтисодиётининг мустаҳкамлигини сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлашда муҳим рол ўйнашда давом этмоқда.

Бироқ, Шарқий Осиёда таълим нархи сезиларли даражада ошди, натижада кўпроқ фарзанд кўришни афзал кўрган одамлар сони камайишига олиб келди. Бу эса жиддий муаммо ҳисобланувчи ёш аҳоли сонининг камайишига олиб келди.

Ҳозирги туғилиш кўрсаткичларига асосланган ҳолда, келажакка назар ташлайдиган бўлсак, тахминан 2040 йилга келиб, ёш аҳоли сонининг янада қисқариши кутилмоқда.

Расмдаги ўрта чизиқ Корея уруши ва ундан кейинги демократлаштириш туфайли ортга сурилган «Baby boom» ни бошдан кечирган Жанубий Кореяни кўрсатади.

Жанубий Корея ҳозирда олий таълимда иштирок этиш бўйича энг юқори кўрсаткичлардан бирига эга, аммо у аҳолининг тез қариши муаммосига ҳам дуч келмоқда.



2-расм. 1950-2039-йилларда  
18 ёшли аҳоли сонининг  
ўзгариш динамикаси



Аҳолиси анча кўп бўлган Хитой графикда тасвирланмаган бўлса-да, шунга ўхшаш тенденцияларни бошдан кечирмоқда. Ёш аҳоли сонининг камайиши икки давлат олдида турган муҳим муаммодир.

Ниҳоят, пастки чизиқ Ўзбекистонни ифодалайди. Чекланган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин ёшларни олий таълим билан қамровини ўстиришда дастлаб қийинчиликларга дуч келганини англаб етамиз.

Бироқ, хусусий университетларнинг ташкил этилиши олий таълим билан қамров даражасининг ошишига ва бу муаммони ҳал қилишга ўз таъсирини кўрсатди(2-расм).

Бир вақтнинг ўзида, Шарқий Осиёдаги кекса аҳоли сони камида 2040 йилгача ўсишда давом этади. Бу 18 ва ундан катта ёшдаги шахслар сони ушбу даврда нисбатан барқарор бўлиб қолишини англатади.


Шуниси эътиборга лойиқки, 18 ёшга тўлган шахслар нуқтаи назаридан Япония ва Жанубий Корея аҳолиси ўртасидаги масофа тахминан 20 йил ичида бир-бирига яқинлашади. Бу эса иқтисодий тараққиётнинг истиқболларидан далолат беради.

Шунга қарамасдан, ушбу демографик ўзгаришлар, хусусан, ўсиб бораётган ёш аҳолини арзон таълим ва мос уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ қийинчиликларни тан олиш муҳим ҳисобланади.

Бу масалалар эҳтиёткорона эътибор ва режалаштиришни талаб қилади.

Энди эътиборимизни ўнг томондаги графикка қаратайлик (3-расм). ЮНИСЕФ веб-сайтида мавжуд бўлган ушбу ахборотлар турли таълим даражаларидаги талабалар сонини, жумладан, бакалаврият, магистратура ва докторантура дастурларини акс этти-





**3-расм. 2020 йилда минтақалар бўйича университетда таҳсил олувчи талабалар**

ради. Энг кўп талабаларнинг сони Жанубий Осиёда, ундан кейинги ўринда Шарқий Осиёда кузатилади.

Ҳиндистон ва Хитойнинг кўп сонли халқаро талабаларни бошқа мамлакатларга юборишининг сабабини осонгина тушуниш мумкин. Мазкур мамлакатларда таълим олиш имкониятларининг мавжудлиги бунинг бир омил саналади.

Бакалаврият таълимининг ривожланиши ва уларнинг иқтисодиётидаги ютуқлар билан бир қаторда маҳаллий талабалар сонининг камайиши ҳам кузатиламоқда.

Бундан ташқари, графикдаги тўқ сариқ ва қизил сегментларда кўрсатилгандек, магистратура ва докторантура таълим дастурларини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.



Таъкидлаш жоизки, графикнинг ўртасида Европа ва Шимолий Америкада докторантура ва магистратурада тахсил олаётган талабалар сони юқори улушга эга.

Бу талабалар орасида илғор таълимга катта эътибор қаратилаётганидан далолат беради. Бошқа томондан, Марказий Осиё графикнинг юқори қисмида турганлиги, магистратура ва докторантура таълимини кенгайтириш нуқтаи назаридан яхшиланиш имкониятига эга эканлигидан далолат беради.

Шуни таъкидлаш керакки, бошқа мамлакатлардан магистр ва докторантларнинг мавжудлиги фақатгина ўз мамлакати талабаларини назарда тутмайди. Унга олий маълумотга эга бўладиган турли миллат вакиллари киради.

### 1 - ж а д в а л

#### 2020 йилда асосий OECD (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти) мамлакатларидаги халқаро талабалар улуши (фоизда)

Мамлакат	Бакалаврият	Магистратура	Докторантура
Буюк Британия	16.1	40.0	41.2
Австралия	15.5	50.0	33.4
Канада	14.4	20.1	35.8
Нидерландия	11.3	19.3	47.9
Франция	7.1	13.0	37.9
Германия	7.0	17.1	23.1
Умумий OECD	4.9	14.3	24.3
АҚШ	4.5	12.4	25.7
Корея	3.2	10.6	16.7
Япония	3.2	10.5	20.9
Исроил	3.1	5.0	9.0



Жадвалдан кузатиш мумкинки (1-жадвал), халқаро талабаларнинг катта қисми ўз ватанларидан ташқари бошқа мамлакатлардан келган.

Буюк Британия, Австралия ва Канада каби инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатлар халқаро талабалар сонининг катта миқдорига эга бўлиб, бу кўрсаткич умумий талабалар сонининг тахминан 40% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, ушбу мамлакатлардаги талабаларнинг 10% дан ортиғи халқаро талабалардан иборат.


Бошқа томондан, Корея, Япония, Германия ва Франция каби мамлакатлар, бошқа Европа давлатлари қатори, магистратура дастурларига нисбатан докторлик дастурларида халқаро талабаларнинг улуши нисбатан каттароқдир.

Бироқ, бакалаврият дастурлари ҳақида гап кетганда, халқаро талабалар улуши жуда паст бўлиб, бу кўрсаткич тахминан 3% ни ташкил қилади. Бунинг сабаби шундаки, бу мамлакатлар ўзларининг таълим эҳтиёжларининг аксарият қисмини қондириш учун биринчи навбатда маҳаллий талабалар сони ва миллий ресурсларига таянадилар.

Шарқий Осиёдаги ҳар бир давлатнинг ўзига хос контексти ва иқтисодий ривожланишга ёндашуви бор. Япония мисолида, унинг иқтисодий ўсиши асосан замонавий таълим тизимига асосланган инсон ресурслари, тил ва маданиятнинг кучли миллий интеграцияси орқали таъминланди.

Хитойга яқин ва денгиз орқали Америка Қўшма Штатлари чегарасида жойлашган Япония ҳамма нарсани ўзига сингдириб, ўз тизимига мослаштиришни мақсад қилган. Бошқа томондан, Хитой 4000 йиллик тарихга эга бўлган ўз цивилизациясига мустаҳкам





**4-расм. 2022–2023 йилларда дунёдаги энг яхши 200 та университетлар сони**

фидойиликка эга мамлакатдир. Хитой Шарқ ва Ғарб таъсири ўртасида гибрид яратишга интилади.

Урушдан ва Япония томонидан мустамлака қилинганидан кейин қийинчиликларга дуч келган Жанубий Корея, Ғарб давлатлари билан ҳамкорлик қилиш билан бирга, Хитой ва Япониядан фарқ қиладиган алоҳида тизим яратиш устида ишлади.

Дунёдаги энг яхши 200 та университетлар сонидан кўриниб турганидек, бутун Шарқий Осиё илм-фан ва технологияга эътиборини қаратганлиги билан эътироф этилади.

АҚШ, Буюк Британия ва Австралия биринчи учликдан жой эгаллаб, Германия, Япония, Жанубий Корея ва Хитой бу рўйхатни давом эттиради (4-расм).

Шарқий Осиёда олий таълимда иерархик тизим мавжуд, бироқ тадқиқотда рақобатбардошликни оши-



риш ва давлат қурилишининг миллий тизимини ривожлантириш мақсадида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ, Марказий Осиёдаги олий таълимнинг асосий қисмини ташкил этувчи бакалаврият таълими ҳақида сўз кетганда иккиланиш юзага келади.

Бакалаврият дастурларини тугатгандан сўнг, бутун дунё бўйлаб одамлар меҳнат бозори орқали ёки олий ўқув юртидан кейинги таълимни давом эттириш орқали глобал ҳамжамиятга киришлари кутилмоқда.

Шарқий Осиёнинг қудрати кучли миллий ўқув дастури ва тил орқали миллий ўзига хосликни тарбиялаш ва интеграцияни ривожлантиришда ётади.

Шу сабабли, бакалаврият таълими талабаларнинг дунёқарашини ички эътибордан глобал ва халқаро миқёсга ўзгартириш учун платформа бўлиб хизмат қилиши керак.

Университетга киришдан олдин талабалар миллий ўқув дастури ва тил асосидаги кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўриш учун кунт билан ўқишлари талаб этилади. Инглиз тили ҳам ўқитилсада, у кўпчилик фанлар орасида битта фан сифатида қаралади.

Талабалар бакалавриятда ўқишни тугатгандан сўнг, турли мамлакатлар ва маданиятларга мансуб шахслар билан ҳамкорлик қилиш кўникмаларига эга бўлишлари керак, бу эса глобал компетенцияни ривожлантиришга хизмат қилмоғи зарур.

Бу тайёргарлик глобал капитализм манфаатларига хизмат қилишдан ташқарига чиқади; шунингдек, талабаларга атроф-муҳит муаммолари, иқлим ўзга-



риши ва фандаги ютуқлар каби глобал муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ушбу трансформация зарур ҳисобланиб, бакалаврият таълимининг фундаментал қисми бўлиши шарт.

Ҳозирги шароитда Шарқий Осиё давлатлари ўз кампусларини халқаролаштириш мақсадида кўпроқ халқаро талабаларни жалб қилишга фаол интилмоқда.

Дунё бўйлаб талабаларни қабул қилиш орқали ушбу мамлакатлар ўзларининг маҳаллий талабалари учун ҳам фойдали бўлган халқаро таълим муҳитини яратишни мақсад қилган. Халқаролашув деб аталадиган бу жараён Японияда ҳам амалга оширилмоқда.

Японияда 220000 га яқин халқаро талабалар мунтазам университетларда таҳсил олишади. Бундан ташқари, япон тили мактабларида таҳсил оладиган 101 000 га яқин халқаро талабалар мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти катта ва кичик шаҳарларда малакасиз ишчи сифатида ишлайди.

Халқаро талабаларнинг мавжудлиги фақатгина кампусларнинг маданий хилма-хиллигини бойитибгина қолмай, балки маҳаллий иқтисодиёт ва ишчи кучига ҳам ҳисса қўшади.

Ушбу ёндашув халқаро ва маҳаллий талабалар учун янада ягона ахлоқий жамоага мансублик ва глобал хабардор ўқув муҳитини яратишга имкон беради.

Бундан кўзланган асосий мақсад кейинги 10 йил давомида Шарқий Осиё мамлакатлари, шу жумладан Япониядаги халқаро талабалар сонини ҳозирги 300 000 дан 400 000 гача кенгайтириш ҳисобланади.

Бироқ, бу нафақат Шарқий Осиёга халқаро талабаларни жалб қилиш, балки япон талабаларини чет элга юборишни ҳам назарда тутади. Мақсад – япон



талабаларига фақат Япониянинг ўзида ҳамма нарсаси билан таъминлаш мумкин эмаслигини тушунтириш учун халқаро тажриба ва имкониятларни тақдим этишдир.

Ҳозирги кўрсаткичдан беш баробар кўп ҳисобланган 500 минг япон талабасини хорижга жўнатиш бош мақсад ҳисобланади. Бу орқали Япония ўз талабаларининг дунёқарашини кенгайтиришга ва уларни дунёнинг турли мамлакатларидаги турли таълим тизимлари ва маданиятлари билан таништиришга интилади.

Халқаро таълимни таъминлашга бўлган бундай эътибор Япония чегараларидан ташқарида глобал истиқбол ва тажрибалар япон талабаларининг шахсий ва академик ривожланиши учун қимматли эканлигини тан олишни таъкидлайди.

Рақамлаштириш аналог ахборотни рақамли шаклга айлантириш жараёнини англатади. Юқорида айтиб ўтилган контекстда рақамлаштириш чегара назорати ва халқаро талабалар алмашинуви контекстида назарда тутилганга ўхшайди.

Охирги уч йил ичида Осиё-Тинч океани минтақасидаги Австралия, Хитой, Япония ва Жанубий Корея каби давлатлар чегара назоратига ёндашувида сезиларли ўзгаришларни бошдан кечирди.

Қаттиқ тартиб-қоидалар ва миллий чегараларни назорат қилишга кўпроқ эътибор қаратилиши натижасида халқаро талабалар алмашинуви чекланди.

Бу дегани, ҳатто Ўзбекистон каби давлатлардан келган талабалар ҳам чегара назоратининг қаттиқ чоралари туфайли ушбу мамлакатларга киришга руҳсат беришда қийинчиликларга дуч келишлари мумкин.



Қаттиқ чегара назорати ва масофадан ўқитиш зарурати билан боғлиқ муаммоларга жавобан Шарқий Осиё, жумладан, Япония университетлари мустаҳкам рақамли алоқа инфратузилмасини ривожлантиришга эътибор қаратди.

Кўпгина университетлар онлайн таълимга муваффақиятли ўтказилиши натижасида кўпгина талабалар ўқишни тўлиқ онлайн тарзда тугатиб, кампусга шахсан боришига ҳожат қолмади.

Пандемиядан олдин ҳам онлайн таълим соҳасида халқаро ҳамкорлик учун узоқ муддатли истиқбол мавжуд эди. Ана шундай ташаббуслардан бири Шарқий Осиё ва АҚШ университетлари ўртасидаги COIL (Collaborative Onlayn International Learning – Ҳамкорликдаги онлайн халқаро таълим) ҳамкорлик дастури ҳисобланади. COIL нинг мақсади чегаралар бўйлаб талабалар учун ҳамкорликда онлайн таълим тажрибасини осонлаштиришга қаратилган.

Бундан кўзланган мақсад онлайн таълимдаги халқаро алмашинувни яхшилаш ва шахсан ҳаракатланиш тажрибасини ривожлантириш воситаси сифатида ишлатиш эди.

Ташаббуслардан бири кенг доирадаги талабалар ўртасида маданиятлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида Кўшма Штатлардаги нуфузли тадқиқот ва давлат университети ҳисобланган Канзас университети билан ҳамкорликни ўз ичига олган. Режага кўра, маҳаллий ва халқаро талабаларга биргаликда ўрганиш имконини бериш учун инглиз ёки япон тилларида кўшма дарслар олиб борилиши ҳисобланган. Аммо, пандемия туфайли онлайн таълимга ўтиш ёндашувни ўзгартиришни талаб қилди.



Бундай шароитларда асосий эътибор тадқиқотни бошқариш ва яратиш орқали таълимни рақамлаштиришга қаратилди. Мақсад – таълимни етказиб беришнинг бир нечта усулларини қўллаб-қувватлаш учун рақамли воситалар ва платформаларни мослаштириш ва бирлаштириш ҳисобланади.

Ушбу трансформация пандемия келтириб чиқарадиган муаммоларни ҳал қилиш ва талабаларга сифатли таълим беришни давом эттириш бўйича амалга оширилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларнинг бир қисмидир.

Ушбу таълим тизими доирасида халқаро муаммоларни ҳал қилиш ва ҳамкорликда ўрганишни осонлаштириш учун бир қатор онлайн дастурлар амалга оширилди. Ушбу ташаббусларга онлайн ўқув дастурлари, блог платформалари ва маданиятлараро ҳамкорликни қўллаб-қувватловчи бошқа онлайн воситалар киради.

Онлайн ва юзма-юз элементларни интеграциялаш орқали, ушбу ташаббуслар Япониянинг халқаро таълим соҳасидаги брендга айланган саъй-ҳаракатларининг муҳим қисми бўлиб қолди.

Терминология нуқтаи назаридан «виртуал алмашинув» тушунчаси бу ерга жуда ҳам мос келади. Бу жисмоний шахсларнинг географик масофа билан ажралиб туришига қарамай, таълим фаолиятида иштирок этиш ва турли мамлакатлардан келган одамлар билан мулоқот қилиш қобилиятини англатади.

Ушбу концепция халқаро ҳамкорлик ва маданиятлараро таълим олиш тажрибасини рағбатлантиришнинг умумий мақсадига мос келади. Демак, моҳиятан бу шахсларнинг чегаралар бўйлаб ўзаро маз-



мунли таълим олишига имконияти мавжудлигини билдиради.

Дарҳақиқат, миллий таълимга, хусусан, инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларга бўлган ишонч одатда алмашинув тушунчасига таяниши ҳақиқатдир.

Муайян таълим анъаналаридан келиб чиққан ҳолда, жисмоний шахслар учун яхши шаклланган инглиз тили дастурида ўқиш имконияти одамларни қабул қилинган сифат ва жаҳон меҳнат бозорида яхши истиқболга эга бўлиш салоҳияти туфайли ўзига жалб қилади.

Бошқа томондан, Япония каби инглиз тилида сўзлашмайдиган мамлакатлар учун ёндашув кўпроқ алмашинувга қаратилган. Бу халқаро талабаларни онлайн дастурларда иштирок этишга таклиф қилиш ва бир вақтнинг ўзида маҳаллий таълим тизимини халқаро миқёсга йўналтиришни ўз ичига олади.

Онлайн ва жисмоний алмашинувнинг бу комбинацияси таълимнинг умумий сифатини оширишга қаратилган халқаро ҳамкорликда таълим олишдаги жозибадор ташаббусни ифодалайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ёндашув муҳокаманинг якуний босқичи ёки мақсади бўлиб, таълим сифатини ошириш ва халқаролаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни намойиш этади. Шундай экан, бу ҳақиқатан ҳам тўлақонли старт бўлади.

Ҳозирги вақтда Япония университетлари ушбу муҳим ўзгаришларга мос келадиган фикрлаш тарзи ва хатти-ҳаракатларни қабул қилиш муаммоси билан курашмоқда.

Ушбу муассасалар учун ҳаттоки коммуникатив, миллий ва маҳаллий чегаралардан чиқиб кетадиган



маданиятлараро бир-бирини тушуниш зарурати каби юзма-юз келадиган тўсиқларга қарамай, тезда мослашиш жуда долзарб ҳисобланади.

Ушбу омилларни ўқув режасинининг таркибий тузилишига киритиш ҳал қилиниши керак бўлган муҳим масалага айланмоқда.

Бундан ташқари, шахсий халқаро алмашинув олдингидек катта аҳамиятга эга ва талабалар орасида ажралиб турадиган омилга айланиши мумкин.

Бироқ, жамоалар орасидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тафовутлар халқаро ва маданий таълимдан қашшоқлик ва келишмовчиликлар каби долзарб муаммоларни ҳам ҳал қилишни талаб қилади. Бутун дунё бўйлаб университетларда кўп маданиятли таълимга фидойилик биринчи даражали аҳамият касб этади.



# УНИВЕРСИТЕТ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ЖАРАЁНИДА КРЕДИТ ТИЗИМИ ВА ТАЛАБАЛАР МОБИЛЛИГИ

**Мансур Эшов,**

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети Академик фаолият  
бўйича проректор, иқтисод  
фанлари доктори, профессор

**Мансур Султанов,**

Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети «Университет4.0»  
трансформация маркази  
директори, доцент

Кредит тизими ва талабаларнинг ҳаракатчанлиги университетларнинг трансформацияси шароитида муҳим аҳамиятга эга. Олий ўқув юртлари талабалар, иш берувчилар ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондиришга интилаётганда, таълим муассасалари ўртасида кредитларни муаммосиз трансфер қилиш ва талабаларнинг ҳаракатчанлигини ошириш қобилияти жуда муҳим аҳамият касб этди. Кредит трансфер тизими талабаларга тугалланган курс ишининг академик қийматини сақлаб, турли университетлар ёки таълим дастурлари ўртасида ҳаракат қилиш имконини беради. Талабаларнинг мобиллиги эса маданий алмашинув, глобал тушунча ва турли кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради. Бу талабаларга турли хил академик муҳитлар билан танишиш, турли нуқтаи назарларни билиш ва кенгроқ дунёқарашни



ривожлантириш имкониятини беради. Бундан ташқари, у илғор тажрибалар алмашинуви, илмий ҳамкорлик ва билимларни узатиш орқали университетлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 27 октябрда тасдиқланган «Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 655-сонли қарорида олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда трансформация қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Унга кўра олий таълим жараёнини рақамли форматга ўтказиш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида билимлар трансферини таъминлаш, ҳар бир таълим олувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда билим, компетенция, кўникма ва малакаларни шакллантириш учун ахборот тизимларини жорий этиш, олий таълим муассасасини ҳудуддаги маҳаллий жамоаларнинг таълим, илм-фан ва ижтимоий-маданий соҳаларда ривожланишини таъминлайдиган марказ сифатида шакллантириш каби вазифалар белгилаб берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ва «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонларида белгиланган вазифалар иж-



росини таъминлаш ҳамда мамлакатда олий таълим тизимини сифат жиҳатдан янада яхшилаш борасидаги ишларни изчил давом эттириш ва ушбу соҳага илғор халқаро тажрибани татбиқ қилиш мақсадида мамлакатимиз олий таълим тизимида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ушбу концепциясига кўра мамлакатдаги ОТМларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит тизимига ўтиши режалаштирилган бўлса. Бу жараён янада тезлашиб мамлакатдаги деярли барча ОТТлар кредит тизимида фаолият юрита бошладилар. Масалан, 2020–2021 ўқув йилининг ўзида мамлакатдаги 33 дан ортиқ йирик ОТМлар кредит тизимига ўтказилган эди. 2021–2022 ўқув йилидан бошлаб эса барча ОТМлар тўлиқ кредит тизимига ўтказилди.



**1-расм. Кредит тизимининг афзалликлари**



Хўш, кредит тизими Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимига нималарни беради? Унинг амалдаги таълим тизимидан афзалликлари нима? Қуйида бу саволга аниқ мисоллар билан жавоб беришга уриниб кўрамиз.

### **ЎҚУВ РЕЖАЛАРИГА ТАНЛОВ ФАНЛАРИНИ КИРИБ КЕЛИШИ**

Кредит тизимига ўтишнинг муҳим жиҳатларидан яна бири бу ўқув дастурига танлов фанларининг кириб келишидир. Унга кўра талабалар ўқишнинг дастлабки йилларида соҳага оид асосий, умумкасбий фанларни ўзлаштириб, соҳа бўйича умумий билимни эгаллаб олганларидан сўнг, улар энди соҳага оид махсус фанларни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб ўзлари танлаш имкониятига эга бўладилар. Бунда ОТМ талабаларга ўқув йили давомида таклиф қилинаётган танлов фанларнинг рўйхатини ва улар ҳақида батафсил маълумот такдим этади. Талабалар эса ушбу рўйхат ва маълумотлар асосида ўзлари қизиққан фанларни танлайдилар. Бу жараён ҳар бир талаба ўзининг бакалавр ёки магистратура ўқиш дастурини маълум маънода ўзи шакллантиришга имкон яратади. Яъни, гуруҳда 50 нафар талаба бўлса, уларнинг ҳар бири ўз қизиқишларига кўра ўз ўқув дастурларига эга бўлади.

Танлов фанлари миқдори курсдан-курсга кўпайиб бориши зарур. Чунки талаба курсдан-курсга ўтган сари, мутахассис сифатида шаклланиб ва унда мустақил қарор қабул қилиш қобилияти ҳам юксалиб



боради. ОТМлар аста-секинлик билан талабларга ўз факультетларидан ташқарида, яъни бошқа факультетлардан ҳам танлов фанлари олишга имконият яратишлари зарур.

Танлов фанлари амалиёти нафақат талабалар ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича чуқурроқ билим олишга имконият яратади, балки ОТМ ўқув дастуридаги фанлар таркиби табиий равишда сараланиб боришига ҳам хизмат қилади. Чунки, талабалар қизиқиш ва эҳтиёжларига жавоб бермайдиган фанлар аста-секинлик билан дастурни тарк этиб, фанлар рўйхатини иқтисодиёт ва замон талаблари ҳамда талабалар қизиқишларига мос фанлар эгаллай бошлайди. Бундан ташқари фан ўзига етарли миқдорда талабаларни жалб қила олиши учун ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлаши, талабалар учун фаннинг аҳамиятини сақлаб қолиши, дарсларнинг сифатини доимий равишда яхшилаб бориши зарур. Акс ҳолда ушбу фан ўқув дастуридан чиқиб кетиши ва натижада ўқитувчи ўз ишини йўқотиб қўйиши мумкин. Бу жараён дарслар сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Шуниси аниқки, кредит тизимининг тарихи, унинг пайдо бўлиши танлов фанлари амалиёти билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, кредит тизимининг юзага келишига танлов фанлари амалиёти сабаб бўлган. Шундай экан, агар ОТМ ўзида кредит тизимини жорий этса-да, лекин ўқув дастурларига танлов фанларини олиб кирмаса, ушбу ОТМ том маънода кредит тизимида фаолият юритяпти дейиш қийин.



## ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ШАФФОФЛИК ОЛИБ КИРИШ

Кредит тизимида ОТМлар нафақат ҳар бир ўқув дастурлари мақсадларини олдиндан белгилаб олишлари зарур, балки бу мақсадларни ўзининг бўлғуси ва мавжуд талабаларига олдиндан шаффоф тарзда етказиши керак. Ҳозирда, маҳаллий ОТМларга ҳужжат топшираётган талабалар ўзлари ҳужжат топшираётган бакалавр ёки магистратура дастурларида айнан нималарни ўрганишлари мумкинлиги ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар. Аксарият ҳолларда абитуриентларга фақат университет, факультет ва дастур номигина маълум. Ҳатто университетда ўқиётган талабалар ҳам кейинги семестрда қайси фанларни ўқишларини фақат ўша семестр бошидагина билдилар. Яъни, абитуриентлар ва талабаларга бакалавр ёки магистратура дастурларининг мақсадлари, унда ўрганиладиган фанлар, дастурда улар қандай билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлишлари ҳақида олдиндан, қолаверса, ўқиш давомида ҳам етарлича маълумот берилмайди.

Абитуриентга ёки талабаларга бу маълумотлар нима учун олдиндан тақдим этилиши зарур? Ҳозирда талабаларга бир пайтнинг ўзида бир нечта университетларга ҳужжат топшириш имконияти берилмоқда. Шундай экан улар бир пайтни ўзида бир нечта ОТМга қабул қилиниши мумкин. Бўлғуси талабалар қайси ОТМнинг қайси дастурига ҳужжат топшириш ва уларга қабул қилингандан сўнг танловни амалга ошириши учун ОТМ ва уларнинг дастурлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишга ҳақ-



лидирлар. Танлов учун ОТМ ёки ундаги дастурларнинг номини билишнинг ўзигина етишмайди. ОТМлар сони кўпайган сари эндиликда талабалар ундаги дастурларнинг номига қараб эмас, балки сифатига қараб танлай бошлайдилар. Яъни, абитуриентлар ҳаётларининг 4 ёки 2 йилини ва қийналиб топилган пулларини нимага сармоя қилаётганликларини олдиндан билишга ҳақлидир. Қолаверса, ҳар бир талаба ОТМга анча миқдорда контракт пули тўлаётган мижоз сифатида муайян ўқув дастури ҳақида батафсил билишга ҳақлидир.

Кредит тизимига ўтгандан сўнг эса университетлар ўзларининг ҳар бир бакалавр ва магистратура дастурлари бўйича дастур каталогини чиқишларига тўғри келади. Унда ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастурининг мақсадлари, қабул қоидалари, ОТМдаги ўқиш шароитлари, академик тақвим, талабалар



**2-расм. ТДИУ талабаларга хизмат кўрсатиш офиси**




4 йиллик ёки 2 йиллик дастур давомида айнан қайси фанларни ўқишлари мумкинлиги, ушбу фанларнинг қисқача тавсифи, қайси фан айнан қайси курсда ўрганилиши, уларни айнан кимлар ўқитиши, ОТМда талабалар учун ётоқхона имкониятлари, талабаларнинг бир ойлик ўртача яшаш харажатлари, ОТМда қўлланиладиган баҳолаш усул ва мезонлари ҳақида абитуриент ва талабаларга олдиндан шаффоф тарзда маълумот берилиши зарур. Бу маълумотлар ҳар янги ўқув йили бошида китобча тарзида талабаларга тарқатилади ёки университет веб саҳифасига юклаб олиш мумкин бўлган форматда жойлаштирилади.

### **ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРНИ ШАФФОФ ТАРЗДА ТАШКИЛ ЭТИШ**

Ҳозирда мамлакатимиздаги аксарият ОТМларида талабалар семестр бошида дарслар бошланиши арафасида фақат ўша семестрда ўтиладиган фанларнинг номи, уларни ўқитадиган ўқитувчилар исмлари, дарслар қайси пайт, қайси хоналарда ўтиши ҳақида маълумотга эга бўладилар холос. Талабаларга ушбу фанларнинг мақсадлари, уларни талабанинг мутахассис бўлиб етишишида тутган ўрни, талаба ушбу фанлар орқали қандай билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлиши кутилаётганлиги ҳақида маълумот деярли берилмайди, билмайдилар. Чунки амалиётда университет фанлари ҳақидаги бундай маълумотлар талабаларга тизимли, яхлит ва шаффоф тарзда тақдим этилмайди.

Кредит тизимида эса ОТМнинг ҳар бир ўқитувчиси ўзининг ҳар бир фани бўйича 4-5 бетли фан дастурига,






3-расм. Ўқув режада кредитлар тақсимооти

яъни «syllabus» га эга бўлиши ва уни семестр бошида талабаларга тақдим этиши керак бўлади. Фан дастури ўзида ушбу фаннинг мақсадлари, унинг ўқув дастурида тутган ўрни, талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун аҳамияти, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида нималар қила олиши, ушбу фан бўйича семестр давомида ўрганиладиган мавзулар, талабалар фойдаланиши зарур ва мумкин бўлган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Агар фан танлов фани бўлса, талаба учун бундай маълумотларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки талаба фанни танлаш ёки танламаслик бўйича қарорга келиши учун фанни номини ёки уни ўқитадиган ўқитувчининг исмини билишни ўзигина кифоя қилмайди. Талаба бундай қарорга келиши учун фан бўйича етарли маълумотга эга бўлиши керак.

Фан дастуридан кўзланган мақсад жуда оддий – ОТМларда дарс жараёнларини шаффоф, мақсадли ва режа асосида ташкил этишга эришишдир. Бу ама-



лиёт, авваламбор ўқитувчини ўзи ўқитмоқчи бўлган фан мақсадлари ва аҳамиятини ўзи тушуниб олишга ундайди. Афсуски амалиётда, ўзи ўргатаётган фанининг мақсадлари ва унинг талабаларни мутахассис сифатида шаклланишидаги аҳамиятини билмайдиган ўқитувчилар ҳам етарлича. Агар ўқитувчи ўз фан мақсадларини олдиндан аниқ белгилаб олса, у семестр давомида барча таълим ҳаракатларини мана шу мақсадларга эришишга қаратади. Имтиҳонлар ҳам талабаларнинг шу кўзланган мақсадларга эришган эришмаганлигини текширишга қаратилади. Агар фаннинг мақсадлари белгиланмаса ёки у талабанинг мутахассис сифатида шаклланишига хизмат қилмаса, ушбу фан ўқув дастурида қолиши тўғри эмас. Лекин ушбу амалиёт ОТМ томонидан ўқитувчилар устидан назоратни кучайтириб юборишига, ўқитувчиларни шу баҳона жазолашга ва қоғозбозчиликка ҳам олиб келмаслиги керак.



**4-расм. Кредит-соат нисбати**

Кредит тизимида таълим шафофлигини таъминлаш қуйидаги қоидаларда ўз аксини топади:

- Ўқув дастуридаги ҳар бир фан маълум миқдордаги кредитларда акс эттирилади. Яъни ҳар бир кредит ўртача 25-30 соат ўқиш юкламасининг англатишини ҳисобга олса, талаба муайян



фанга тақсимланган кредитлар миқдорига қараб, ушбу фаннинг ўқиш юкламаси ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлади.

- Ҳар бир ОТМ ўқув йили бошида ўзининг ўқув дастурлари бўйича дастур каталогини ишлаб чиқади ва уни талабаларга тақдим этади. Дастур каталоги ОТМ веб саҳифасига жойлаштирилиши ёки бошқа усулда талабаларга тақдим қилиниши мумкин.
- Ўқув дастуридаги ҳар бир фан муайян маълумотларни ўзида акс эттирган ҳолда кодланади. Ўқув дастурида ҳар бир фан ва унинг даражаси, бошқа фанлар билан алоқадорлиги, танлов ёки мажбурий фан эканлиги ҳамда шу каби маълумотларни ўзида акс эттирган ҳолда кодланади ва бу кодлар мазмуни ҳақида талабаларга тушунтирилади.
- Ўқитувчилар томонидан ўз фанлари бўйича фан дастурларини тайёрланиши ва талабаларга тақдим этилиши. Кредит тизимида ҳар бир ўқитувчи ОТМ ўқув дастурдаги у ўқитиши керак бўлган ҳар бир фани бўйича «фан дастурини» ишлаб чиқади ва уни семестрнинг дастлабки ҳафтасида талабаларга тақдим этади.

### **КРЕДИТ ТИЗИМИДА ОТМЛАР АКАДЕМИК ЭРКИНЛИГИ**

Юқорида тасвирлаганимиздек, кредит тизими ОТМ ўқув дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тизими ва тартибини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. ОТМлар эндиликда ўз ўқув дастурлари ва



ўқув режаларини меҳнат бозори талаблари, иш берувчилар эҳтиёжлари ва талабалар қизиқишларига мос равишда ишлаб чиқишига тўғри келади. Бу дега-ни ҳар бир ОТМ ўз ўқув режа ва дастурларини ўзлари мустақил ишлаб чиқишларига тўғри келади. Кредит тизими ОТМлар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити шаклланишини тақозо этади. Рақобат муҳити қачон шаклланади? Қачонки, ОТМлари ўз ўқув дастурлари таркиби ва уларнинг сифати нуқтаи назаридан бошқа шу каби дастурлардан афзаллигини кўрсата олса. Лекин ОТМлар ушбу вазифаларнинг ҳеч қайси бирини эркинликсиз амалга ошира олмайдилар. Шундай экан ОТМлар академик эркинлиги бу кредит тизимига ўтишнинг, умумий олганда олий таълим тизимини ривожланишининг энг зарур шартларидан биридир. Амалда ОТМлар ҳатто дарсни қандай ташкил қилиш масаласини ҳам ўзлари белгилаш ҳуқуқига эга эмас, десак тўғри бўлади. Масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 10 сентябрдаги 20-2018-сонли буйруғи 2-боб, 8-бандида ОТМда маъруза машғулотлари одатда илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилиши кераклиги белгиланган. ОТМда дарсларни қатъий равишда икки турга яъни маъруза ва семинар дарсларига бўлиб, уларнинг ҳар бирини айнан кимлар томонидан ўтилиши кераклигигача вазирлик томонидан белгилаб қўйилиши қай даражада тўғри? Бир фан бўйича маърузаларни бир даражадаги ўқитувчи, семинарларни эса бошқа даражадаги ўқитувчилар ўтиши амалиёти яна қайси давлатлар тажрибасида мавжуд? Дарсларни ташкил этиш услубла-



ри фақат маъруза ва семинардан иборатми? Нима учун ОТМлар дарсларни ташкил қилиш каби оддий масалаларни ҳам ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас? ОТМлар устидан бу даражадаги қаттиқ назорат ва чекловлар нима учун керак? Энг муҳими, бу амалиёт ўз самарасини бераяптими?

Ҳозирда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва ОТМларни назорат қиладиган бошқа давлат ташкилотлари кредит тизимида ОТМлар академик эркинлигини қандай тушунишади? Умуман олганда кредит тизимида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда таълимни назорат қилиш ташкилотлари ваколати ва вазифалари нималардан иборат бўлиши керак? Бу бўйича ўз ОТМлари жаҳон рейтингларида юқори ўринни эгаллаган давлатлар тажрибаси қандай? ОТМларга эркинлик бермасдан туриб, улардан «қанотлари боғланган ҳолда баландроқ парвоз қилишни» талаб қилиш қай даражада тўғри?

Ва ниҳоят ОТМларнинг ўзлари академик эркинлик деганда нималарни тушунишади? Ҳозирда ОТМлар кредит тизимга ўтиш жараёнида оз бўлса-да, кўлга киритган академик эркинликларига қай даражада масъулият билан ёндашмоқда? Улар томонидан тайёрланаётган янги ўқув дастурлари ва ўқув режалари ҳақиқатда ҳам мутахассислик талаблари, меҳнат бозори эҳтиёжлари, талабалар қизиқишларига мос келадими? Қисқача айтганда кредит тизимига ўтаётган ОТМлар фақат академик эркинлик афзалликларини эмас, балки унинг масъулиятини ҳам ҳис қилмоқдами?



## МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Кредит тизимида мустақил таълимига алоҳида урғу берилади. Унда талаба ҳар бир кредитни кўлга киритиш учун белгиланган ўқиш юкламасининг асосий қисмини (50–70%) мустақил таълим орқали жамғариши кераклиги белгилаб кўйилган. Шундай экан, Кредит тизимини мустақил таълимсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Талабаларнинг мустақил таълимни ташкил этишдан асосий мақсад фан (модул) бўйича ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, бойитиш, амалий кўникма ва малакаларни такомиллаштириш, ахборот билан ишлаш, ўз-ўзини ривожлантириш, когнитив, креатив, ҳамкорликда ишлаш компетенцияларини таркиб топтиришдан иборатдир.

Талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш қуйидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга хизмат қилиши лозим:

- талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи компетенцияларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ўқув фаолиятини амалга ошириш;
- билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал этишнинг мақбул йўларини излаб топишга қобилиятли креатив шахсни тарбиялаш;
- талабаларда ўқув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;
- таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;



- талабаларда умуммаданий ва касбий компетенцияларни ривожлантиришга имкон бериш;
- таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобилиятлиликни шакллантириш учун шароит яратиш.



**5-расм. Мустақил таълимнинг ишлаш механизми**

Мустақил таълимни ташкил қилишда ОТМлар ҳам ўз олдидаги вазифаларни унутмасликлари лозим. ОТМларнинг ахборат ресурс марказлари (АРМ) талабалар мустақил таълим олишлари учун асосий жой ва манба бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун АРМ халқаро стандартлар асосида замонавий қиёфада таъмирланган ва унда талабалар мустақил шуғулланишлари учун зарур бўлган барча шароитлар яратилган, айниқса, АРМда янгиланган ўқув дастурлари бўйича асосий ва қўшимча адабиётлар етарлича бўлиши зарур.



## КЕРАГИДАН ОРТИҚ ИХТИСОСЛАШУВ ВА ТАЛАБАЛАРДА ФАНЛАРНИ ТАНЛОВ ИМКОНИАТИНИНГ ЙЎҚОЛИШИ

Айрим бакалаврият таълим йўналишларида бир соҳа яна алоҳида ихтисослик ва сектор таълим йўналишларига бўлиниб кетган ҳолатлар мавжуд. Масалан, ҳозирда ОТМларда магистратура мутахассисликлари ҳам майдалашиб кетган.

Айрим ҳолларда бир мутахассисликда бор йўғи 5–6 та талаба мавжуд бўлиб, айрим мутахассисликларнинг ўқув режаларига эътибор берадиган бўлсак, биридан 3–4 та фанга фарқ қилади холос. Бу даражада керагидан ортиқ ихтисослашув мутахассисликларга алоҳида ўқув режа ишлаб чиқилиши, профессор-ўқитувчиларнинг штатлари ортишига олиб келади. ОТМлар босқичма-босқич таълим йўналишлари ва мутахассисликларини халқаро стандартларга мослаштириб боришлари мақсадга мувофиқ. Бу эса, улар фаолиятини келгусида халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтказишда қатор муаммоларга дуч келишини олдини олади.

Шу билан бирга, ОТМлар ўқув жараёнида мақсадсиз харажатларни амалга оширишни олдини олиш орқали молиявий самарадорликка эришиш имкониятига эга бўлади.

Кредит тизимида бундай контингенти кам мутахассисликларда танлов фанларни ўқув режага кириши қийинлик туғдирмоқда. Чунки, йўналишларнинг секторларга майдаланиб кетиши ушбу йўналишлар бўйича алоҳида бир нечта танлов фанлари яратиш заруратини ташкил этмоқда. Бу эса, 1–2 та талаба учун



бутун бошли хоналарни ажратиш, ўқитувчини ишга олиш, дарсларни ташкил этишни талаб этади.

ОТМларнинг молиявий-иқтисодий имкониятлари чекланганлиги сабабли бундай ихтисосликда ўқиётган талабаларда фанларни танлаш имконияти деярли мавжуд эмас.

Бу муаммони ечиш учун нуфузли хорижий олий таълим муассасалари тажрибасини ўрганган ҳолда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари сонини оптималлаштириш ва айрим ихтисосликларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда, талаба янада ихтисослашувни хоҳласа, у бу мақсадга тегишли танлов фанларини танлаш орқали эришиши мумкин.

Бунда, таълим йўналишлари ва мутахассисликларига тегишли умумий фанлар ўқув режага асосий фанлар сифатида киритилиши, тор доирадаги йўналишлар ва мутахассисликларига тегишли фанлар эса ўқув режанинг танлов фанлари қисмига киритилиши лозим. Шунда, талаба қизиқишидан келиб чиқиб, ўзи танловини ва ихтисослашувини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Оптималлашган кўп сонли мутахассислик ёки гуруҳлар учун замонавий талабалар сиғими 200–250 та бўлган залларда маърузаларни ташкил қилиб, вақт меъёрида белгиланган ўқитувчилар юкламаларини камайтириб, сифатга эришиш мумкин.

Ўқув жараёнига халқаро стандартлар ва рақамлаштиришни жорий қилишнинг талабаларга ва ходимларга қулайликлар яратиш билан бир қаторда бево-сита ОТМларда бир-бирини такрорлайдиган лавозимларни ва ходимларни вазифаларини қайта кўриб



чиқиб структуравий оптимизация қилишни тақозо этади.

## ОТМЛАРНИ РАҚАМЛАШИШДАН ОРТТА ҚОЛИШИ

ОТМларда рақамлаштириш, дарсларни ташкил этиш ҳамда бошқаришга информацион технология ва интернет имкониятларидан етарлича фойдаланилмасдан, қўл бошқаруви кучли бўлиб, талабаларнинг тақдирлари декан ёки декан муовинларига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Хорижда ҳар бир университетнинг онлайн платформаси мавжуд, таълим тизимини бошқариш, профессор ва талаба ўртасидаги алоқа шу онлайн тизим орқали ташкил этилган. Бу таълим тизимини мобиллашувига хизмат қилади.

Масалан, ТДИУ дарс жадвали <https://tsue.edupage.org> сайтида жойлаштирилган бўлиб, мобил иловага ҳам интеграция қилинган маълумотлар таҳрирланганда синхрон тарзда ўзгаради. Бундан ташқари Edupage платформаси дарсларнинг бир вақтда туташ (стык) келишини олдини олади, дарс жадвали ҳар бир гуруҳ, ўқитувчи, хона ва фанлар кесимида индивидуал кўринишда намоён бўлади. Жараёнларни рақамлаштириш орқали сифатли ва қулай хизмат турлари жорий қилинади. Бу эса раҳбарият, ўқитувчилар, талабалар ва ота-оналар учун кўплаб қулайликлар яратади. Таклиф қилинган ечим: Биринчидан, ўқитиш шаклидан қатъий назар барча ОТМларда ўқув жараёни электрон таълим платформаси орқали ташкил этилиши талаб этилади. Таълим платформаси профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа тезлиги, мобил-



лилигини оширади. Талабага бериладиган барча топшириқлар ва уларнинг бажарилиши платформа орқали бўлиши лозим. Иккинчидан, талабада фан бўйича барча маълумотлардан, жумладан, ўқув-услубий материаллар, адабиётлар, фан дастурлари, презентацияларга платформа орқали улашиш, фойдаланиш имкониятига эга бўлади. Учинчидан, университет таълим бошқарувини маълум даражада электрон шаклга ўтказилиши керак. ОТМларда барча фаолиятлар босқичма-босқич рақамлаштирилиб, электрон тизимлар яратилиб, уларни такомиллаштириш керак. Бутун дунёда аксарият университетлар томонидан фойдаланилаётган халқаро таълим стандартлари асосида яратилган, шунингдек, ҳеч қандай харажат талаб қилмайдиган MOODLE таълим платформасини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ХАЛҚАРО АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ**

Олий таълим муассасасини халқаро аккредитациядан ўтказиш – бу, олий таълим муассасалари ёки уларнинг таълим дастурлари амалдаги халқаро стандартларга мос эканлигидан далолат беради.

Олий таълим муассасасининг фаолияти ва таълим дастурлари халқаро стандарт талабларга жавоб берган тақдирдагина халқаро агентлик томонидан аккредитация мақоми берилади. Бугунги кунда, Ўзбекистондаги давлат ОТМлари кесимида таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилмаган. Айни пайтда, ОТМларда таълим кредит тизими асосида ташкил қилиниб, ўқув дастурлари халқаро



стандартларга мослаштирилмоқда. Бу эса, ОТМларнинг ўз фаолиятини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш учун дастлабки қадамлари бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, АҚШда жойлашган Олий таълим аккредитацияси кенгаши, нодавлат ташкилот бўлиб, 175 та давлатдаги 467 та сифатни таъминлаш органлари, аккредитация ташкилотлари ва таълим вазирликлари учун халқаро маълумотлар базасини юритади.

Сифатни таъминлаш ва аккредитациядан ўтказиш ташкилотлари турли давлатларда тегишли ҳукуматлар томонидан давлат идоралари ёки хусусий (нодавлат) ташкилотлар сифатида фолият олиб бориш ҳуқуқига эга.

Олий таълимда халқаро аккредитациянинг афзалликлари: ОТМнинг академик сифат жиҳатдан тан олинishi аккредитация ОТМнинг халқаро мақоми бўлиб, юқори даражадаги ОТМларни бир-бири билан кенг миқёсда таққослаш имконини беради, шунингдек, иш берувчиларга битирувчиларни халқаро стандартларга мос равишда тегишли кўникма ва билимларга эга эканлигини намоён қилади. Бу эса, битирувчиларнинг жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардошлигини оширади.

Шу билан бирга, халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтган ОТМлар халқаро ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган лойиҳалар танловларида ғолиб бўлиш устунлигига эга бўлади.

Шунингдек, халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтган ОТМлар дунёнинг нуфузли хорижий ОТМлари билан бевосита ҳар томонлама ҳамкорлик



алоқаларини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлади.

Ишга жалб қилиш имкониятларнинг янада кенгайтиши аккредитация жараёнлари иш берувчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда, соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади.

Иш берувчилар томонидан халқаро аккредитациядан ўтган ОТМларнинг таълим дастурлари ва улар тайёрлаган битирувчилар халқаро даражада тан олинади. ОТМ халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтганлигини намойиш қилиш учун Халқаро аккредитация агентлигининг бренди ва тегишли адабиётлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Шу билан бирга, халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтган ОТМ халқаро аккредитация агентлиги томонидан рўйхатга олинади ва расмий веб-сайтида эълон қилинади.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ОТМларида кредит тизимига ўтилиши бу муайян миқдордаги кредитларни йил, семестр ва фанлар бўйича тақсимлаб қўйишнинг ўзидан иборат эмас. Афсуски, ҳозирда айрим ОТМлар кредит тизимига ўтишни шундай тушунишмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек, кредит тизимига ўтиш ОТМлар ўқув дастурларини яратишдан бошлаб, ўқитувчиларнинг ўз дарсларини ташкил қилиши бўйича янгича ёндашувларни талаб қилади. Агар кредит тизими тўғри ва тўлиқлигича жорий этилса, у мамлакатимиз олий таълим тизимига жуда катта ижобий хусусиятларни олиб кириши



мумкин. Жумладан, у мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг жаҳон тан олган мукаммал ўлчов бирлигининг олиб кирилиши, ОТМлар ўқув дастурларида мувозанат ва меъёр пайдо бўлиши, ОТМларда ўқиш жараёнининг шаффоф тарзда ташкил этилиши, ўқув дастурлари иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари асосида шаклланиши, дарсларнинг сифати яхшиланиши ва ниҳоят ҳар бир талаба, маълум маънода ўзининг мустақил ўқув дастурига эга бўлишига хизмат қилади.

Агар маҳаллий ОТМлар Кредит тизимига ўтсаларда, лекин юқоридаги мақсадларга эриша олмасалар ёки эришишга ҳаракат қилмасалар, унда ОТМлар кредит тизимига том маънода ўтган ҳисобланмайдилар.



## ТРАНСФОРМАЦИОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ИШОНЧЛИ ИЛМИЙ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ



**Жонатан Симпсон,**  
ELSEVIER ташкилоти  
Вице-Президенти

Сизлар билан учрашиб турганим ҳамда сифатли таълим миллатнинг, институт ва шахсларнинг ўз мақсадларига эришишда қандай муҳим роль ўйнаши ҳақидаги муҳим мавзунини муҳокама қилиш имкониятига эга бўлганимдан мамнунман.

Ижозатингиз билан ўзимни қисқача таништириб ўтсам, мен, Жонатан Симпсон Буюк Британияда жойлашган таниқли нашриёт уйи Элсевиернинг вице-президентиман. Элсевиер компаниясида менинг вазифам ҳар йили 1500 дан ортиқ китобларни нашр этадиган, бутун дунё бўйлаб таълим ва илмий жамоаларга хизмат кўрсатадиган глобал фанлар бўйича экспертлар гуруҳига раҳбарлик қилишдан иборат.

Бундан ташқари, бизнинг ташкилотимиз экспертлар томонидан кўриб чиқилган 2650 дан ортиқ мақолаларни чоп этади ва 90 миллиондан ортиқ мақолалардан иборат кенг маълумотлар базасини сақлайди. Бу маълумотларни эслатиб ўтишимдан мақсад узоқ муддат давомида таълим ва меҳнат фаолияти натижаларини оширишда илмий манбанинг аҳамияти ва ундан фойдаланиш имкониятини таъкидлашдан иборат.



Илмий манба талабалар ва тадқиқотчилар учун қимматли манба бўлиб, уларга ўз ишларида муваффақият қозониш ва таълим муассасаларининг стратегик мақсадларига ҳисса қўшиш имконини беради. Кейинги мунозарада мен мақсадлар, тенглик ва мазмуннинг қийматини ушбу мақсадларни амалга оширишни ажралмас элементлари сифатида кўриб чиқаман.

Бундан ташқари, рақамли трансформация концепциясига тўхталиб, талабалар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва яхшилаш учун технологиядан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида айтиб ўтаман. Дарҳақиқат, натижаларни ошириш ва муваффақиятга эришиш учун контент ва ресурслардан фойдаланишда технология ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Илмий мазмун нуқтаи назаридан у ўрнатилган ва ривожланаётган тенденцияларни қўллаб-қувватлаши мумкин. Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим сифатини ошириш асосий мақсад экан, ушбу стратегиянинг бир жиҳати барқарорлик ва далилларга асосланган манбадан фойдаланиш билан боғлиқ.

Таълим, ўрганиш ва тадқиқот учун ишончли ва тасдиқланган муҳим ва аҳамиятли манбадир. Бу боорада Элсевиер журналлар ва электрон китоблар учун дунёдаги энг йирик тўлиқ матнли платформа ҳисобланади.

Science Direct дунёдаги 18% юқори сифатли тўлиқ матнли контентни бирлаштирган платформа бўлиб, у тадқиқотга жуда юқори таъсир кўрсатади.

Science Direct шунингдек, фанлараро мавзулар ўртасида кўприкни таъминлайди ва фанлараро таълим ва тадқиқотларни қўллаб-қувватлашнинг аҳамияти то-



бора кўпроқ замонавий мураккаб ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш ва илмий инновацияларни рағбатлантиришнинг калити сифатида қаралмоқда.

Юқори таъсирли кашфиётлар кўпинча фанлар чорраҳасида содир бўлганлиги сабабли, олимлар анъанавий соҳалар чегарасидан ташқарида бўлган тадқиқот йўналишлари билан кўпроқ шуғуллана бошладилар ва бундай чегаралар бўйлаб ҳамкорликни кучайтирдилар.

Келинг, технология ва ишонч масаласини бир бирига боғлиқ ҳолда кўриб чиқайлик. Яқинда қилган саёҳатларимда, масалан, Хитойга ташриф буюрганимда, тез-тез пайдо бўладиган саволлардан бири бу GPT chat ва генератив сунъий интеллект ҳақида бўлди. Менинг бугунги мақсадим сунъий интеллектни чуқур ўрганиш бўлмаса-да, GPT chat ишга туширилгандан бери дунё ушбу технологиянинг таълим, тадқиқот ва илмий ишлардаги ролини синчковлик билан ўргана бошлаганини тан олиш керак. Катта тил моделлари (LLM), уларнинг имкониятлари ва эҳтимолий таҳдидлар ҳақида саволлар кўтарилди.

Гарчи менда ҳамма жавоблар бўлмаса ҳам, сунъий интеллект биринчи навбатда имконият тақдим этишига қатъий ишонаман. Бироқ, ушбу технологиядан масъулият билан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Ушбу контекстда ишончни муҳокама қилганда, генератив сунъий интеллектдан масъулиятли фойдаланиш унинг натижаларига бўлган ишончга асосланган бўлиши керак.

Мен сизнинг фикрингизни тушунаман, гарчи асосий технологиянинг ўзи янги бўлмаса-да, катта тил моделларининг мавжудлиги ва автоматлаштириш билан табиий тил ўзаро таъсирида иштирок этиш



қобилияти сезиларли даражада ўзгарган. Ташкилотимиз йигирма йилдан ортиқ вақтдан бери сунъий интеллект ва «Machine Learning»дан фойдаланиш бўйича етакчи ўринни эгаллаб келмоқда ва бу унинг ушбу технологияларни эрта ўзлаштирганини кўрсатади.

Ҳар бир янги технология пайдо бўлиши билан трансформатив ўзгаришлар учун янги имкониятлар мавжудлигини тан олиш муҳимдир.

Технология, хусусан, генератив моделлар кўринишида, контентдан кенг фойдаланиш имконини бериб, билимларни демократлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ахборот олиш имкониятининг осонлашиши ахборотнинг энг кенг аудиторияга етиб боришини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Генератив моделлар билимларни узатиш, ўзгартириш ва етказиб беришда инқилоб қилди, бу эса ўз навбатида таълим сифатини кўллаб-қувватлайди. Бинобарин, ишончли ва тасдиқланган ахборот манбаларини таъминлашда китоблар, журналлар ва контекстуал манбаларнинг аҳамиятини таъкидлаш муҳимдир.

Ушбу манбалар мавжуд тушунчаларни янада бойитиш учун ўқилиши ва ишлатилиши мумкин бўлган қимматли билимлар омбори бўлиб хизмат қилади. Айниқса, китоблар ўз қадр-қимматига эга, чунки ўқувчиларда уларни қайта-қайта кўриб чиқиш имконияти бор.

Бу жиҳат иқлим ўзгариши каби энг сўнгги тадқиқотларга кириш муҳим бўлган мураккаб муаммоларни ҳал қилишда муҳимдир. Энг сўнгги тадқиқотларнинг фойдалилиги унинг контекстга мос келиши ва билимларни чуқурлаштиришга ҳисса кўшиш қобилиятидир.



Шу сабабли, кенг қамровли ресурслардан узоқ муддатли фойдаланишни таъминлаш жуда муҳимдир. Ушбу манбалар нафақат ўқувчиларга тадқиқотни тушунишга ёрдам беради, балки турли соҳалардаги етакчи мутахассисларнинг фикрларини ҳам беради.

Муайян соҳаларда тажриба мавжуд бўлса-да, ҳар қандай шахс ҳар бир мавзунини тўлиқ тушуниши мумкин эмаслигини тан олиш муҳимдир. Тадқиқотнинг контекстли қўлланилишини тушуниш учун маълумот синтезини таъминлайдиган ва уни маъносини англатувчи ресурсларга эга бўлиш жуда муҳимдир.

Бу илм оламида контентнинг аҳамиятини таъкидлайди. Китоблар ва журналлар маълумотларнинг излаб топилиши ва оқимини осонлаштирадиган, муассасалар ва шахсларнинг муваффақиятига ҳисса қўшадиган эшик бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, ушбу манбалар турли мавзулар ва фанлар ўртасидаги тафовутни бартараф этишда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Й.Сун, Г.Ливан ва А.Малар Лондон коллеж университетида шудай деб айтишган эдилар: «Ушбу тадбирнинг кўлами: Жамиятда давом этаётган яшил ва рақамли трансформациялар олий таълимни бошқариш ва таъминлашда янги ёндашувларни ишлаб чиқишни талаб қилади.

Энди дунё иқтисодий тараққиётни сақлаб қолиш ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун янги кўникмалар ва малакаларни доимий равишда ривожлантиришга муҳтож».

Ўзбекистонда фанлараро тадқиқот ва уларни ўрганиш қанчалик муҳим эканлигини тассавур қилиш мумкин. Бунини қўллаб-қувватлаш учун бир-бирига ўхшаш, қўшни ва бир-бирини тўлдирувчи мавзу ресурсларига кириш имкониятига эга бўлиш жуда муҳимдир.



Етакчи адабиётлар соҳаларни олдинга силжитса-да, соҳаларнинг интерфейсида ишлаш, ўзаро ҳамкорлик ва инновация қилиш қобилияти асосий ҳисобланади. Журналлар ва электрон китоблар кўринишидаги асосий контент буни амалга оширишга ёрдам беради.

Самарали фанлараро илмий иш асосий мавзулар бўйича фундаментал билимга эга бўлишни талаб қилади. Бу соҳадаги мутахассис ҳамкорлик қилиш ёки ўз илмий иши учун фойдаланиш мақсадида кўриб чиқишда унчалик таниш бўлмаган соҳадаги кам ривожланган манбага мурожаат қилиши мумкин.

Фанлараро таълим, малака ошириш ва тадқиқотларни қўллаб-қувватловчи олий таълим тизимини яратиш жараёнида фундаментал ва илғор илмий нашрлар муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, билим мустаҳкам пойдеворга қурилган. Исаак Ньютон 1675 йилдаги мактубида шундай деган, «Агар мен [бошқалардан] узоқроқни кўрган бўлсам, бу гигантларнинг елкасида турганимдир».


Билимни шакллантириш ролига қарашнинг яна бир соддалаштирилган усули – тадқиқотчиларга ўз мартаба ва билимларини ривожлантириш жараёнида юқорига кўтарилиш имконини берувчи зинапоя, лекин энг муҳими, агар улар янги мавзуни ўрганиш ёки ёндош мавзу соҳасида билим ёки тушунча ҳосил қилишлари керак бўлса, пастга тушишлари мумкин.

Ушбу мавзу бўйича баъзи маълумотларга диққатингизни қаратмоқчиман. Келтирилган маълумотлар 2017 йилдан 2022 йилгача бўлган беш йиллик даврда Ўзбекистондаги тадқиқот мавзулари ва тадқиқотчиларга тегишли (1-расм).



## МАВЗУЛАР ВА МАВЗУ КЛАСТЕРЛАРИ

2017–2022 йиллар давомида Ўзбекистон тадқиқотчилари қуйидагиларга ҳисса қўшдилар:



- 1,169 мавзу кластерлари
- 5,368 мавзулар
- ▣ Фақат илмий натижалар бўйича энг яхши 100 таси кўрсатилган

### 1-расм. 2017 йилдан 2022 йилгача бўлган беш йиллик даврда Ўзбекистондаги тадқиқот мавзулари ва тадқиқотчилар

Тадқиқот маълумотларининг аниқ тафсилотларига тўхталиш бизнинг муҳокамамиз учун зарур бўлмаслиги мумкинлигини тушунаман.

Чап тарафда кўриб турганингиз 5000 дан ортиқ мавзуларга эга бўлган турли мавзуларни, ўнг томонда эса тадқиқотнинг энг яхши 100 йўналишини ифодалайди.

Ушбу диаграммалар фанлараро соҳаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва аҳамиятини кўрсатади. Электр двигателлари, саёз сувни моделлаштириш ёки насос станцияларини лойиҳалаш каби турли соҳаларда тажрибага эга бўлган тадқиқотчилар ўзларининг тегишли фанлари ўртасида ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорлик соҳаларини топишлари мумкин.



Ушбу фанлараро соҳалардаги тадқиқотчилар ўз ҳамкасблари билан самарали ишлашлари учун тегишли манбалардан фойдаланиш имкониятига эга бўлишлари жуда муҳимдир. Бу контентнинг фанлараро тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш ва осонлаштиришда қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди. У иерархия сифатида тақдим этилган бўлиб, билимларни асосий босқичдан юқори даражагача қуришни тасвирлайди.

Олий таълим контекстида талабалар энциклопедиялар ва рақамли тасвирлар фойдаланиш каби фундаментал билимлардан бошлайдилар. Билимлари ривожланган сари улар қўшимча маълумот берувчи монографиялар ва кенгроқ мавзуларни қамраб олувчи китоблардан фойдалана бошлайдилар.

Ниҳоят, талабалар ўз фанлари бўйича кўпроқ ихтисослашган ва яхши билимга эга бўлган сари, улар бирламчи тадқиқотнинг бевосита натижаларини ўз ичига олган асосий нашрлар бўлган журнал мақолаларига кўпроқ таянадилар.

Контентнинг ушбу иерархияси билимнинг қадрқиммати ва ривожланишини кўрсатиб, ўқувчиларга ақл-идрок ва тушуниш имкониятларини ўстиришга йўл очиб беради.


Бугун бизнинг эътиборимиз таълим сифатини ошириш ва институтлар ва вазирлар томонидан кутилаётган натижаларни қўллаб-қувватлаш йўллари-ни муҳокама қилишга қаратилган.

Кучли билим пойдеворини мустаҳкамлаш ва тегишли манбалардан фойдаланишни таъминлаш орқали биз таълим йўналишини яхшилашимиз ва мазмунли тараққиётга ёрдам беришимиз мумкин.



Академик фаолиятингиз давомида, бакалавриятдан магистратура даражасига, PhD, докторантура ва тадқиқот оламининг бир қисмига айланганингизгача ресурслардан фойдаланиш билимларни шакллантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Бу жараён чизиқли зинапоя эмас, балки олдинга ва орқага қайтишни, тўғри турдаги манбани қайта кўриб чиқишни ва олдинга юришни ўз ичига олади. Ушбу олдинга ва орқага юришни қўллаб-қувватлайдиган ресурслардан фойдалана олиш имкониятининг мавжуд бўлиши муҳимдир.



**2-расм. 2019–2020 йилларда Science Direct электрон китобларидан фойдаланиш ҳолати**

Келинг энди, жаҳон даражасидаги манбага киришни осонлаштиришда технологиянинг ролини муҳокама қилайлик. Рақамли технологиялар манбага кириш имконини беради ва уни дунёдаги энг катта кутубхонага айлантиради.

Бироқ кириш имкониятининг очиқлиги жуда муҳим ва агар кириш имконияти чекланган бўлса, бу манба фойдасиз бўлади. Сиз кўриб турган жадвал (1-жадвал) 2019 йилдан 2022 йилгача илмий плат-



формада электрон китоблардан фойдаланиш имкониятини кўрсатади.

Биз 2020 йил апрель ойида COVID-19 пандемияси туфайли жорий этилган глобал «lockdown» туфайли электрон манбаларимиздан фойдаланишда сезиларли ўсишни кузатишимиз мумкин.

Бу вақт мобайнида талабалар ва тадқиқотчилар кутубхоналар, лабораториялар ёки синфхоналарга ташриф буюра олмадилар, бу эса рақамли манбалардан фойдаланишга ўтишга олиб келди. Дунё аста-секин пандемиядан халос бўлаётган бўлса-да, рақамли манбалардан фойдаланиш тенденцияси ўсишда давом этмоқда.

COVID-19 таълимни нафақат аудиторияда, балки масофадан туриб ҳам бериш мукинлигини тушунишда ҳал қилувчи нуқта бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотлар икки хил тадқиқот парадигмасини аниқлашга қаратилган. Биринчиси, технологияга асосланган парадигма (McElroy, 2000)<sup>1</sup>, технология билан билим алмашишнинг муҳим омили сифатида тавсифланади.

Иккинчиси – шахслараро ўзаро таъсир ва муносабатларга асосланган одамларга қаратилган парадигма.

Манбадан фойдаланиш имконияти билимга асосланган иқтисодиётда кашфиётлар, ечимлар ва ахборотдан фойдаланиш учун жуда муҳимдир. Керакли ахборотни топиш имконияти бўлмаса, ушбу маълумотлардан фойдаланиш қийин бўлади.

<sup>1</sup> McElroy M.W. (2000). Integrating complexity theory, knowledge management and organizational learning. J. Knowl. Manag. 4 195-203. 10.1108/13673270010377652.



Рақамли технологиялар ва контент ноширлари ўрганиш, тушуниш ва янгилаб туришга олиб келадиган кашфиётларни таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Бу кашфиётлар ўрганиш ва тушуниш қобилиятини ошириш ва янгиликдан хабардор бўлиш орқали кейинги кашфиётларни кучайтирадиган яхши доирага олиб келади.

Элсевиернинг ношир сифатидаги роли ҳақида гапирар эканмиз, Элсевиер биз учун қандай контент нашр қилса тўғри бўлиши ҳақида ўйлайди?

Далиллар ва маълумотларга асосланган контентлар билан тадқиқотчи ва мижозлар эҳтиёжларини қўллаб-қувватлайди ва бу контентларнинг юқори сифатли ва тасдиқланган бўлишини таъминлайди.

Муҳим қизиқиш соҳаларидан бири барқарорлик ва барқарор мақсадларга эришиш учун янги технологияларни тадқиқ қилишдир. Бунга бир мисол – контентлар қуйидаги йўналишларни қўллаб-қувватлашга қаратилади:

(1) нашр қилиш;

(2) самарали дистрибуция воситасида кашфиётни қўллаб-қувватлаш ва индекслашдан то SEO (Қидирув тизимини оптималлаштириш)гача кашфиётни қўллаб-қувватлаш;

(3) Билимларнинг таъсирини танқидий баҳолаш ва институтларга ўз саъй-ҳаракатларини йўналтиришга ёрдам берадиган воситани тақдим этиш.

Ушбу ролларни бажариш орқали Элсевиер каби ноширлар барқарор мақсадларни илгари суриш ва институтларни тадқиқот ва таълим ишларида қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшадилар.



Мавжуд илмий манбалар миқёсининг кенглиги одамларга институционал мақсадларга эришиш учун қаердан бошлаш ва манбалардан қандай самарали фойдаланишни билиш жуда қийин бўлиши мумкин. Ноширлар илмий манбаларни бошқариш ва тартибга солишда ёрдам беради, нормаларни ишлаб чиқишни қўллаб-қувватловчи воситалар ва хизматларни тақдим этади ва тадқиқотчилар ишининг таъсирини осонлаштиради. Бу ижобий натижаларга эришиш учун манбалардан самарали фойдаланиш имконини беради.

Тўғри контент: тадқиқотчилар ва мижозларнинг эҳтиёжларини қондирадиган юқори сифатли, далил ва маълумотларга асосланган контент. Жисмоний шахслар, институтлар, молиячилар, консорциумлар ёки ҳукумат таркибининг мақсадларини тушуниш ушбу стратегик мақсадларни қўллаб-қувватлаш ва уларга ҳисса қўшиш учун мўлжалланган бўлиши мумкин.

Элсевиер таклиф қилмоқчи бўлган стратегик мақсадлардан бирига мисол, кўплаб ноширлар қатори ўз контентлари мазмунини 2015 йилда ишлаб чиқилган БМТ барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)ни қандай фаол қўллаб-қувватлаш мумкинлигини кўрсатишга қаратилган саъй-ҳаракатлардир.

Бир қатор нашриётлар ва бошқа агентликлар китоблар ва журналлардаги библиометрик маълумотлардан ўзларининг нашриёт дастурларини фаол равишда йўналтириш, шунингдек, БМТнинг ҳаракатга чақирувига жавоб бериш мақсадида фойдаланишади ҳамда сиёсатчилар, раҳбарлар, молия фондлари ва институтларга барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ва натижаларини қандай йўналтириш ва қўллаб-



қувватлаш бўйича қарор қабул қилишлари учун ёрдам берадиган воситалар ва ресурсларни тақдим этади.

Контентга ишонч жуда муҳим. Элсевиер контентни топиш, жараёнларни соддалаштириш ва янги ечимларни яратиш учун сунъий интеллект (AI) ва «Machine Learning» (ML) дан фойдаланади.

Талабалар тадқиқотчилар ва мижозларнинг эҳтиёжлари, уларнинг қандай ўзгариб бораётганини тушуниш ва жавоб бериш учун уларни «тинглаш» зарур.

Масалан, контентни яратишдан кўра унинг сифатини назорат қилиш, текшириш ёки бўлмаса унга ишлов беришга кўпроқ эътибор қаратиш мумкин.

Генератив сунъий интеллект маълумотлар ва контентни излаб топиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шунингдек, самарадорлик ва очиқлик ҳамда потенциал кенгроқ инклюзия учун муҳим имкониятларни тақдим этади.

Журналлар ва электрон китоблар тадқиқотнинг маъносини англашда, асосий адабиётларга кириш имкониятини тақдим этишда ва албатта, тадқиқотчиларнинг янги авлодларини тарбиялаш ҳамда ўрганишни осонлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Дунё бўйлаб тадқиқот натижалари йилдан-йилга ўсиб боришда давом этар экан, Элсевиер журналлар ва электрон китобларнинг бу жараёндаги роли ҳар қачонгидан ҳам қимматли бўлади деб ҳисоблайди.



# ДАВЛАТ ВА ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК ОРҚАЛИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

**Вива Синниах,**  
Сингапур PSB Академияси-  
нинг ижрочи раиси



PSB (Сингапур маҳсулдорлик ва стандартлар кенгаши) академияси шунчаки анъанавий университет эмас, балки ўзига хос таълим муассасаси ҳисобланади. PSBни олий таълим муассасаси деб бемалол айтиш мумкин. PSBнинг университетдан фарқи шундаки, кўплаб хорижий университетлар билан ҳамкорликда уларнинг олий таълим дипломини Сингапурда таклиф қиладиган платформа. Шу сабабли, PSBнинг сифатли таълим ёки таълим сифатига бўлган ёндашуви, турли университетлар билан ишлаш ва юқори сифатни, шу билан бирга барча тармоқларнинг сифат ҳолатини сақлаб қолишдан келиб чиқади.

Сингапур ҳақида баъзи маълумотларни улашиш орқали PSB ҳақида умумий маълумот ва унинг Сингапур таълим соҳасидаги ўзига хос ўрни ҳақида тасаввур қилиш мумкин (1-расм).

Сингапурда кўплаб юқори сифатли таълим масканлари бор. Бугунги кунда PSBда Кинг коллежи, Ньюкасл университети, Монти Хем, Лондон университети, Сидней университети ва яна 20 дан ортиқ таълим масканлари мавжуд. Булар QS рейтингда ва дунёдаги





**1-расм. Сингапур: 1965 йилдан бери суверен давлат ҳисобланади**

бошқа рейтингларда жуда юқори ўринларни эгаллаган дунёга машҳур университетлардир. Хўш, нима учун PSB Сингапурда университетларнинг ёки дастурларнинг сифати ҳақида қайғуради? (2-Расм)

### Нега?

#### Таълим масканлари

- Кинг коллежи
- Ньюкасл университети
- Ноттингем
- Лондон университети
- Сидней университети
- Ўтиш дастурлари
- Нопок хусусий таълим ташкилотлари ва сохта диплом берувчилардан ҳимоя қилиш
- Талабаларнинг онгли равишда қарор қабул қилишлари учун шаффофлик
- Талабаларни ҳимоя қилиш
- ROI (Инвестициялар рентабеллиги коэффициенти)

**2-расм.**

PSB фақат университетлар ёки дастурларнинг ўзига эмас, балки ушбу дастурларни таклиф қиладиган платформалар сифатига эътибор қаратади. Турли сабабларга кўра, ушбу дастурларни бошқарадиган платформада сифатни таъминлаш ҳар қандай мамлакат учун муҳимдир.

Биринчидан, PSB каби платформаларнинг кўпчилиги ўтиш дас-



турлари, тил дастурлари, диплом дастурлари ва сертификат дастурлари ишга туширилган. Бу университетлар томонидан тақдим этиладиган даража дастурларига олиб борадиган воситалар ҳисобланади. Шундай қилиб, таъкидлаб ўтганимиздек, бизда бугунги кунда сифатни назорат қилиш керак бўлган мустақил дастурлар мавжуд.

**Иккинчидан**, хусусий сектордаги таълим ташкилотлари баъзан фойда кетидан қувиб, сифатни унутиб қўядилар. Таълим – бу жамоат мулки. Сифат фойда ҳисобига қурбон қилинмаслиги учун бизга баъзи қоидалар ва чекловлар қўйиш муҳимдир.

**Учинчидан**, университет таълими нафақат пул, балки вақт жиҳатидан ҳам катта сармоя ҳисобланади. Бизда инвестициядан тўғри даромад деган тушунча бўлиши керак. Талабалар ва уларнинг ота-оналари кейинчалик яхши иш, яхши мартаба кутгани учун болаларни университетга юборишади. Демак, сиз нима тақдим этаётганингиз ва аксинча тақдим этмаётганингиз шаффоф ва аниқ бўлиши керак. Шу сабабли шаффофлик муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Навбатдаги омил бу, албатта, талабаларни ҳимоя қилишдир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, талабалардан фақат молиявий манфаатлар учун фойдаланадиган нопок хусусий таълим ташкилотларининг мавжудлиги хусусий таълимда сифатни қатъий тартибга солиш зарурлигини таъкидлайди. Хусусий таълимда сифат қоидалари жуда муҳим бўлишининг сабаби шу.

Бугунги кунда Сингапурда 6 та университет мавжуд бўлиб, улар ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Сиз улардан баъзилари ҳақида эшитган бўли-



шингиз мумкин, масалан, машхур университетлардан бири Сингапур Миллий университети. Бундан ташқари, биз олий таълим институтлари деб атайдиган муассасаларга эгамиз. Мисол учун Сингапурдаги Санъат ва дизайн бўйича миллий таълим жамияти (NSEAD) каби дунёга машхур университетлар. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, юқорида айтиб ўтилган 2 та университетни бошқариш хусусий сектор ёки хусусий таълим тизимига тегишли эмас.

Ҳозирги кунда ҳукуматнинг ўзи томонидан берилган ўзини ўзи бошқариш институтлари мавжуд. Бундан ташқари, биз PEIs (Private Education Institutions) деб атайдиган хусусий таълим муассасаларига эгамиз. Шундай қилиб, менинг бугунги мавзуим охириги вертикал хусусий таълим муассасалари ҳақида гапиришдир. Биз трансмиллий таълим масканлари билан ишлаймиз ва улар орқали Сингапурда олий таълим дипломини берамиз. Бу соҳада талабалар сони жуда кўп. Бу муассасаларда 150 мингга яқин талаба таҳсил олмоқда.

Хусусий таълим ташкилотлари асосан икки сабабга кўра пайдо бўлади. Биринчи сабаб, сиёсий ва ижтимоий камчиликлардан келиб чиқадиган таълимдаги камчиликларни бартараф этиш, иккинчи сабаб эса шахсларга танлаш имкониятини бериш. Баъзи мамлакатларда аҳолининг айрим қатламлари турли сабабларга кўра олий таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиб, иқтисодий чекловлар давлатга сифатли олий таълимни тақдим этишга тўсқинлик қилиши мумкин. Бундан ташқари танлов масаласи бор. Ўрта синф ўсиб бориши билан танловга эҳтиёж пайдо



бўлади. Уларнинг кўпчилиги ўз фарзандларини турли сабабларга кўра яхшироқ мактабларга юборишни хоҳлашади.

Мисол учун, Сингапурда биз юқори даражадаги болалар боғчалари ёки эрта болалик марказларига эгамиз. Бундай марказлар Ўзбекистонда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотга эга эмасман. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, мен айна дамда бу ерда бу тизимнинг бир қисми бўлган одамлар билан гаплашаётганимга аминман.

Масаланинг моҳиятига келсак, Сингапурда хусусий таълим кўп йиллардан бери мавжуд. 2009 йилгача бизда «Light Touch» тартибга солиш режими мавжуд эди, бунда чекланган назорат остида хусусий таълим муассасаларига ўзларининг олий таълим хизматларини кўрсатиш учун рухсат берилганди. Аммо, бу жараёнда назорат жуда кам, яъни муассасалар автоном тарзда фаолият юритади. Аммо шу ўринда баъзи муаммолар мавжуд, бунга Сингапур таълимининг минтақавий марказга айланганлиги сабабдир. Шундай қилиб, сифатли таълим олиш учун турли давлатлардан Хитойдан, Ҳиндистондан, Жанубий Осиёдан, Сингапурдан юзлаб, минглаб талабалар ташриф буюришади. Натижада, Сингапур ҳукумати учун устувор таълим курсларининг сифатини қандай бошқаришимиз мумкинлигини аниқлаш ва чора кўриш ниҳоятда аҳамиятли бўла бошлади (3-расм).

Тартибга солиш тизимига зарурат бўлса ҳам, бу тизим инновацион ғояларни бўғиб қўйиши мумкин эди. Шу боис, хусусий ташаббуслар сифатини таъминлаш билан мувозанатлаштирилган меъёрий-ҳуқуқий база ни ишлаб чиқиш муҳим эди. Бу саноатни чуқур ту-



- Хусусий таълим муассасалари учун иккита стандарт сифатида «Chase Trust for Education» ва «Singapore quality class» мавжуд. Стандартларга амал қилиш мажбурий эмас.
- Ушбу икки стандарт учун масъул бўлган агентликлар бошқа тармоқларни ҳам назорат қилдилар.
- Сингапур глобал таълим маркази сифатида ўз обрўси, жозибадорлигини оширишда давом этмоқда ва тартибга солишни яхшилаш ҳамда тартибга солувчи органларнинг махсус назорати зарурлигини келтириб чиқарди.



### **3-расм. 2009 йилгача хусусий таълимни тартибга солиш режими**

шунини хусусий ва давлат секторлари ўртасидаги ҳамкорликни талаб қиларди. Саноат иштирокисиз қонунни қабул қилишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шундай қилиб, кенг кўламли маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди ва бу 2009 йилда Сингапур парламентида «Хусусий таълим тўғрисидаги қонун»нинг қабул қилинишига олиб келди. Ўша пайтда меъёрий-ҳуқуқий база нисбатан оддий бўлиб, соҳани назорат қилиш учун алоҳида тартибга солиш органини ташкил этиш ва грантлар бериш каби асосий жиҳатларга эътибор қаратилган эди. Ушбу тизим жорий қонун талабларига жавоб бермаётган мактабларни рўйхатга олишни бекор қилиш ва хатога йўл қўйган таълим ташкилотларига нисбатан чора кўриш ваколатини берди.

Қонун тизими, шунингдек, ўқитувчилар малакаси, тўловларни ундириш ва ҳимоя қилиш, талабалар



ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Бундан ташқари, тизимнинг мақсади саноат иштирокчилари учун тенг шароит яратиш ва нотўғри маълумотларнинг олдини олиш эди. Тартибга солиш чора-тадбирлари доирасида хусусий таълим провайдерлари хусусий таълим хизматлари қўмитасидан ўтишлари ва корпоратив бошқарув, дастур сифати ва ахборот шаффофлиги билан боғлиқ баъзи талабларни бажаришлари шарт бўлган «Ўтиш даври рўйхатга олиш доираси» (TRF) деб номланган рўйхатга олиш тизими жорий этилди (4-расм).

#### Хусусий таълим тўғрисидаги қонун 2009 йил

- Махсус тартибга солувчи - Хусусий таълим қўмитасини (CPE) ташкил этиш учун қонунлаштирилди.
- Хусусий таълим қўмитаси(CPE) қонун томонидан берилган ваколатларда хусусий таълим институтларини рўйхатдан ўтказиш учун хусусий таълим қоидаларини ишлаб чиқди.
- Хусусий таълим тўғрисидаги низом хусусий таълим институтлари раҳбарларини муайян қонунчилик талабларига жавоб беришга йўналтиради, жумладан:
  - Ўқитувчиларнинг малакаси.
  - Тўловларни йиғиш ва ҳимоя қилиш схемаси.
  - Реклама қоидалари ва бошқалар.



#### 4-расм. Хусусий таълимни тартибга солиш режими

Бундан ташқари, Кенгайтирилган рўйхатга олиш тизими (ERF) ишонч сертификати жорий этилди. Ушбу сертификат малакали хусусий таълим институтларига чет элдан талабаларни ёллаш имконини берди, бу сертификатга эга бўлмаган институтлар эса




фақат маҳаллий талабаларни жалб қилишлари мумкин эди. (ERF) ишонч сертификати турли ўлчамларни ҳар томонлама баҳолашни ўз ичига олади. Ўлчовлар етакчилик, корпоратив бошқарув, ташқи ишга ёллаш агентликлари, талабаларни ҳимоя қилиш хизматлари, академик тизимлар ва жараёнлар каби соҳаларни қамраб олади (5-расм).

**Кенгайтирилган рўйхатга олиш тизими (ЭРФ)**

**4 та асосий соҳани яхшилаш учун кенгайтирилган:**

1. Рўйхатга олиш ёндашуви - хусусий таълим институларининг қонуний мажбуриятларга мувофиқлигига қараб 1 йилдан 6 йилгача янги ланадиган рўйхатга олиш.
2. Корпоратив бошқарув - Илмий ва имтиҳон комиссияларини тузати ва тегишли ҳужжатларни юрилади.
3. Таъминот сифати - дастурлар СРЕда рўйхатдан ўтган бўлиши керак ва ўқитувчилар муайян талабларга жавоб бериши керак.

Ахборотнинг шаффофлиги - дастур маълумотларини тўғри ошкор қилиш мажбуриятини олади ва нотўғри маълумотларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилади.



### **5-расм. Хусусий таълимни тартибга солиш режими**

Ньюкасл университети каби яхши ташкил этилган университетлар одатда академик тизимлар ва жараёнлар ўлчовида устунлик қилса-да, инглиз тили курслари каби баъзи дастурлар тегишли академик тизимлар ва жараёнларнинг қўшимча далилларини талаб қилади, жумладан: ўқитувчиларни ёллаш, ўқитиш, узлуксиз касбий ривожланиш, мотивация ва эътироф этиш. Раҳбарлик ва стратегик режалаштириш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга, чунки улар ху-



сусий таълим муассасасининг йўналиши ва мақсадини белгилайди. Ташкилотнинг келгуси беш йилга мўлжалланган режалари бошқарув органларига тақдим этилади ва бу режалар бўйича тараққиёт баҳоланади. Ва ниҳоят, хусусий таълим секторида ташқи ишга ёллаш агентликлари ҳам муҳим роль ўйнайди.

Менинг тажрибамга кўра, минтақа талабалари одатда Сингапурга талабалар ва таълим муассасалари ўртасида воситачи бўлиб ишлайдиган агентликлар орқали келишади. Ушбу агентлар талабаларга йўл-йўриқ кўрсатишда ва жараённинг силлиқ ўтишини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Аммо, ушбу соҳада кенг тарқалган нотўғри маълумотга йўл қўймаслик учун ўз мамлакатларидаги обрўли ва лицензияга эга агентликлар билан ҳамкорлик қилиш жуда муҳимдир. Ушбу соҳада узоқ вақт ишлаган бўлсам, мен нотўғри маълумот беришнинг умумий муаммо сифатида мавжудлигини тасдиқлай оламан. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун талабаларнинг эҳтиёжлари ва чекловларини чуқур тушунадиган лицензияга эга агентликлар билан ҳамкорлик қилиш муҳимдир. Агентликлар ёлғон ваъдалар бермасликлари ёки баъзи дастурларнинг афзалликларини ошириб юбормасликлари жуда муҳимдир. Мисол учун, улар талабалар атиги 12 ойда олий таълим дипломига эга бўлишлари мумкин деб даъво қилмасликлари керак, чунки бундай даъволарни амалга ошириш мумкин эмас. Шаффофлик ва реал умидларни таъминлаш талаба-агентлик-муассаса муносабатларининг яхлитлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Сингапурда чет эллик талабаларга ўқиш вақтида ишлашга рухсат берилмайди. Бундан ташқари, камида 90% давомат талаб қилинади ва давомат электрон



тарзда назорат қилинади. Ушбу талабни бажармаслик талабанинг курсдан курсга ўтиш ҳуқуқини бекор қилишга олиб келиши мумкин, чунки Сингапурда бўлишдан асосий мақсад сифатли таълим олишдир. Талабаларни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш хизматлари мавжуд. Агар хусусий таълим муассасаси (PEI) ёпилса, талаба тўловларини тўлиқ қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлади. Ушбу қоидалар қонуний равишда мажбурийдир ва талабаларнинг таълимга тиккан инвестицияларига яраша сифатли таълим олишларини таъминлашга қаратилган.

Ушбу қоидаларни ўрнатиш 2009 йилда бошланган ва доимий равишда такомиллаштирилиб борилади. Талаб қилинган стандартларни бажаришда муассасаларга ёрдам бериш учун дастлаб йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳужжатлар тақдим этилади. Вақт ўтиши билан ушбу йўриқномаларнинг 2-версия ва 3-версия каби кўплаб версиялари пайдо бўлди. Эътиборга молик ишланмалардан бири Сингапурда олий таълим хизматларини таклиф қилувчи хусусий таълим муассасалари учун кредит рейтинги ёки СА3 тизмини талаб қиладиган қаттиқ молиявий стандартларнинг жорий этилишидир. Ушбу чора-тадбирлар таълим соҳасида фақат малакали таълим муассасалари фаолият кўрсатишини таъминлайди (6-расм).

Ҳозирда сифатга эътибор қаратилиши ва стандартларни кучайтириш натижасида ижобий натижалар кузатилмоқда. Бугунги кунда Сингапурдаги хусусий таълим институтлари сони 2009 йилдаги 1200 тадан 2021 йилда 314 тага камайди. Шу билан бирга, талабалар сони худди шу даврда 120 000 дан 138 000 гача ўсди. Бу талабаларнинг сифатли таълим берадиган муассасаларга мослашиб, изланишларини кўрсатади.



### Йўриқноманинг 2-версияси

Хусусий таълим институтлари томонидан талқин қилиниши ва амалга оширилиши мумкин бўлган бошқарув назорати ва таълим хизматларини кўрсатишга эътибор қаратган ҳолда аниқ рецептив асосий стандартлар жорий этилди. Бироқ, кўрсатма хусусияти стандартларни қўллашда маълум қатъийликни келтириб чиқарди. Масалан, тегишли хусусий таълим муассасасининг эҳтиёжларини ҳисобга олмайдиган талабаларнинг давоматини кузатиш ва мониторинг қилиш бўйича ягона талаб.

2009

### Йўриқноманинг 3-версияси

Талабалар ва битирувчиларнинг натижаларига кўпроқ эътибор бериш.

1. Қаттиқ молиявий стандартлар: САЗ кредит рейтинги мажбурий ҳисобланади.
2. Ташқи диплом дастури ва чет эллик талабаларни қабул қилиш:  
EDU Trustнинг минимал даражаси (4 йил).
3. Қаттиқроқ академик талаблар: Қабул қилиш мезонлари аниқ ифодаланган.
4. Битирувчиларнинг бандлик сўрови: мажбурий иштирок этиш тартиби.

2017

### Йўриқноманинг 4-версияси

Фаолият натижалари самарадорликни ўлчашга ва инновацияларни намоиш этишга қаратилган.

1. 13 та мажбурий талаблар тизими: операциялар, одамларни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш, талабалар ва битирувчилар бўйича.
2. Қаттиқ мажбурий талаблар: Талабаларнинг ўқув сафари давомида охиригача тажрибасини бошқариш.
3. Доимий ривожланиш: Таълим соҳасидаги сўнгги тенденцияларга мослашиш, масалан, онлайн ўқитиш ва баҳолаш.

2023

**6-расм. EDU Trust сертификатлаш схемасининг сифат йўли**





7-расм. Саноат трансформацияси

Бундан ташқари, мустақил ҳукумат тадқиқоти умумий бандлик ставкалари яхшиланганини, 2015 йилдаги 79 фоиздан 2021 йилда 86,5 фоизга кўтарилганини кўрсатади. Бу сифатли таълимнинг талабаларнинг ишга жойлашиши ва бозор қийматига ижобий таъсирини кўрсатади. Хусусий секторда иш ҳақи ортиб бораётгани сифатли таълимдан олинган даромадлар эътироф этилишини янада тасдиқлайди. Ушбу натижаларни инобатга олган ҳолда, Сингапурдаги хусусий таълим саноати юқори сифатли таълимни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни биринчи ўринга қўйиш ва амалга оширишга жиддий эҳтиёж борлиги кўриниб турибди (7-расм).



**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА  
САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ВА  
ИННОВАЦИОН ЕТАКЧИЛИК:  
(КАНАДА ВА ЯПОНИЯДАГИ  
ҲОЗИРГИ ТЕНДЕНЦИЯ-  
ЛАР ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР)**

**Таня Маккенди,  
Япония Чукё Универси-  
тети профессори**



Бугун мен нафақат олий таълимга, балки бизнеснинг турли жабҳаларига ва бошқа соҳаларга ҳам тегишли бўлган мавзунини муҳокама қилмоқчиман. Келинг, аввал расмий ва норасмий лидерлик ўртасидаги фарқни кўриб чиқайлик. Одамлар одатда лидерлик ҳақида ўйлашганда, улар сиёсатни шакллантирувчи ва нуфузли ролларни эгаллаш ҳуқуқи ва қарор қабул қилиш каби ваколатли лавозимдаги шахсларни тасаввур қилишади. Буларга бошқарув кенгаши аъзолари, президентлар, деканлар ва ўқитувчилар таркиби кириши мумкин. Аммо шунини таъкидлаш керакки, факультетда ишлайдиган барча профессор-ўқитувчилар расмий раҳбарлик лавозимларига эга эмаслар. Бошқа томондан, пастдан юқорига ҳаракат қиладиган норасмий лидерлик ҳам мавжуд. Бу расмий ҳокимиятга эга бўлмаган, аммо овозлари ва муносабатлари орқали таъсир ўтказиш имкониятига бўлган шартнома асосида ишловчи профессорлар-ўқитувчилар ва талабаларни ўз ичига олади. Одатда улар расмий раҳбарлик лавозимларида ишловчи ва уларнинг фикрларини қадрлайдиганлар томонидан



қабул қилинадиган қарорларни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкин.

Шуни ёдда тутингки, ушбу маърузам давомида мен ҳам расмий лидерликни, ҳам норасмий лидерликни назарда тутаман. Келинг, анъанавий лидерлик ва прогрессив лидерлик ўртасидаги фарқларни муҳокама қилайлик. Сарлавҳа «самарали» лидерликни назарда тутса-да, шуни таъкидлаш керакки, биз самарали лидерлик ҳақида кўпроқ ўрганишда давом этар эканмиз, аста-секин янада прогрессив ёндашувга ўтмоқдамиз. Биринчидан, анъанавий лидерлик ва қарор қабул қилиш жараёнларига эътибор қаратайлик. Одатда, бошқарув кенгашлари, ректорлар ва проректорлар ҳамда деканлар анъанавий бошқарув тузилмаларида асосий қарор қабул қилувчилар ҳисобланади. Улар қарор қабул қилади ва уларни ўқитувчилар таркибига, тўлиқ вақтли маъмуриятга, ходимларга, ёрдамчи ва контракт бўйича ишловчи ўқитувчиларга ва талабаларга топширади. Шуни таъкидлаш керакки, анъанавий лидерликда мақсад барча профессор-ўқитувчилар ва талабаларни жалб қилиш, ўқиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, билимларни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳамда инсон ресурсларини оптималлаштиришдир.


Самарали лидерлик ушбу мақсадларга эришиш ва ташкилот ёки университетнинг узлуксиз ишлашини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бироқ, бизнинг ташкилот етакчилиги ҳақидаги билим ва тушунчамиз ривожланишда давом этар экан, биз анъанавий юқоридан пастга йўналтирилган лидерликдан умумий ва илғор лидерлик услубига ўтишнинг гувоҳи бўламиз. Ушбу силжиш анъанавий лидерлик ён-



дашувлари баъзан профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг фаоллашиши ва ўсишига тўсқинлик қилиши мумкинлигини англаш билан боғлиқ.

Статус-кво (жорий вазият) ни муҳокама қилишда у жинс, тил, ёш, маълумот, ирқ, фуқаролик ва муайян этник гуруҳнинг ҳукмронлиги каби омилларга ишора қилади. Кўпгина университетларда, айниқса, Канадада, ҳокимият лавозимларида кўпинча оқ танли эркеклар устунлик қилади. Ўзбекистондаги вазият ҳақида аниқ гапира олмайман. Жинс ҳам муҳим роль ўйнайди, эркеклар одатда лидерлик лавозимларини эгаллайди. Бундан ташқари, мамлакатнинг ҳукмрон тили раҳбарият таркибига таъсир қилади. Бу омиллар ҳокимиятдагилар ўртасида умумий қадриятларга ёрдам беради. Бироқ, бу университетларда ишга қабул қилиш ва ўсиш амалиётида ноҳолисликка олиб келиши мумкин, натижада профессор-ўқитувчиларнинг эътиборидан четда қолишига сабаб бўлади. Паст мақомга эга бўлган профессор-ўқитувчилар ўзларини қарор қабул қилиш ёки расмий раҳбарлик ролидагиларга ғояларни тақдим этиш учун ирода ва кучга эга эмас, деб ўйлашлари мумкин. Бу инновация ва тараққиётга тўсқинлик қилади. Ушбу динамикани таниб олиш жуда муҳим, чунки улар «жамоавий фикрлаш»ни ҳам ривожлантириши мумкин, бу ерда мувофиқлик танқидий фикрлашдан устун туради. «Жамоавий фикрлаш» академик ижтимоий самарадорликка ҳисса қўшади, бунда имтиёзли лавозимдагилар ўз мавқеини сақлаб қоладилар, кичик шахслар эса кичиклигича қоладилар. Бу ҳодиса академик инбридинг билан ҳам ўзаро боғлиқдир (1-расм).





**1-расм. Анъанавий етакчилик натижалари**

Агар нуфузли лавозимдаги раҳбарларнинг барчаси бир хил маълумотли бўлса ва бир хил даражага эга бўлса, бу инновациялар потенциалига тўсқинлик қилади. Бу ҳолат кўпинча қарор қабул қилишда хилма-хиллик ва ўзига хослик бўлмаганида юзага келадиган гуруҳли фикрлашни келтириб чиқаради. Шунинг учун, қарор қабул қилиш ролини ўз зиммасига олган ҳолда, хонанинг таркибини ўрганиш муҳимдир. Агар ҳамма бир хил кўринишга эга бўлса ва бир хил асосий тилни баҳам кўрса, бу инновацион ва самарали лидерликнинг етишмаслигини англатади, бу барчамиз учун жиддий оқибатларга олиб келади. Лидерликнинг бундай тури шахсларнинг лидерлик ролларини ўз зиммаларига олиш имкониятларининг чекланишига олиб келади, натижада кичик гуруҳлар ўртасида мотивациянинг йўқлиги ва самарадорликнинг пасайишига олиб келади. Моти-



вацияланган профессор-ўқитувчилар ва талабалар жамоасини сақлаб қолиш учун улар ўзларини раҳбарлик лавозимларида кўришлари жуда муҳимдир. Бундай вакиллик бўлмаса, ишдан норозилик ва профессор-ўқитувчилар алмашинуви кўрсаткичлари ошади. Қарор қабул қилиш жараёнларида, сиёсатларида, процедураларида ёки ҳатто ўз курсларида ўзини ҳурмат қилмаган ёки ўз овозига эга эканлигига ишонмайдиган одамларнинг кетиш эҳтимоли кўпроқ.

Бундан ташқари, институтлар факультетдан кетган профессор-ўқитувчиларни алмаштиришга тўғри келганда молиявий ишончсизликка дуч келишади. Янги ходимларни ёллаш билан боғлиқ харажатлар маошдан ташқарига чиқади, шунингдек, инновацион ғоялар ва эксперт ўқитиш билимларини йўқотишни ўз ичига олади. Натижада, институтлар молиявий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда ва профессор-ўқитувчиларнинг қимматли ҳиссаси йўқлигидан азият чекмоқда.

Раҳбариятда вакилликнинг мавжудлиги профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида мотивацияни ошириш учун жуда муҳимдир. Агар одамлар ўзларини раҳбарлик лавозимларида ҳис этмасалар, уларнинг мотивацияси пасаяди, натижада самарадорлик пасаяди. Бу кўпинча ишдан норозилик ва ўқитувчилар алмашинувининг юқори даражаларига олиб келади. Қарор қабул қилиш жараёнларида, сиёсатларда, процедураларда ва ҳатто ўзларининг ўқитиш тажрибасида ўзларини қадрсиз ва овозсиз ҳис қиладиганларнинг кетиш эҳтимоли кўпроқ. Профессор-ўқитувчилар алмашинуви жиддий муаммо туғдиради, чунки у академик тадқиқотлар ва иш жойи-



да амалиёт ўртасидаги тафовутни кучайтиради. Тадқиқотчилар сифатида биз билган нарсаларимиз ва реал амалиётда қўлланиладиган нарсалар ўртасидаги номутаносибликдан хабардормиз. Шу сабабли, қарор қабул қилувчилар бир хил раҳбарликнинг салбий оқибатларини тан олишлари муҳимдир. Кўриб чиқилиши керак бўлган яна бир муҳим жиҳат – бу муассасаларга молиявий таъсир. Факультетни тарк этаётган профессор-ўқитувчиларни алмаштириш нафақат янги ходимларни ёллаш харажатларини келтириб чиқаради, балки инновацион ғоялар ва ўқитувчилик билимларини йўқотишга олиб келади. Бинобарин, институтлар молиявий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда, чунки улар нафақат янги факультетга сармоя киритишлари керак, балки қimmatли тадқиқот ғоялари ва педагогик тажрибани йўқотишдан ҳам азият чекмоқда.

Олдинги муҳокамадан фарқли ўлароқ, олий таълимда прогрессив лидерлик ўзига хос ёндашувни қўллайди. Бу расмий ва норасмий ролларни ўз ичига олган қарор қабул қилувчилар ва раҳбарлар ўртасидаги хилма-хилликнинг муҳимлигини таъкидлайди. Ушбу контекстда самарали раҳбарларнинг асосий хусусияти, уларнинг адолатсизлик ва заиф томонларини тан олиш ва ҳал қилиш қобилиятидир. Конструктив танқидга очиқ бўлиш яхши раҳбар учун муҳим фазилатдир. Ҳеч биримиз тўлиқ жавобларга эга эмасмиз, агар биз конструктив фикр-мулоҳазаларни тинглашга тайёр бўлмасдан қобилиятсиз лидерлик позициясини эгаллаб олсак, бизнинг лидерлик самарадорлигимиз пасаяди. Шунини тан олиш керакки, ҳатто биз ишлаб чиқадиган ва



ғурурланадиган дастурларнинг ҳам заиф томонлари бўлиши мумкин. Шунинг учун биз пастроқ мақомдаги шахсларнинг фикрларини қабул қилишимиз керак, чунки улар кўпинча дастурни такомиллаштириш ва лидерликни ошириш учун қимматли ғояларни тақдим этадилар. Инклюзив амалиётлар ушбу ёндашувда муҳим роль ўйнайди, янада инклюзив ва ҳамкорлик муҳитини рағбатлантиради.

Инклюзив амалиётлар мунозараларга четда қолган профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш орқали янада инклюзив қарорлар қабул қилиш жараёнини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳамкорлик ва умумий қарашларни рағбатлантириш жуда муҳим, чунки биз бугунги маърузалар давомида гувоҳ бўлдик, (хусусан, халқаро ҳамкорлик ва тадқиқотлар контекстида) ҳамкорлик ва умумий қарашларга бўлган бундай эътиборнинг гувоҳи бўлиш жуда ҳам ёқимли. Бу ёндашув юқори раҳбарият доирасидан ташқарига чиқиши, талабалар ва ёрдамчи профессор-ўқитувчиларни ўз ичига олиши керак. Агар сиз университетдаги қийинчиликларни тушунмоқчи бўлсангиз, кўпинча қимматли тушунчаларга эга бўлган ёрдамчи профессор-ўқитувчилар билан боғланинг. Бундан ташқари, ёш ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларнинг мураббийлигини ошириш жуда муҳимдир. Ҳаммамиз ҳам табиатан етакчилар эмасмиз, мураббийлик дастурлари одамларнинг тадқиқотчи ва ўқитувчи сифатида ривожланишига ёрдам беришда муҳим роль ўйнайди. Шунини таъкидлаш керакки, устозлик фақат катта ўқитувчиларнинг кичик академикларга устозлик қилишига таянмайди. Турли хил мураббийлик



муносабатлари ўсиш ва ривожланишга ҳам ҳисса қўшиши мумкин.

Прогрессив лидерлик бир неча сабабларга кўра муҳимдир. Бу ходимлар ўз соҳаларида бахтли ва қониқиш ҳис қилишлари мумкин бўлган ижобий иш муҳитини яратади. Бу жуда муҳим, чунки ҳеч ким эрталаб ишга боришдан кўрқиб уйғонишни хоҳламайди. Бундан ташқари, илғор лидерлик институтда энг яхши истеъдодларни сақлаб қолиш орқали профессор-ўқитувчиларни сақлашни яхшилашга ҳисса қўшади. Факультет аъзолари кўллаб-қувватланса ва уларга ваколат берилса, улар ўзларининг инновацион ғояларини илгари суришлари, муҳим тадқиқотлар билан шуғулланишлари ва зарур ишларни нашр этишлари мумкин. Бу, ўз навбатида, университет нуфузини ошириб, халқаро конференцияларда бошқа муассасалар ва тадқиқотчилар билан ҳамкорлик ўрнатишга хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, илғор лидерлик муаммоларни самарали ҳал қилишга ёрдам беради. Қарор қабул қилувчилар ўртасида истиқболлар ва тажрибаларда хилма-хиллик мавжуд бўлса, бу муаммоларни ҳал қилиш жараёнларини янада самаралироқ қилишга олиб келади. Аксинча, агар лидерлик гуруҳидаги ҳамма бир хил кўринишга эга бўлса, бу ижодий ва турли хил муаммоларни ҳал қилиш имкониятларини чеклайди. Ташкилотлар илғор лидерликни кўллаб-қувватлаб, кенгроқ ғоялар ва ечимлардан фойдаланишлари мумкин, бу эса муаммоларни самарали ҳал қилиш қобилиятини оширади.

Прогрессив лидерлик инновацияларнинг ортишига олиб келади ва ташкилот ичидаги барқарор ўзгаришларни осонлаштиради. Раҳбарлар ҳамкорлик-



ни қўллаб-қувватласа ва ўз жамоа аъзоларининг иштирокини рағбатлантирса, бу катта инновацияларга ва муҳим тадқиқот ғоялари ва нашрларининг пайдо бўлишига олиб келади. Бундан ташқари, ижобий иш муҳитини яратиш ва муаммоларни самарали ҳал қилишга ёрдам бериш орқали ташкилотлар юқори рентабелликка эга бўлиши ва кўпроқ халқаро талабаларни жалб қилиши мумкин.

Профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва маъмурият аъзолари одатда институтларни тарк этмаслиги, аксинча, лидерликнинг камчиликларини тан олиши жуда муҳимдир. Лидерлик сифати ташкилотдаги шахсларнинг умумий қониқиш ва жалб этилишига катта таъсир кўрсатади. Одамлар ўз ишларидан қанчалик завқланишлари ёки ўз дастурларига иштиёқли бўлишидан қатъи назар, ёмон раҳбарлик уларни тарк этишга мажбур қилади. Шу сабабли, илғор лидерлик томонидан бошқариладиган ижобий иш муҳитини яратиш иқтидорли шахсларни сақлаб қолиш ва уларнинг фидойилиги ва садоқатини ошириш учун жуда муҳимдир.

Канадада кўпчилик университетларда деколонизация, тенглик, хилма-хиллик, инклюзия режалари ва стратегияларини киритиш йўлида сезиларли ўзгаришлар юз берди. Лидерликда хилма-хилликнинг аҳамиятини эътироф этиш бу бўйича тадқиқотларнинг кўпайишига, шунингдек, бошқарувчилик йўлида шахсларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лидерлик дастурларини ишлаб чиқишга олиб келди. Менторлик дастурлари ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида ўсишни кўрсатди.

Айни пайтда Канададаги олий таълимдаги расмий раҳбарларнинг тахминан 60% тили, ногирон-



лиги, жинси, ирқи ва миллати каби омилларни ўз ичига олган тенглик изловчи гуруҳларга тегишли. Бундан ташқари, юқори раҳбарлик лавозимларининг тахминан 15 фоизини аёллар эгаллайди. Бу мамлакатда раҳбарлик қилишда кўпроқ хилма-хилликка эришиш йўлидаги муваффақиятни кўрсатади.


Канада, шунингдек, талабалар ва профессор-ўқитувчилар орасида халқаро истеъдодларнинг ўсишини бошдан кечирди. Хорижий талабаларни жалб қилиш ва уларни кутиб олишга эътибор бериш халқаро талабалар сонининг ўсишига, шунингдек, келиб чиқиш турли хил мамлакатлардан бўлган профессор-ўқитувчиларни ишга ёллашга ёрдам берди.

Японияда, Канада билан солиштирганда, мамлакатнинг маданий контекстидан фарқли ўлароқ, олий таълим халқаролаштиришга мослашиши ва қабул қилиниши кераклиги эътироф этилган. Бироқ, Япония университетлари раҳбарияти асосан анъанавий ёндашувни сақлаб қолади. Раҳбариятда гендер хилма-хиллиги муаммосини ҳал қилиш учун босим кучаймоқда, аммо бу борадаги саъй-ҳаракатлар ва тарғибот ишлари ҳали ҳам жиддий муаммоларга дуч келмоқда ва ўзгаришлар зарурати ва унга эришиш учун стратегияларни амалга ошириш ўртасида сезиларли тафовут мавжуд.

Японияда қарор қабул қилиш лавозимларида ва норасмий лидерлик ролларида аёллар ва япон бўлмаган шахслар учун вакиллик ва имкониятлар етишмаслиги мавжуд. Бу қисман мамлакатнинг япон тили ва маданий меъёрларига эътибор қаратилиши билан боғлиқ. Аёлларнинг камлиги яққол кўриниб турибди, университет ўқитувчиларининг атиги 25 фоизини аёллар ташкил этади, бу эса уларнинг раҳбарлик



лавозимларида мавжудлигини янада камайтиради. Бироқ, университет профессор-ўқитувчиларининг 44 фоизини аёллар ташкил этган Ўзбекистон каби бошқа мамлакатларда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Япония халқаро истеъдодларнинг ўсишига гувоҳ бўлмоқда, бироқ кам сонли муассасалар кенг қамровли тенглик, хилма-хиллик ва инклюзивлик сиёсатини амалга оширди.



2-расм. Лидерлик эволюцияси

Олдинга назар ташлайдиган бўлсак, анъанавий (юқоридан пастга) ёндашувлардан узоқлашиб, илғор ва ҳамкорликка асосланган лидерликка силжиш бор. Мақсад инсон ресурларини рағбатлантириш усуллари ва ривожланаётган лидерлик услубларини тушуниш орқали самарали ҳамда барқарор лидерликни ўрнатишдир. Пастроқ мақомдаги шахсларни тинглаш ва жамоавий ишлашни ривожлантириш жуда муҳим, чунки бу самарали лидерликка ҳисса қўшади. (2-расм).



## ИЛМИЙ ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШ: МИЛЛИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



**Гулнора Абдурахмонова,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети Илмий ишлар  
ва инновациялар бўйича  
проректори



**Аҳмед Азиз,**  
Тошкент давлат  
иқтисодиёт университети  
кафедра мудири

Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири инновацион маҳсулот ҳоясининг пайдо бўлишидан то уни саноат ишлаб чиқаришигача бўлган вақт даври ҳисобланади. Илмий-техник ҳужжатлар натижаларини тижоратлаштириш муддатини қисқартиришга давлат тузилмалари ва тадбиркорлик сектори (асосан тижорат инвесторлари) ҳаракатларини мувофиқлаштириш кўп жиҳатдан ёрдам беради. Агар давлат ва бизнеснинг ҳаракатлари кесишмаса, балки бир-бирини тўлдирса, илмий-техник ҳужжатлар натижаларини тижоратлаштириш муддати сезиларли даражада қисқартирилади.

Сўнгги йилларда нафақат олий таълим тизимида, балки бутун Ўзбекистонда инновацион фаолликнинг ўсиши кузатилмоқда. Жамият ва давлат ҳаётининг



барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади», – деб аниқ вазифа қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сон қарори билан Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига Инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ва технологияларни трансфер қилиш бошқармаси ташкил этилди. Шунингдек, Президентимизнинг «Илм-фан соҳасидаги давлат сиёсати ва инновацион ривожлантиришдаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 1 апрелдаги қарори билан Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3698-сонли ҳамда 2018 йил 14 июлдаги «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3855-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон



Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг марказий аппарати тузилмасига қисман ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги ПҚ-4593-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3151-сон қарори қабул қилинди.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети бугун глобал ва миллий масштабда изчил ривожланаётган университет бўлиб, Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида ўзига хос анъаналари, инновацион руҳи ва глобал мақсадларни белгилаш билан ажралиб туради.

Ўзининг 90 йиллик тарихи давомида юқори даражада ихтисослашган «иқтисодий мактаб»дан ўз фанлари доирасидаги энг мураккаб таълим ва тадқи-




қот вазифаларини амалга оширишга қодир бўлган нуфузли университетга айланиш йўлида бўлиб, миссияси сифатида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожланишининг фундаментал илмий асосларини шакллантирувчи ва унинг глобал рақобатбардошлигини таъминлашга қодир бошқарувчи ва интеллектуал элитани тайёрлашни мақсад қилган.

ТДИУ иқтисодиёт соҳасидаги энг нуфузли «Илмий мактаб»ларга эга муассасалардан биридир. Мустақил Ўзбекистон давлатчилигини барпо қилишнинг фундаментал концепцияларини, миллий иқтисодиёт тараққиётининг турли босқичларидаги ислохотлар концептуал асосларини шакллантиришда, тармоқлар ва ҳудудлар ҳамда хусусий секторни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширишда асосий илмий база вазифасини доимий бажариб келаётган муассасалардан биридир.

Университет миллий маконда глобаллашув, илмий-инновацион ва технологик жараёнларда илм фанининг илғор ютуқларини амалиётга жорий қилиш имкониятига эга юқори илмий салоҳиятли муассасалардан бири ҳисобланади. Жумладан, университет раҳбарияти томонидан, профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятини ошириш орқали профессор-ўқитувчилар таркибининг илмий даража ва унвонларга эга ходимлар ёши нуқтаи назаридан оптимал нисбатига эришиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг глобал рақобатбардошлигини таъминлашнинг илмий-амалий асосларини ўзида мужассамлаштирувчи концепциялар, илғор ғоялар генерациясини ташкиллаштирувчи илмий ХАБга айлантириш йўлида стратегиялар амалга оширилмоқда.





1-расм

Илмий-техник буюртма ва грантларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришда мавжуд муаммоларга янги-ча ечим топиш, тажрибали амалиётчиларни ўқув жараёнига фаол жалб қилиш, таълимда ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва амалий мисоллардан кенг фойдаланиш каби йўналишларда ТДИУнинг ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини таъминлаш ишлари жадалаштирилган. Сабаби, ҳар қандай барқарор иқтисодий ривожланишини муваффақият калити иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида доимий янгиланиш, узлуксиз инновацион фаолиятдир. Бу борада «Юқори технология соҳаларида тадқиқот ва ишланмалар инновацияларнинг драйвери ҳисобланади, бошқа тармоқлар эса қўпроқ ўзлаштирилган билим ва технологияларни ривожлантиришга таянади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> 2022 йилдаги Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва инновациялар соҳасидаги миллий маъруза. 37-бет.



Университет таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи «Университет 4.0» концепциясини янада ривожлантириш йўлида ҳаракатланмоқда, жумладан, университет таркибидаги «Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш» бўлими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги ПҚ-3698-сонли «Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими университет ҳуқуқига тегишли бўлган илмий-инновацион ишланмаларни ҳамда илмий-тадқиқот фаолият натижаларини тижоратлаштиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, бозорни тизимли таҳлил қилиш ва инновацион маҳсулотга бўлган эҳтиёжни (иш, хизматлар) ўрганиш, инновацион маҳсулотларни тижоратлаштириш билан боғлиқ бўлган рентабелликни баҳолаш, тижоратлаштиришга ва амалиётга тадбиқ этишга тайёр лойиҳаларни саралаш, инновацион лойиҳаларни амалга оширишга инвесторлар, ҳамкорлар ва бошқа манфаатдор шахсларни жалб этиш ҳамда янги технологияларни жорий этиш ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида саноат корхоналари билан ҳамкорлик қилиш йўналишларида фаолият олиб боради.

Университет таркибида ушбу бўлим ташкил этилганидан буён бир қатор ижобий тенденциялар амалга ошмоқда, жумладан, профессор-ўқитувчилар томонидан хўжалик шартномалари маблағлар миқдори



мутассил ортиб бормоқда. Хўжалик шартномаларини бажарилиши орқали 2020 йилда келиб тушган умумий маблағлар 469 млн сўм, 2021 йилда 850 млн сўм, 2022 йилга келиб эса бу кўрсаткич 2 млрд 470 млн сўм миқдоригача ошди ва 2023 йил олти ойлиги ҳолатига кўра умумий инновацион жамғармага шартномалардан келиб тушган маблағлар 2 млрд 200 млн сўм ҳисобланмоқда.

Бўлим томонидан университетда муттасил талабалар ўртасида START UP лойиҳалар танловлари ташкил этилиб, танловни ташкил этиш, ёшлар ўртасида инновацион START UP лойиҳаларни яратиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш ҳамда уларни жалб қилишда фаол тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, ҳар йили «Youth innovate ideas» қатнашади ва таълим, қишлоқ хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ишлаб чиқариш соҳалари бўйича бир қатор лойиҳалари билан иштирок этдилар. Талабалар ўртасида юқоридаги каби тадбирларни оммалаштириш ва лойиҳаларни молиявий кўллаб-қувватлаш орқали университетнинг инновацион фаолликдаги кўрсаткичи ошиб бормоқда.

Бундан ташқари, йилда уч марта, «Eng yaxshi Start Up loyihalari» танлови ташкил этилиб, ҳар бир танловда 100 дан ортиқ талаблар қизиқиш билдиради ва лойиҳалари саралаб олинади. Мисол учун, «Eng yaxshi biznes g'oya» деб топилган «Polyway» лойиҳасини амалга ошириш учун инновацион жамғарма томонидан 50 млн сўм пул маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари университет профессор-ўқитувчилари ҳам инновацион ривожланиш бўйича ўзларининг фаолликларини кўрсатиб келишмоқда. 2023 йил



тижоратлаштириш бўлими томонидан ташкил этилган «Eng yaxshi innovatsion g'oya» танловида 30 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ўзларининг инновацион лойиҳалари билан иштирок этишгани бунга яққол мисол бўла олади. Улардан «Сунъий интеллект» кафедраси томонидан ишлаб чиқилиши кўзда тутилган «KPI-UP» лойиҳасига инновацион жамғарма томонидан 250 млн сўм миқдорда инвестиция маблағи ажратилди.

Университетда муаллифлик гувоҳномалари бўйича жами 2021–2022 ўқув йилда 22 та муаллифлик гувоҳномаси олинган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2022–2023 ўқув йилида 35 тани ташкил қилади. IFODD лойиҳалар юзасидан эса 2021–2022 ўқув йилида жами 6 та инновацион ва амалий ҳамда фундаментал лойиҳалар 2022–2023 ўқув йилида эса бу кўрсаткич 9 тага ўсиб жами маблағлар йиғиндиси эса 5 млрд сўмга етди.

Ўзбекистон Республика Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига тақдим этилган университет профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган лойиҳалардан 10 таси фундаментал, инновацион ва амалий форматда 10 млрд сўм атропофида молиялаштирилган ва фаолият олиб бормоқда. Жумладан, университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларга ўзларининг илмий фаолиятида тижоратлаштиришнинг янги йўллари ва хориж тажрибаси ҳақида тушунтириш ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

Илмий инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўлими хориж тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга жорий қилиш орқали университет инно-



вацион даражасини оширишга интилиб келмоқда. Ушбу амалиётнинг муҳим тадқиқот натижалари бу университет ҳудудида лаборатория ва «Spin-off» компаниялари очилиши йўлга қўйилаётгани, бозор талабининг университет профессор-ўқитувчилари билимларига бўлган талабнинг ортаётгани ҳамда ёшлар орасида инновацион ғоялар ишлаб чиқиб реал бизнесга айлантириш жараёнлари оммалашаётганликларини кўришдир.

Университетда инновацион фаолиятнинг истиқболли йўналишларида ташкил этиладиган илмий ҳажмдор маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги инновацион «Spin-off» корхоналар ташкил этиш устувор вазифа эканлигини инобатга олган ҳолда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида рақамли технологиялар, интеллектуал тизимлар ва замонавий илм-фан ютуқларидан иборат зарурий инфратузилмаларни шакллантирган ҳолда маҳаллий ва хорижий инвесторлар ҳамда мамлакатимиздаги инвестиция талаб этадиган объектлари учун рақамли консалтинг ва сервис хизматларини кўрсатувчи «E-Investment» МЧЖ инновацион («Spin-off») корхонаси ташкил этилди. Ушбу «Spin-off» корхона инвестицион объектларга инвестицияларни жалб этиш бўйича бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш, мамлакат инвестиция муҳитини ривожлантиришга қаратилган рақамли SMART mobil тизимли пуллик хизматларини кўрсатишни ташкил этиш билан шуғулланади. Бундан ташқари университетда «TSUE Academy» МЧЖ инновацион корхонасини ташкил этишга доир таъсис шартномаси, корхона низоми ва бошқа зарур ҳужжатларни иш-



лаб чиқиш ва давлат реестридан рўйхатдан ўтказиш бўйича амалдаги қонунчилик доирасида ишлар бошланган.

«TSUE Academy» МЧЖ инновацион корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича барча ташкилий чора-тадбирларни кўриш, хусусан, университет ҳудудидан жой ажратиш, хоналарни жиҳозлаш, ходимларни саралаш ҳамда танлаш, «TSUE Academy» МЧЖ инновацион корхонаси фаолиятини йўлга қўйиш бўйича молиявий манбаларини шакллантириш.

«TSUE Academy» МЧЖ инновацион корхонаси фаолиятини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш жорий йилнинг ярим йиллик режасига киритилган. Университетнинг Туризм факультети ҳузурида меҳмонхона хизматлари соҳасида, замонавий технологиялар, илм-фан ва инновация ютуқларини ўзида жамлаган «Ўзбек бренди» миллий моделини ривожлантиришга хизмат қиладиган инфратузилмаларни шакллантириш, университет фаолияти доирасидаги маҳаллий ва хорижий меҳмонларга жаҳон стандартлари талабига мувофиқ хизмат кўрсатадиган «UzHostServis» МЧЖ инновацион («Spin-off») корхонасини ташкил этиш, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган. Соҳа бўйича мамлакатимиздаги тадбиркорлик субъектлари ва ходимларини ўқитиш, малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек, соҳа бўйича янги кадрларни ўқув-амалиёт жараёнларини ташкил этиб, буюртмалар асосида меҳмонхона хизматларини миллий «Ўзбек бренди»га мувофиқ ташкил этиш бўйича пуллик хизмат кўрсатиш режалаштирилган.



Ҳозирги кунда ушбу «Spin-off» компаниялар оз фаолиятларини бошлаб юборишган. Жумладан, «E-Investment» МЧЖ инновацион («Spin-off») корхонаси ҳозирга қадар 10 дан ортиқ Start Up ва лойиҳаларни Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан эълон қилинган турларда қатнашиб келишмоқда. Шунингдек, замонавий бухгалтерия ҳисоби, лойиҳа бошқаруви йўналишида ўқув курслари ташил этилмоқда. Илмий лойиҳалар ҳамда бизнес режалар ишлаб чиқиш бўйича консалтинг хизматлари йўлга қўйилди. «E-Investment» МЧЖ дастурий таъминоти ишлаб чиқилиб, тадбиркорлар учун инвесторларни жалб этилишига қаратилган рақамли павилион ташкил этилди. «E-Investment» МЧЖ назария ва амалиёт илмий электрон журнал фаолияти йўлга қўйилди.

**Ҳафталик илмий-услубий семинарлар**

19 ta online

11 ta offline

2-расм

«TSUE Academy» МЧЖ билан ҳамкорликда бир қанча илмий конференциялар амалга оширилган. Қуйидагилар шулар жумласидандир: «Миллий корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартлар ва



замонавий илғор амалиёт асосида инновацион ривожлантириш истиқболлари, «Замонавий бизнес муҳитлари ва инвестицион имкониятлар» мавзусидаги давра суҳбати, «Маҳалла-хунармандчилик ва тадбиркорликни ташкил этишнинг миллий модели» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман.

Тижоратлаштириш таркибида Университет томонидан ишлаб чиқиладиган лойиҳаларнинг прототиплаш учун лаборатория майдонини ташкил этиш орқали лойиҳалар бўйича маълумот бериш ва инвесторларни жалб қилиш мумкин. Бундай ресурслар тижоратлаштириш ҳаракатлари учун юқори аҳамиятга эга ҳисобланади. Муваффақиятли тижоратлаштириш бу – патентлаш, шартномалар тузиш, инновацион кўрик танловлар ташкил этиш, истеъдодларни жалб қилиш университетларга катта фойда келтиради. Сўнгги йилларда университетлар ва тадқиқот институтлардан олинган патентлар, амалга оширилган лойиҳалар ва START UP сони кўпайганлиги бунга мисол бўла олади.

Ўрганилган тажрибалар ва амалга ошириладиган ишлар натижаси шуни кўрсатадики, Илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштиришда мавжуд маблағлар тўғри йўналтирилган ҳолда энг долзарб муаммоларини ҳал қилиш учун ишлатилиши, бозорга инновацион томондан янги маҳсулотлар ва хизматларни тақдим этишга хизмат қилади. Шунингдек, истеъмолчиларнинг ҳаёт сифатини ва турли соҳаларда бизнес самарадорлигини босқичма-босқич яхшилаш имконини беради. Охирги 20 йилда шу нарса маълум бўлдики, инновацион соҳанинг яъни илм-фан, янги технологиялар, илм талаб тармоқларнинг




ривожланиш ва ўсиш даражаси барқарор иқтисодий ўсишнинг асосини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этишдаги муваффақиятимиз нафақат тадқиқотимизнинг фойдали томонларини тезлаштиради, балки минтақамиз иқтисодиётига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. Бу университет учун бугунги билимга асосланган иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди. Биз тадқиқот чегараларида ўсиб бораётган етакчилигимиздан ҳақли равишда фахрланамиз, лекин бу билимларни фойдаланишга айлантиришда ҳам етакчи роль ўйнашимиз керак.



**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ДАВЛАТ-  
ХУСУСИЙ ШЕРИКЛИК  
МАСАЛАЛАРИ (АВСТРИЯ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ-  
ДАГИ ИЛК САМАРАЛИ  
ЛОЙИҲА МИСОЛИДА)**

**Карл Эннсфеллнер,  
Кремс амалий фанлар  
университети директори**



Бугун сизлар билан олий таълимда давлат-хусусий шериклик (Public-private partnerships – PPP) мавзусини муҳокама қилиш имкониятига эга эканлигимдан миннатдорман. Мен сизнинг диққат-эътиборингизни Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг хорижий ҳамкори ҳисобланган IMS Кремс амалий фанлар университетига қаратмоқчиман.

Австрия ҳукумати 1994 йилда ўқув дастурлари сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида амалий фанлар университетлари тармоғини жорий қилди. Бундан ташқари, ҳукумат ушбу дастурлар саноат эҳтиёжларига мос келишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратди.

Австрияда олий таълим биринчи навбатда давлат университетлари томонидан тақдим этилган бўлса-да, амалий фанлар университетлари тармоғининг жорий этилиши Австрия олий таълимида давлат-хусусий шерикликнинг янги моделини йўлга қўйишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Мазкур тақдимотни намойиш этишдан асосий мақсад Австрияда давлат-хусусий шериклик концепция-



си қай тариқа амалга оширилганлиги ҳақида қисқача маълумот бериш ҳисобланади.

Ушбу тақдимот уч қисмдан иборат. Биринчи навбатда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги фундаментал тушунчаларга тўхталмоқчиман. Кейинги ўринда, Австрия амалий фанлар университетлари тармоғида давлат-хусусий шерикликни қўллашга эътиборингизни қаратаман.

Тақдимотнинг якуний қисмида, давлат-хусусий шерикликнинг муваффақиятли модели бўлиб хизмат қиладиган IMS Кремс амалий фанлар университети мисолини эътиборингизга намойиш этмоқчиман.

Кўплаб адабиётларда давлат-хусусий шериклик моделларининг турли таърифлари келтирилган бўлиб, бундай моделларнинг кўлами тўғрисида универсал келишув мавжуд эмас.

Шунга қарамасдан, давлат-хусусий шериклиги аҳолига турли хилдаги қулайликлар ва хизматлар кўрсатиш мақсадида давлат сектори ва хусусий сектор ўртасидаги ўрнатиладиган шартномавий муносабатлар сифатида таърифланиши оммавий қабул қилинган фикр ҳисобланади.

Давлат сектори муассасалари ва хусусий сектор ташкилотлари умумий мақсадларга ва ҳар бир шерикнинг индивидуал мақсадларига эришиш учун ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишади.

Умуман олганда, давлат-хусусий шериклик моделлари ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида муайян фаолиятни амалга ошириш учун расмий шартномани ўз ичига олади. Ҳар бир ҳамкор дастурда маълум ролга эга ва хизмат кўрсатиш ёки воситаларни етказиб



беришда ўз кўникмалари, активлари, билимлари ва ҳатто потенциал рисклари билан ушбу дастурга ҳисса қўшади.

Дастлаб, PPP моделлари асосан инфратузилма лойиҳалари учун фойдаланилган бўлса-да, сўнгги ўн йилликларда улар олий таълим каби инсонлар фаровонлиги билан боғлиқ хизматларни тақдим этишни ҳам қамраб олган.

Олий таълим тўғрисида гап кетганда, одатда амалга оширилиши мумкин бўлган учта модел мавжуд. Биринчидан, хусусий сектор инфратузилмани лойиҳалаш, молиялаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш учун масъул ҳисобланиб, ҳукумат эса олий таълим хизматларини кўрсатишда давом этади.

Бунда давлат сектори хусусий сектор ташкилотига бир марталик ёки йиллик тўловларни амалга оширади ва рисклар хусусий сектор ҳамда давлат сектори ўртасида тақсимланади.

Иккинчи модел нафақат инфратузилмани қурувчи, балки олий таълим хизматларини кўрсатадиган хусусий ташкилотни ҳам ўз ичига олади. Ушбу сценарийда ҳукумат хусусий ташкилотнинг умумий харажатларини қоплайди ёки маълум миқдордаги талабаларнинг ўқиш харажатларини тўлаб беради.

Учинчи моделда ҳукумат инфратузилмани таъминлаш учун масъул ҳисобланиб, хусусий ташкилот эса олий таълим дастурларини етказиб беради. Бундай ҳолатда, давлат хусусий ташкилотга ҳар бир ўқиш жойи харажатлари учун тўлов тўлаб беради (1-жадвал)



## Олий таълимда PPP моделлари

**1-модел:** Хусусий сектор инфратузилмани яратиб беради, ҳукумат эса таълим хизматларини кўрсатади.

**2-модел:** Хусусий сектор инфратузилмани яратиб беради ва таълим хизматларини кўрсатади.

**3-модел:** Ҳукумат инфратузилмани яратиб беради, хусусий сектор эса таълим хизматларини кўрсатади.

Иккинчи ва учинчи моделлар давлат томонидан олий таълимни бевосита таъминлашдан воз кечишни англатади. Шу билан бирга, ҳукумат учун жамият эҳтиёжлари, жумладан, олий таълимнинг етарли даражада қондирилиши ва устуворлигини таъминланиши муҳим ҳисобланади.

Мазкур моделларда олий таълим сифати кафолатини таъминлаш ва меъёрий-ҳуқуқий базани ўрнатишда ҳукумат ҳал қилувчи ролни ўйнайди. У давлат маблағларини тақсимлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини тартибга солишнинг шаффоф тизимини жорий этиш учун масъулдир.

Олий таълимда тартибга солиш жараёнлари давлат-хусусий шериклик моделларининг исталган натижаларига эришишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади. Ҳукумат қонунчилик доирасида олий таълим муассасалари фаолиятини баҳолаш ва уларнинг фаолиятига кўра мукофот ёки жазо чораларини кўришга эътибор қаратади.

Иккинчи ва учинчи моделларнинг асосий мазмунини хусусий сектор ташкилотларни самарали бошқариш учун зарур тажрибага эга, бироқ давлат сек-



торида эса хизматларни самарали тақдим этиш учун тегишли рағбатлар мавжуд эмас деган ишонч ташкил қилади.

Бундан ташқари, давлат-хусусий шериклик тарафдорлари олий таълимнинг анъанавий давлат таъминоти рақобатнинг пасайиши, сифатнинг бузилиши, харажатларнинг ошиши, қатъийлик ва бозор талабларига жавоб бермаслик каби чекловлардан азият чекишини таъкидлайдилар.

Давлат-хусусий шериклик мослашувчанликни жорий этиш ва одатда давлат сектори билан боғлиқ бўлган чекловларни юмшатиш орқали ушбу заиф томонларни ҳал қилиш учун ечим сифатида қаралади.

Ушбу ёндашув ўзгарувчан бозор конъюнктурасига тез мослашиш имконини беради, академик ва бошқа соҳаларда инновацияларнинг ривожланишига таъсир кўрсатади ва шаффофликни оширади, деган ғояни олға суради. Давлат-хусусий шериклигига бозорга йўналтирилган, самарали ечимларни ўз ичига олган ва давлат сектори билан боғлиқ бюрократиядан холи бўлган модел сифатида қаралади.

Қонун ҳимоячиларининг таъкидлашича, бу тизим рақобатни рағбатлантиради, самарадорликни оширади, ҳисобдорликка ижобий таъсир кўрсатади, иқтисодий рентабелликни оширади ва пировардида олий таълимнинг умумий харажатларини камайтиришга олиб келади.

Келинг энди эътиборимизни тақдимотнинг Австриядаги амалий фанлар университетлари моделига бағишланган иккинчи қисмига қаратамиз.

Австрияда 1994 йилда мазкур тармоқнинг ташкил этилиши, биринчи навбатда, саноат талаблари ва бо-



симлари билан боғлиқ бўлиб, масъул вазирликни мамлакатда ушбу янги тармоқни жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ундади.

Австрияда амалий фанлар университетларининг жорий қилинган модели бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолаётган бир қанча асосий элементлардан иборат.

Биринчидан, хусусий таълим муассасаларига маълум шароитларда илмий даража олиш дастурларини таклиф қилиш имконияти берилган.

Ушбу ўқув дастурлари меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, талабалар сонидан келиб чиқиб, ҳар бир муассасага тўғри келадиган маблағларни тақсимлаш ҳукумат зиммасидаги масала ҳисобланади. Шунингдек, ҳукумат зарур меъёрий-ҳуқуқий базани ташкил этиш ва ушбу ўқув дастурлари учун институционал ва дастурий аккредитацияни назорат қилишда роль ўйнайди.

Австрияда ҳукумат амалий фанлар университетларини ташкил этиш орқали ўз олдига эришишни кўзлаган бир қатор мақсадлар қўйган.

Бу мақсадлар олий таълимни диверсификация қилиш, шаффофликни ошириш, таълим дастурлари сифати ва самарадорлигини ошириш ва бошқаларни ўз ичига олган. Амалий фанлар университетлари талабаларни меҳнат бозорига тайёрлайдиган касбий йўналтирилган олий таълимни тақдим этишга асосий диққат-эътиборни қаратади. Ушбу муассасаларни молиялаштиришга уларнинг меҳнат бозори эҳтиёжларини қондириш мақсади ҳам таъсир кўрсатади.

Амалдаги молиялаштириш тизимига кўра, давлат ҳар бир ўқиш жойи учун ўқиш харажатларини қоплай-



ди. Давлат томонидан молиялаштириладиган ўқув ўринлари сони маълум бир фанлар бўйича битирувчиларга бўлган прогноз қилинган талабдан келиб чиқиб белгиланади.

Агар битирувчиларга талаб юқори бўлса, ушбу фан бўйича кўпроқ ўқув ўринлари молиялаштирилади. Ҳар бир ўқиш жойи учун ажратиладиган миқдор ҳукумат томонидан белгиланади ва ҳукумат бу маблағларга инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда тузатиш киритишни ҳам ҳал қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, Австрияда ҳар бир ўқув жойи учун тўлов фақат ўқув дастурини етказиб бериш билан боғлиқ, биринчи навбатдаги ўқитиш билан боғлиқ харажатларни қоплайди. Тадқиқот харажатлари қоплаб берилмайди. Тадқиқот харажатлари ушбу фондлар томонидан қопланмаслигига қарамасдан, Австрия амалий фанлар университетлари қонуний равишда амалий тадқиқотлар ўтказишлари шарт ҳисобланади.

Австриядаги амалий фанлар университетлари ўз лойиҳаларини молиялаштириш учун Европа, миллий ёки минтақавий даражадаги топширилган аризалар орқали олинган тадқиқот грантларига таянади. Бу муассасалар учун тежамкор иш юритиш ва қўшимча маблағларни олиш ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Улар бунга консалтинг хизматлари, шартномавий тадқиқотлар ва узлуксиз таълим дастурларини таклиф қилиш орқали эришадилар. Мазкур олий ўқув юртлари молиялаштиришнинг салмоқли қисмини давлат ҳисобидан, яъни солиқ тўловчилар маблағлари ҳисобидан олаётганлиги сабабли, ушбу маблағларнинг самарали ва масъулиятли ишлатилишини назорат қилиш механизмига зарурат мавжуд.



Мазкур масалаларни ҳал қилишда амалий фанлар университетлари учун меъёрий-ҳуқуқий база сифатида институционал ва такрорий аккредитациялар, шунингдек, таклиф этилаётган ҳар бир алоҳида ўқув дастури бўйича дастур аккредитациясини ўз ичига олган назорат механизми хизмат қилади.

Дастурни аккредитация қилиш жараёнининг бир қисми сифатида аккредитация органи турли омилларни, жумладан, меҳнат бозорида битирувчиларга бўлган талабни баҳолаши зарур. Ушбу аккредитация тартиб-қоидалари тармоқда ҳисобдорлик ва сифат кафолатини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳозирги кунда Австрияда жами 21 та амалий фанлар университети мавжуд бўлиб, уларнинг 80 таси тўлиқ инглиз тилида ўқитиладиган 650 та турли хил бакалавриат дастурларини таклиф этади. Ушбу тармоқ 53 000 га яқин талабаларни қамраб олади.

Юқоридаги рақамлар нисбатан кичик кўринишини, Австриянинг 9 миллион атрофидаги оз сонли аҳолига эга давлат эканлигини ҳисобга олганда, табиий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Бундан ташқари, амалий фанлар университетларининг магистратура босқичи битирувчилари ҳам университет секторида докторлик дастурларини давом эттиришлари мумкин.

Энди эътиборни ушбу ёндашувда етакчилардан бири ҳисобланган 1994 йилда хусусий-давлат ҳамкорлиги модели асосида ташкил этилган IMS Кремс амалий фанлар университетига қаратсак. Хусусий масъулияти чекланган жамият сифатида у тадбиркорлик нуқтаи назаридан ишлайди.

Университетнинг 70% улуши доктор Бойерга ва 30% улуши Кремс шаҳрига тегишли бўлиб, уни чина-



кам хусусий ташкилот сифатида шакллантирган. IMS Кремс амалий фанлар университети Австрия ҳукумати номидан иш олиб боришига қарамай, муҳим даражада автономияга эга бўлиб, тезкор қарор қабул қилиш жараёнларини ўзида мужассам этган.

Шундай экан, агар Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва IMS Кремс амалий фанлар университети ўртасида қарор қабул қилинадиган бўлса, уни кенг кўламли қўмита маслаҳатлашувларисиз тезда амалга ошириш имконияти мавжуд.

IMS Кремс амалий фанлар университети хусусий университет сифатида орқа фондаги слайдда намоён этилаётган аниқ белгиланган қараш, миссия ва стратегия билан фаолият юритади.

Университет учта қатламни ўз ичига олган текис ташкилий тузилмага эга бўлиб, улар университет раҳбарияти, академик институтлар раҳбарлари ва университет раҳбариятига бўйсунадиган хизмат кўрсатиш департаменти етакчиларидан иборат.

Ҳар бир бўлинма учун бюджетлар ажратилиб, керакли сифат даражасига эришиш учун мунтазам равишда ички аудит ва баҳолашлар ўтказилади.

Университет учун мижозлар ва бозорга йўналтирилган бўлиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу тамойиллар барча мулоҳазалар ва қарорларнинг асосини ташкил этади.

IMS Кремс талабалар, бўлажак иш берувчилар, тадқиқот бўйича ҳамкорлар ва ҳамкор университетларни мижоз сифатида кўриш орқали турли хил манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини қондиришга алоҳида диққат-эътиборини қаратади.

Университет бозор ва унинг мижозлари эҳтиёжларини қондиришга қаратилган юқори сифатли ўқув



дастурлари билан таъминлаш, амалий тадқиқотлар ўтказиш ва консалтинг каби қўшимча хизматларни тақдим этишга кучли урғу беради.

IMS Кремс амалий фанлар университети ўқув дастурини жорий этишдан олдин, унинг бозор эҳтиёжларига мос келишига ишонч ҳосил қилиш учун кенг қамровли бозор тадқиқотларини ўтказди.

Университетни молиялаштириш, биринчи навбатда, ўқитиш харажатларини қоплайдиган, аммо тадқиқот харажатларини ўз ичига олмайдиган ўқиш жойлари сонига таянади.

Илмий-тадқиқот лойиҳалари грантлар ҳисобидан молиялаштирилиб, университет хусусий ташкилот сифатида фаол равишда қўшимча маблағларни жалб қилишга ва рентабелликка эришишга интилади.

IMS Кремсда 1994 йилда 42 нафар талаба таълим оладиган ва 3 нафар ходим фаолият юритадиган битта ўқув дастури мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси ҳукумат томонидан тўлиқ молиялаштирилган.

Ҳозирда университет таълим олиш учун 50 фоизи тўлиқ инглиз тилида ўқитиладиган 30 та ўқув дастурларини таклиф этиш имкониятига эга. Мазкур дастурлар Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликни ўз ичига олувчи қўшимча 700 нафар талаба таҳсил оладиган 10 та трансмиллий дастурларни тақдим этади.

IMS Кремс амалий фанлар университети маҳаллий миқёсда 3000 талабага таълим хизматларини кўрсатмоқда ва 360 нафар ходимни иш билан таъминламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Австрия Меҳнат бозори хизмати томонидан тасдиқланган ста-



тистик маълумотларга кўра, университет битирувчиларнинг деярли 99 фоизининг иш билан таъминланганлик даражаси билан фахрланишга ҳақли ҳисобланади.

Ҳукумат томонидан ўқиш ўринлари молиялаштиришига қўшимча равишда, IMS Кремс амалий фанлар университети шартномавий тадқиқотлар ҳисобига қўшимча маблағлар ишлаб топади.

Даромадлар таркиби шуни кўрсатадики, ўқиш ўринларини молиялаштириш катта салмоққа эга бўлиб, у 69% ни ташкил қилади, ундан кейинги ўринларда 22% салмоқ билан тадқиқотлар, 7% улуш билан талабалар томонидан тўланадиган ўқув тўловлари ва 2% бошқа манбаларга тўғри келади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, IMS Кремс амалий фанлар университетини юқори сифатли ўқув тадқиқот дастурларини таклиф этувчи самарали фаолият юритадиган ҳақиқий муваффақият тарихи деб аташ мумкин. 11 000 дан ортиқ муваффақиятли битирувчилар ва уларнинг 99 фоизли салмоқли бандлик кўрсаткичи – университетнинг ютуқларидан далолат беради.



## ЗАМОНАВИЙ БАҲОЛАШ ТИЗИМЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ



Стивен Кинг,  
Ўрта Осиё, Европа ва Покистон  
бўйича Таълим Реформаси,  
Кембридж Таълим  
Ҳамкорлиги раҳбари

Жамиятни иқтисодий трансформация қилиш шароитида таълим сифатининг ўрни номли конференциянинг танлаган мавзуси юксак маъно ва аҳамият касб этади.

Бугун биз ушбу мавзуларда мунозаралар олиб бо- раётганимиздан хурсандман. Бугунги кунда менинг асосий эътиборим билимларни баҳолаш мавзусига қаратилган, шунинг учун келинг, чалғимасдан, шу мавзуга тўхталиб ўтамиз.

Билимларни баҳолаш мавзусини ўрганишдан ол- дин, ўзим ва Таълим буйича Кембриж Ҳамкорлиги (Cambridge Partnership for Education) ташкилоти ҳа- қида қисқача маълумот берсам. Ташкилотимиз бу- тун дунё бўйлаб таълим ўзгаришларини амалга оши- риш учун Кембриж университетигаги турли муас- сасаларни бирлаштиради.

Биз ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқитиш ва ўқитиш ёндашувлари, билимларни баҳолаш ва ўқув материаллари каби таълимнинг турли жиҳатлари бў- йича ишлаймиз. Бизнинг асосий эътиборимиз ушбу компонентлар ўртасидаги уйғунликка эришишдир (1-расм).





1-расм. Таълим сифатини ошириш

Таълим бўйича Кембриж Ҳамкорлиги Кембриж университети нашриёти ва билимларни баҳолаш сектори билан бир қаторда Кембриж университетининг кенг контекстида ишлайди. Ўзбекистонда самарали ҳамкорлик қилган бўлсак-да, менинг бугунги мақсадим ўша лойиҳаларни алоҳида муҳокама қилиш эмас.

Бунинг ўрнига, мен баҳолашнинг иккита асосий тамойилига эътибор қаратаман ва Буюк Британия, хусусан, Англия ва Уэльсга асосланган амалий тадқиқотни тақдим этаман. Шунингдек, мен баҳолашнинг келажаги, айниқса, олий таълим контекстида ва унинг университетга киришга таъсири ҳақида тўхталиб ўтаман. Бу университетлар талабаларнинг ўз муассасаларига кириш учун тегишли малакага эга эканлигини баҳолаш учун фойдаланадиган мезонларга тааллуқлидир.

Яхши ишлайдиган таълим тизими иккита асосий элементга таянади: ўқув мақсадлари, дарсликлар,





**2-расм. Таълимнинг кетма-кетлиги (Alignment)**

Ўқувчилар эгаллаши керак бўлган билим ва кўникмаларни ўз ичига олган ўқув дастури ва мазмуни ҳамда синфда юзага келадиган ва етарли даражада тайёрланган ўқитувчиларни жалб қиладиган самарали ўқитиш ва ўқитиш амалиёти (2-расм).

Билимларни баҳолаш ўқитувчилар нимани ўргатаётганини самарали баҳолашда ва ўқитувчиларнинг ўқув дастурини қамраб олишини таъминлашда таълим тизимини мослаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Гарчи бу мослашув аниқ кўриниши мумкин бўлсада, у универсал тарзда амалга оширилмайди. Мослашишнинг яна бир жиҳати эрта болалик давридаги таълимдан бошланғич, ўрта, олий таълим ёки ишга жойлашишгача бўлган вертикал ривожланиш билан боғлиқ.

Агар номутаносибликлар мавжуд бўлса ёки ушбу таълим босқичлари ўртасида ўтиш механизмлари но-



тўғри бўлса, таълим тизими оптимал ишламайди. Ушбу тушунчалар аниқ кўриниши мумкин бўлса-да, уларнинг қўлланилиши турли контекстларда фарқ қилади. Кембрижда биз уларни баҳолашнинг умумий тўртта тамойили деб атаймиз.

Бу тамойиллар адолатлилик муҳимлигини таъкидлайди, баҳолашнинг адолатли бўлишини таъминлайди ва ўқувчиларнинг қобилиятига қараб адолатли баҳо беради. Баҳолар ўқувчиларга ўргатилган мазмунга мос келадиган асосга эга бўлиши керак. Улар ўқувчиларнинг ёшига мос бўлиши ва ўзгарувчанликни олдини олиш учун ҳар йили таққосланадиган стандартни сақлаб туриши керак.

Адолатли ва ишончли баҳолаш муҳим, бу маданий, жинс ёки тилга оид қарама-қаршиликларсиз баҳолашни таъминлаш. Икки йил олдинги мисол, Ўзбекистондаги университетларнинг баҳолаш саволларини кўриб чиққан эдик. Ўзбекистонда кам учрайдиган спорт тури бўлган *регби* ҳақидаги битта савол маданий жиҳатдан долзарб муқобил савол билан алмаштирилди.

Бундан ташқари, барча баҳолашлар хавфсизликни биринчи ўринга қўйиши керак. Шуниси эътиборга лойиқки, мен Бангладешнинг Кокс-Базар шаҳридаги лойиҳада иштирок этиб, мажбурий кўчирилишини бошдан кечирган роҳинжалик қочқин болалар билан ишлаганман. Расмда тасвирланган бошпаналарда болалар ўқитиш ва таълим фаолияти билан шуғулланадилар (3-расм).

Бироқ расмий ўқув режаси ва баҳолаш йўқлиги сабабли, тақдим этилган таълим норасмий ҳисобланади. Баҳолашнинг бундай етишмаслиги катта муаммо





**3-расм. Расмий ўқув режаси ва баҳолаш мавжуд бўлмаган бошпаналарда болаларни ўқитиш ва таълим фаолияти билан шуғулланиш**

туғдиради, чунки бу 11, 12 ёки 13 ёшдаги ўқувчилар, хусусан, қизлар ўртасида мактабни тарк этишнинг юқори даражасига олиб келади.

Баҳолашнинг йўқлиги тараққиётни кузатиш, таълимдаги камчиликларни аниқлаш ва таъминлашни қийинлаштиради. Бу кўпроқ қизларнинг таълимни тўхтатишнинг нохуш тенденциясига ҳисса қўшмоқда.

Мақсад – таълим дастурида баҳолашни амалга ошириш, аммо уларнинг хавфсизлигини таъминлаш қийин бўлиб чиқди. Яққол кўзга ташланадиган муаммолардан бири бу гендер номутаносиблиги бўлиб, 40 ёки 50 нафар талаба орасида атиги 5 ёки 6 нафар қиз бор. Бу қизларнинг таълим олиш имконияти тенг эмаслигини таъкидлаб, фойдаланиш имконияти муаммосини кўрсатади. Бундан ташқари, баҳолаш жараёнида хавфсизлик чоралари тўлиқ йўқ. Мен бунда уларни айбламайман. Бу шундай бўлади, бун-



га ўқитувчининг айби йўқ. Биласизми, у хавфсиз баҳо бериш тажрибасига эга эмас эди.

Буюк Британиядаги таълим тизими ўқув режаси, баҳолаш ва ўқитиш ва ўрганиш амалиётлари ўрта-сида мувофиқлаштирилган ҳолда мустаҳкам ва яхши интеграциялашган деб ҳисобланади. 1988 йилда қабул қилинган Таълимни ислоҳ қилиш тўғрисидаги қонун тизимни шакллантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Унда миллий ўқув дастури ва мактаб инспекторларининг роли белгиланди. Миллий ўқув дастури турли хил асосий босқичларга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўқувчи таълимининг турли босқичларига мос келадиган баҳолар мавжуд.

Ушбу ўрнатиш талабаларга бадий ёки илмий асосланган фанлар каби академик йўналишлардан бирини танлаш имкониятини беради. Буюк Британияда ўтказилган баҳолашлар иш берувчилар ва университетлар томонидан юқори баҳоланади ва эътироф этилади (1-жадвал).

Уларнинг тан олиниши адолатли, асосли, ишончли ва барча талабалар учун очиқ бўлиш даражасидан келиб чиқади.

Буюк Британиядаги таълим тизими, бошқа ҳар қандай бошқа мамлакат каби, камчиликлардан холи эмас. 1988 йилда «Таълимни ислоҳ қилиш тўғрисида»ги қонун ва ундан кейинги ҳукуматлар жорий қилинганидан бери академия деб номланган мактаблар тармоғи орқали давлат мактабларига хусусий сектор таъсири сезиларли даражада ошди. Бу хусусий секторнинг халқ таълимига жалб этилиши борасида айрим шахслар, жумладан, менда ҳам хавотир уйғотди.



1988 йилда Буюк Британияда ўтказилган  
таълим реформаси

Босқич	Қамров	Баҳолаш
Дастлабки йиллар	5	Тил, мулоқот, саводхонлик
1	5-7	Фонетик скрининг текшируви
2	7-11	Инглиз тили ва математика бўйича миллий тестлаш (7 ва 11-синфлар)
3	11-14	
6-шакл	16-	Талабалар танлашади: А даражаси ВТЕС Т даражалари ва бошқалар Университетлар ва иш берувчилар томонидан тан олинган

Бундан ташқари, мактаб инспекцияси атрофида салбий матбуот пайдо бўлди, бу эса ўқитувчилар ва мактаб раҳбарларига катта босим ўтказди. Ушбу босим мактабларнинг ўзларини яхшилашга интилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, чунки улар ўқувчилар учун энг яхши таълимни таъминлашдан кўра, текшириш мезонларини қондиришга кўпроқ эътибор қаратишлари мумкин. Бу омиллар Буюк Британияда таълим тизими дуч келадиган баъзи қийинчиликлар ва танқидларни таъкидлайди.

Шуни тан олиш керакки, барча талабалар, хусусан, ёшлар ҳам университетда таълим олишни хоҳламайдилар. Баъзилар тўғридан-тўғри ишчи кучига



киришни ёки шогирдликни танлашни афзал кўришлари мумкин. Шунинг учун, университетга киришдан ташқари, турли йўлларга мувозанатли урғу берилиши керак.

Бундан ташқари, академик ютуқларга, айниқса, STEM фанларига ҳаддан ташқари эътибор қаратилади, санъат эса баъзан эътибордан четда қолади. Шунини ёдда тутиш керакки, санъат миллий иқтисодиётга катта ҳисса қўшади. Масалан, Британия иқтисодиёти Битлз (The beatles) ва Оазис каби шахсларнинг бадий истеъдодларидан катта фойда кўрди ва бу санъатнинг маданий таъсир ва иқтисодий ўсишга таъсирини намоиш этди.

Келажакка назар ташлайдиган бўлсак, баҳолаш, университет дастурлари ва мактаб ўқув дастурларида бизни ноёб инсон қиладиган кўникмаларни ҳисобга олиш муҳимдир. Chat GPT каби ҳодисаларнинг пайдо бўлиши таълимнинг ривожланаётган манзараси ҳақида саволлар туғдиради.

Шу сабабли, технологик тараққиёт билан бир қаторда инсоний фазилатлар ва қобилиятларни уйғотадиган кўникмаларни ўз ичига олишига эҳтиёткорлик билан эътибор қаратиш лозим.

Қандай қилиб биз ўзимиз масъул бўлган талабаларда бу кўникмаларни ривожлантиришимиз мумкин? Ва улардаги тараққиётни қандай ўлчамимиз мумкин?

Мени 14 ёшли қизим бор. Яқинда у сочларининг рангини қизил рангга ўзгартирди. Лекин ҳаммаси жойида. Мен қарши эмасман, лекин у менга бошқа куни айтди: «Дада. Интернетда хоҳлаган нарсани ўрганишингиз мумкин, тўғрими? Сиз мактабга боришингиз



шарт эмас. Бу сизга керак эмас? Мен шунчаки Google-га бориб, ҳамма нарсани топа оламан». Менимча, у ноҳақ.

Яхши тайёрланган ош қандай мазали, тўғрими? Сиз буни интернетда топа олмайсиз. Буни ҳис қилиш учун сиз бу ерга тушлик қилиш учун келишингиз ва уни истеъмол қилишингиз керак.

Интернетда она ёки ота бўлишни қандай ҳис қиласиз? Бунинг имкони йўқ. Буни ҳис қила олмайсиз. Googleда бу мумкин эмас. Интернетда она ёки ота бўлиш ҳисини ўрганиб бўлмайди.

Дўстимизнинг она шаҳри Санкт-Петербургда ҳаво қанчалик совуқ эканлигини интернетда билиш мумкин, лекин сиз бу совуқни ҳис қила олмайсиз ва танангизни совуқдан қандай ҳимоя қилишини бошдан кечиролмайсиз. Шунингдек, ишдаги иккинчи ҳамкасб ўртасидаги низо ёки келишмовчиликни қандай ҳал қилишни интернетда ўрганиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, келажак учун зарур бўлган кўникмалар вазиятга ва жалб қилинган шахсларга боғлиқ. Фақат интернетдан ўрганиб бўлмайдиган ҳиссий фазилатлар турли қийинчиликларни енгишда муҳим роль ўйнайди. Тинглаш, танқидий фикрлаш, тафсилотларга эътибор бериш ва узлуксиз ўрганишга кучли мойиллик каби бу қобилиятлар иш берувчилар томонидан юқори баҳоланади ва меҳнат ва жамият келажаги учун жуда муҳимдир.

Бошқарув омиллари тушунчасини ва уларнинг таълим тизимига таъсирини тақдим этган кембрижлик ҳамкасбим Тим Оатесни ҳам эслатиб ўтмоқчиман.

Ушбу омиллар, жумладан, тизим ва тарихий таъсирлар ўқувчиларнинг мослашувига, тан олиниши-





4-расм. Таълимни назорат қилиш омиллари

га ва оқибатда натижаларига таъсир қилади. Миллий таълим органлари ушбу жиҳатларнинг барчасини диққат билан кўриб чиқишлари керак (4-расм).

Ва ниҳоят, мен таълим тизимларини самарали мослаштириш ҳақида кўпроқ маълумот олишни истаганлар учун иккита қимматли очиқ манбаларни баҳам кўрмоқчиман.

**Биринчиси**, таълим тизимини такомиллаштириш бўйича бутун дунё ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилишда бизнинг ишимизни бошқарадиган «Таълимни такомиллаштиришга Кембриж ёндашуви».

**Иккинчиси**, баҳолашда адолат, ишонччилик, асосчилик ва қулайлик тамойиллари ҳақида батафсил маълумот берувчи «Баҳолашга Кембриж ёндашуви». Ушбу манбаларни оддий Google қидируви орқали топиш мумкин ва уларни бепул юклаб олиш мумкин.



## ОЛИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ



**Марат Фатхуллин,**  
ELSEVIER Глобал стратегик  
тармоқлар Вице-Президенти

Олий таълимда ҳозирги даврда муҳокама қилинадиган асосий мавзулардан бири бу таълимда эркинлик ва пастдан юқорига йўналтирилган ёндашувнинг зарурати. Шу ўринда мен ректорларнинг ўз президентлик жамоалари ва академикларини қўллаб-қувватлаш, пировардида институтга ҳам, жамиятга ҳам фойда келтириши учун биргаликда ишлаши муҳимлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Нимага тадқиқотга алоҳида урғу берамиз? Чунки, бугунги кунда муваффақиятли университетлар кучли тадқиқот йўналиши билан машҳурдир. Ривожланаётган таълим муҳитини таъминлаш учун барча даражаларда тадқиқот стратегияси амалга оширилиши керак. Шунини таъкидлаш керакки фақат вазирлар, давлат маслаҳатчилари ёки ҳатто ректорлар ўзлари кучли тадқиқотлар олиб бора олмайди. Биз академиклар сифатида ректорларимиз ва вазирларимизни бу борада қандай қўллаб-қувватлашимиз ҳақида ўйлаб кўришимиз керак. Ўз тажрибамдан баъзи мисоллар билан бўлишишга ижозат беринг.

Шунини таъкидлашни истардимки, сиз бу қийинчиликларга ёлғиз дуч келмайсиз. Кўпгина давлатлар,




жумладан, Ўзбекистон ҳам глобал даражада мавжуд муаммолар ва имкониятларга дуч келмоқда. Биз қимматли билим ва тушунчаларни олиш ва уларни сизга тақдим этиш учун ҳурматли катта академиклар ва сиёсатчилар билан яқиндан ҳамкорлик қиламиз. Ҳукуматлар университетлар фаолиятини яхшилашга қандай ёрдам бериши ҳақида баъзи мисоллар билан бўлишсам. Муҳокамаларимиз чоғида Буюк Британия ҳақида жуда кўп сўз юритилди. QS ёки THE каби университетлар рейтингини ўрганадиган бўлсак, энг яхши ўнта университетдан тўрттаси Буюк Британиядан эканлигини кузатишимиз мумкин. Бу ютуқ нафақат мамлакатнинг молиявий кучига боғлиқ, балки бошқа муҳим омиллар аҳамиятли ҳисобланади. Масалан Хитой ва АҚШ катта ҳажмдаги ресурсларга эга, аммо, Буюк Британияда олимларнинг кўплиги бу билан билан боғлиқ эмас. Бунинг ўрнига, Буюк Британия биз ўрганишимиз мумкин бўлган ноёб ва қизиқарли ёндашувни қўллайди.

Масалан, биз Кембриж университети академиклари билан ҳамкорликда дастурни баҳолашни ўтказдик. Қуйидаги графикда сиз сезиларли ўзгаришларни кўришингиз мумкин: 2014–2015 ўқув йилида Буюк Британия ҳукумати таълим учун давлат бюджетини 13 фоизга қисқартирди. Бу бизни ўз бозорларимизда шунга ўхшаш тенденциялар кузатилиши мумкинми, деб ўйлашга ундайди (1-расм).

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг бюджет ҳолати бошқача бўлиши мумкин бўлса-да, Буюк Британияда амалга оширилган ташаббуслардан сабоқ олиши мумкин. Буюк Британия тадқиқотни ривожлантириш учун тадқиқотни баҳолаш тизимини, таълим сифатини





**1-расм. Буюк Британия ҳукумат агентлиги томонидан 130 та университетга ажратилган пул оқими**

баҳолаш учун баҳолаш тизимини яратди ва академик-саноат ҳамкорлигини ривожлантириш учун баҳолаш асослари ҳақида мунозараларда қатнашди. Ушбу асослар университетларнинг минтақавий ўсишга ҳисса қўшишида муҳим роль ўйнади.

Буюк Британиянинг олтин учбурчаги Лондон, Кембриж ва Оксфордга эга бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам Тошкент, Самарқанд ва Бухоро каби ўзининг академик илғорлик марказлари бўлиши мумкин ва бошқа минтақалар умумий академик ландшафтга ҳисса қўшиши мумкин. Университетларнинг потенциал иқтисодий таъсирини эътироф этган ҳолда, Буюк Британия ҳукумати 3–5 йил давомида академик-саноат ҳамкорлиги учун самарали стратегияларни таклиф қилган университетлар ва минтақаларга сармоя киритиш орқали уларнинг имкониятларидан фойдаланишга ҳаракат қилди. Бу ҳудудий ўсиш суръатлари, илмий маълумотлар, патент маълумотлари ва



ижтимоий-иқтисодий маълумотларни чуқур таҳлил қилишдан иборат эди.

Мисол учун, Бельфаст университети ўзининг стратегик ёндашуви билан 2019 йилгача 1 миллиард фунт стерлинг даромад келтирди. Буюк Британиянинг яхши ташкил этилган бозоридан ташқари, инглиз тилида сўзлашмайдиган бошқа мамлакатлар ҳам тадқиқот университетининг мукамаллик дастурларини йўлга қўйган. Германия, Франция, Канада ва Австралия тадқиқотни жадаллаштириш ва ўз университетларини қўллаб-қувватлаш бўйича қадам қўйган давлатлар қаторига киради.

Ўз ректорингизни ва уларнинг жамоасини қўллаб-қувватлаш учун университетни муваффақиятли ўзгартиришнинг фаол иштирокчиси бўлиш жуда муҳимдир. Академия ва саноат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантирувчи ташаббус ва дастурларда қатнашиш орқали сиз университетнинг ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшишингиз мумкин. Бу инновацияларни қабул қилишни, фанлараро тадқиқотларни рағбатлантиришни ва жамият ва иқтисодий таъсирга олиб келадиган ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади. Олимлар ва университет раҳбарлари фаол бўлиш орқали ўз ректорларини қўллаб-қувватлаш ва ижобий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим роль ўйнаши мумкин.

Массачусетс технологиялар институти (MIT) ва Сколлтеч дунё бўйлаб 130 та университетни ўрғаниб чиқди ва асосий эътибор тадбиркорлик университетларига қаратилган эди. Унда тўртта университет аниқланди: бири Филли шаҳрида, Буюк Британиядаги Имперал коллежи, Россия университети



ва Янги Зеландиядаги Окленд университети. Ушбу университетлар уларнинг муваффақиятли амалиётларини тушуниш учун ўрганилди.

Ҳисоботда таъкидланган мисоллардан бири Финляндиянинг NOKIA компанияси тажрибасидир. Финляндияда давлат учун бюрократ ва ривожланаётган технологик гигант бўлган NOKIA учун муҳандислар тайёрлашга катта эътибор қаратилди. Бироқ NOKIA банкротликка дуч келганида, ҳукумат Финляндия ўзининг технологик устунлигини йўқотиш ва аграр мамлакатга айланиш хавфи борлигини тушунди. Буни бартараф этиш учун учта университет бирлаштирилди, тадбиркорлик курслари жорий этилди, сармоя киритилди. Финляндия, шунингдек, Массачусетс ва Империял каби университетлардан қандай қилиб тадбиркорлик онгини ривожлантиришни ўрганиш учун тажриба излади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳисобот глобал миқёсдаги муваффақиятли университетларни ўрганиб, тадбиркорликка эътибор қаратди. Унда Финляндиянинг NOKIA компаниясининг таназзулга муносабати таъкидланган, бунинг учун университетларнинг бирлашиши, тадбиркорлик курслари ва таниқли тадбиркорлик университетларидан билим олишга интилиш киради. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатда ўзгарувчан шароитларга мослашиш ва тадбиркорлик қобилиятини ривожлантиришга қаратилган.

Лондонда жойлашган Империял коллежи нисбатан қимматроқ ўқув юрти бўлгани учун фойдаланиш имконияти ва нарх муаммосига дуч келди. Улар Россияда анъанавий равишда рус тилида сўзлашувчи олимлар билан ёпиқ университет сифатида фаолият



юритган миллий тадқиқот ядро университетини ривожлантириш зарурлигини тан олдилар. Империял коллежи ўз рейтингини яхшилаш, инвестицияларини йўналтириш ва стратегик ўзгаришларни амалга ошириш йўлларини қидирди, шу жумладан, воз кечиши керак бўлган соҳаларни аниқлади.

Янги Зеландиядаги Аукленд университети мисолида, географик изоляция ўзига хос қийинчилик туғдирди. Кўпгина талабалар Оклендда бакалавр даражасини олишади ва кейин чет элга кетиш имкониятига эга бўлишади, бу эса ақлли қатламнинг чиқиб кетишига олиб келади. Бунини ҳал қилиш учун университет одамларни қолишга ундайдиган жозибадор муҳитни яратиш учун тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширди. Улар технологик тадбиркорликка сармоя киритиб, университет ташқаридан жалб қилинган маблағга тенг маблағ ажратишди. Ушбу стратегик сармоя университетда мукамалликка олиб келадиган академиклар ва илк тадқиқотчиларининг муҳим массасини яратишга ёрдам берди.

Хулоса қилиб айтганда, Империял коллежи ўзининг Россиядаги миллий тадқиқот университети сифатида мавжудлигини ошириш стратегияларини ўрганди, Янги Зеландиядаги Окленд университети эса тадбиркорликни рағбатлантириш ва истеъдодларни мамлакат ичида сақлаб қолиш орқали ақлли қатлам оқимини тўхтатишга эътибор қаратди. Ушбу ташаббуслар ҳар бир муассаса дуч келадиган муайян муаммоларни ҳал қилиш ва ижобий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган.

Талабалар ва тадқиқотчиларининг тадбиркорлигини рағбатлантириш жуда муҳимдир. Бу ректорлар ва



вазирлардан тадқиқот мавзуларини қийинлаштирмаслик, аксинча кучли томонларини тушуниш ва шунга мос равишда ёрдам бериш мажбуриятини талаб қилади. Бу фикрни исботлаш учун яна бир мисол келтираман. Менинг қизим бор, у дастлаб пианино чалишни истар эди, лекин кейинчалик бунинг ўрнига рақсни танлади. Аввалига унинг пианино чалишини хоҳлаган бўлсам ҳам, кейинчалик қизимни бунга мажбур қилиш фақат қаршилик ва иштиёқ йўқлигига олиб келишини тушундим. Худди шундай, тадқиқот-инновациялар ривожлантирилиши ва уларнинг манфаатларини амалга оширишда қўллаб-қувватланиши керак. Уларни босим остига қўйишдан ёки изланишларига қатъий чегаралар қўйишдан сақланиш керак. Бунинг ўрнига, тўғри хатти-ҳаракатни рағбатлантириш муҳимдир. Баъзан сизнинг ҳаракатларингизнинг таъсири дарҳол кўринмаслиги мумкин, аммо тўғри ишларни изчил амалга ошириш орқали сиз узоқ муддатли муваффақият учун пойдевор қўясиз. Мазкур анжуманда давлат маслаҳатчиси иштирок этганидан кўриниб турибдики, мазкур йиғилиш муҳим аҳамиятга эга. Келажакда мен бу ерга қандай ёрдам бера олишим ҳақида сўраш учун қайтиб келишга қарор қилдим.

Ва ниҳоят, бизнес мактабларини ташкил этишда бошқа университетларга раҳбарлик қилиш ва ҳамкорлик қилиш имкониятига эга бўлган Иқтисодиёт университетини эслатиб ўтмоқчиман. Бу университетнинг бизнес таълими соҳасидаги таъсири янада кучайтириш зарур.

Олимлар ва тадқиқотчилар, сиз илмий ишларда фаол қатнашиб, ректор ва вазирга содиқлик кўрсати-



шингиз жуда муҳимдир. Юқори сифатли тадқиқотлар олиб бориш орқали ҳукуматга, вазирга ва ректорга ўз ишингизга сармоя киритишга ишонч ҳосил қиласиз. Улар сизни қўллаб-қувватлашни хоҳлашади, лекин шу билан бирга қимматли натижаларга эришишингиз ниҳоятда муҳимдир. Давлат маслаҳатчиси армия, нафақахўрлар ёки болалар боғчалари учун маблағ ажратганидек, улар ҳам сизнинг тадқиқотингиз учун маблағ ажратишлари керак. Бу икки томонлама автомагистрал бўлиб, ҳар икки томон ҳам ҳисса қўшади ва фойда келтиради.

Академик тадқиқот стратегияси ҳақида гап кетганда, тадқиқот мазмунининг сифатига эътибор қаратиш муҳимдир. Худди футбол бўйича Премер-лигада ўйнаш каби, энг яхши мақолаларни ўқиш сизга энг юқори даражадаги тадқиқотлар билан шуғулланиш имконини беради. Ўзингизни паст сифатли манбалар билан чеклашдан сақланинг. Ўз билимингизни ошириш учун файллар, электрон китоблар ва қоғозлардан фойдаланинг. Компания сифатида биз сизга ушбу ресурсларга киришда ёрдам бера оламиз.

Бундан ташқари, тажриба ўтказиш ва ёзиш, кейин эса ўз ишингизни нашр қилиш жуда муҳимдир. Бу жараённи болалар қандай ўрганишига ўхшатиш мумкин. Биринчидан, улар ишончли китоблардан билимларни ўзлаштириб, ўқишни ўрганадилар. Кейин ўз ғояларини ёзиш ва нашр этишга киришадилар. Худди шундай, тадқиқотчи сифатида сиз энг яхши таркиб билан шуғулланишингиз ва кейин ёзиш ва нашр этиш орқали ўзингизнинг қимматли фикрларингизни қўшишингиз керак.

Ишларингизнинг сифатига сиз ўқиган китобларнинг сифати таъсир қилади. Юқори стандартларга



эга китоблар ва журналларга эътибор қаратиш жуда муҳимдир. Катта тадқиқотга бир кечада эришиб бўлмайди. Бунинг учун вақт ва изчил ҳаракат талаб қилади. Сиз 20 йил олдин иш бошлагансизми ёки бугундан қатъи назар, ҳозирданоқ ҳаракат қилиш муҳимдир. Дастлаб, университетлар ва тадқиқотчилар мукамаллик дастурлари давомида одатдаги хатти-ҳаракатларини давом эттиришлари мумкин, аммо улар охир-оқибат ўзгариш зарурлигини тушунадилар.

Худди марафонни ўтказиш бўйича шахсий тажрибамда бўлгани каби, мен зиёфатдан воз кечиб, машғулотларга устувор аҳамият беришга мажбур бўлдим. Масъулиятни ўз зиммасига олиш ва олдинга силжиш жуда муҳимдир. Университетлар ривожланиши учун корхоналар ва саноат билан ҳамкорлик қилиш зарур. Буюк Британия университетлари рейтингининг муваффақияти дарҳол бўлмади. Бу 25 йил олдин ректорлар тўғри стратегияларни амалга оширишни бошлаганларида содир бўлди. Университетлар ва ҳукумат ўртасида иттифоқ тузила бошлади. Олимлар юқори сифатли ҳужжатлар, янги жиҳозларга эҳтиёж каби қимматли фикрларини таклиф қилиш орқали ўзларининг кадр-қимматини кўрсатишлари мумкин. Академик тадқиқот раҳбарлари ҳукумат билан ҳамкорликда муваффақиятга эришадилар. Муваффақиятга ҳисса қўшиш барча манфаатдор томонларнинг умумий масъулиятидир. Биз шахсий манфаат сўраш ўрнига, ҳукуматни қандай қўллаб-қувватлашимиз ва ўз ҳиссамизни кўрсатишимиз мумкинлигига эътибор қаратишимиз керак.



## ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МИКРО- КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИНГ СИФАТ СТАНДАРТЛАРИ

Чам Тат Ҳуэи,  
Малайзиянинг UCSI  
университети профессори



Бугун мен нафақат қизиқарли, балки шахсан мен учун ҳам катта аҳамият касб этадиган ахборотларни баҳам кўриш имкониятига эгаман. Бунга сабаб, мен дастур стандартларига қаратилган турли ҳукумат ташаббусларида фаол иштирок этганлигим ҳисобланади. COVID-19 пандемияси бизга айниқса таълим соҳасида қимматли сабоқлар берди.

Биз анъанавий синфлардаги дарслардан онлайн платформаларга ўтишнинг гувоҳи бўлдик ва бу ўтиш жараёни бизнинг таълим тизимимизда кўплаб ўзгаришларни келтириб чиқарди. Шунингдек, бу жараён талабаларда янги умидлар ва талабларни биринчи навбатдаги масалалар қаторига кўтарди.

Ҳозирги пайтда талабалар биз анъанавий равишда «Macro-credential» деб атайдиган, олий таълим муассасаларида бир неча йиллик таълимдан сўнг эришиладиган анъанавий даражаларга диққат қаратишдан йироқлашишмоқда. Эндиликда мазкур таълим тизими бозорда ягона талаб этиладиган ёки кутиладиган нарса ҳисобланмаяпти.



Бугунги кунда талабалар яна ҳам аниқроқ, деталлашган ва аниқ мақсадга йўналтирилган малака курсларини қидирмоқдалар. Бунга мисол қилиб, ахборотлар билан боғлиқ илмий-тадқиқот соҳасининг тадқиқотчилар, академиклар, саноат мутахассислари ва бизнес вакиллари томонидан талабнинг кескин ўсиш тўлқинига учраганини айтиш мумкин.

Ушбу талабни қондириш учун бутун дунё бўйлаб университетлар қисқа муддатли ўқув (Micro-credential programs) дастурларини таклиф қила бошладилар. Хўш, қисқа муддатли ўқув дастурлари ўзи нима? Қисқа қилиб айтганда, қисқа муддатли ўқув дастурлари бу маълум бир фан соҳасида муайян кўникмалар ёки билимларни эгаллаганлигини тасдиқловчи сертификат.

Ушбу курс одатда қисқа муддатга мўлжалланган бўлиб, талабаларга маълум бир соҳада тажрибани ривожлантиришга имкон берадиган юқори йўналтирилган малака курси ҳисобланади.

Қисқа муддатли ўқув дастурлари нишонлар, сертификатлар ва рақамли ҳисобга олиш маълумотлари каби турли шаклларда бўлиб, улар кўпинча йиғиш учун мўлжалланган. Бу бир нечта қисқа муддатли ўқув дастурларини олиш орқали улар диплом, олий диплом ёки ҳатто илмий даражани шакллантириш учун бирлаштирилиши мумкинлигини англатади. Қисқа муддатли ўқув дастурларининг мақсади – шахслар махсус билим ва кўникмаларга эга бўлишлари мумкин бўлган асосни таъминлаш ҳисобланади.

Нуфузли университетлар қисқа муддатли ўқув дастурларининг аҳамияти юқорироқ бўлиб, тан олиш



ва кредитлар нуқтаи назаридан, улар бошқа университетларда имтиёз сифатида муайян фанлардан озод бўлиш учун ишлатилиши мумкин. Бироқ ушбу тартиб ҳар бир мамлакатда ўрнатилган сифат тизимига келиб чиқиб белгиланади. Малайзиянинг мисолида айтадиган бўлсак, Малайзия малака агентлиги (MQA) қисқа муддатли ўқув дастурлари учун дастур стандартлари ва талабларини белгилайди. MQAнинг дастур талабларига мос келиш ва жавоб бериш Малайзия таълим тизимида тан олиниш ва аккредитациясидан ўтиш учун зарур ҳисобланади.

Қисқа муддатли ўқув дастурлари нима учун керак? Онлайн таълим ва қисқа муддатли ўқув дастурларини қабул қилиш ўқув жараёнида мослашувчанликни таъминлайди. Қисқа муддатли ўқув дастурлари билан ҳар бир шахс ўзи учун шахсий кабинет яратиши ва машғулотларни бандлик жадвалларига мослаштирган ҳолда ўзига қулай вақт ва суръатда ўрганишлари мумкин.

Шунингдек, қисқа муддатли ўқув дастурлари, шахсларга маълум кўникма ва билимларга эгаллаш имконини бериш орқали уларга меҳнат фаолиятида ўсиш имкониятларини таклиф этади. Кенгроқ таълимни таъминлайдиган анъанавий даражалардан фарқли ўлароқ, қисқа муддатли ўқув дастурлари ўқувчиларга ўзлари ривожлантирмоқчи бўлган аниқ соҳаларни танлаш ва уларга диққатни қаратиш учун шарт-шароитлар яратади.

Бунга бир мисол, мен COVID-19 пандемияси даврида, муайян вақт оралиғида одамларнинг хулқ-атвори қай даражада ўзгариши тўғрисида тушунча ҳосил қи-



лиш учун Ҳарвард университетиди хулқ-атвор фани курсини ўтаганман.

Таълимнинг ушбу шахсийлаштирилган ёндашуви одамларга ўз ўрганишларини қизиқишнинг муайян соҳаларига йўналтириш ва тез ривожланаётган дунёда уларнинг профессионал ўсиши ва мослашувчанлигига ҳисса қўшиши мумкин бўлган тегишли кўникмаларга эга бўлиш имконини беради.

Қисқа муддатли ўқув дастурларининг яна бир афзалликларидан бири бу уларнинг иқтисодий самарадорлиги ҳисобланади. Қисқа муддатли ўқув дастурлари одатда анъанавий даража дастурларига қараганда анча арзон. Кўпгина платформалар чегирмалар ва арзон нархлардаги вариантларни таклиф қилиб, ўқувчиларнинг кенг оммаси учун қисқа муддатли ўқув дастурларидан фойдаланиш имкониятини тақдим этади.

Ушбу дастурлар соҳадаги эксперт мутахассислардан таълим олиш имкониятини ҳам яратади. Кўпинча машҳур университетлар чуқур тажриба ва билимга эга ўқитувчилар иштирокидаги қисқа муддатли ўқув дастурларини таклиф қиладилар. Ушбу тажриба ўқувчиларнинг юқори сифатли ва долзарб маълумотларни олишларини таъминлайдиган тадқиқотлар билан мустаҳкамланади.

Замонавий таълим тизимида ўқитиш қобилияти фақат академик малакага эга бўлган ўқитувчилар билан чегараланиб қолмайди. Малайзия университетлари ҳар йили кўп сонли фалсафа докторлари (PHD) ни етиштириб чиқаришига қарамай, янги билимларни яратиш ва тарқатишга алоҳида урғу бериш муҳим



аҳамият касб этади. Билим яратишга фаол ҳисса қўшмасдан кўп сонли мутахассисларга эга бўлишнинг ўзи мамлакат учун муаммо келтириб чиқариши ҳам мумкин. Шу сабабли, Малайзиядаги ҳам давлат, ҳам хусусий университетларда янги билимлар авлодини қўллаб-қувватлаш ва академик мукамалликни тарғиб қилиш учун илмий-тадқиқотлар самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) ҳисобланади.


Мен бу ердаги ҳамкасбларим билан менинг университетим томонидан ўрнатилган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) ҳақида баҳс-мунозаралар қилдим. Талаб сифатида, мен ҳар йили камида 60–70 фоизи «Web of Science»нинг Q1 ва Q2 чоракларида индексладиган ўн та илмий мақола нашр этишим керак. Бундан ташқари, менинг нашрларим Австралия бизнес деканлари кенгаши (ABDS) ва Буюк Британиядан ABC каби нуфузли ташкилотлар билан боғланиши керак.

Мазкур кўрсаткичлар менинг тадқиқот соҳамнинг кўринарлилик ва тажрибани намойиш этиш учун жуда муҳимдир.

Демак, ўз-ўзидан савол туғилади, нима учун биз қисқа муддатли ўқув дастурларини танлашимиз зарур? Ушбу саволга жавобни мен намойиш этган олдинги слайдда кўришимиз мумкин (1-расм).



## Қисқа муддатли ўқув дастурларининг зарурати нимада? (2)



1-расм. Қисқа муддатли ўқув дастурларини таклиф қилиш учун мотивациялар ( $n = 19$ )

Бундан ташқари, қисқа муддатли ўқув дастурлари умрбод таълим олишга ёрдам беради. Улар ўз касбига мос келадиган янги кўникмаларга эга бўлиш имкониятини беради. Мисол учун, мен ҳозирда ушбу соҳадаги билимларимни ошириш учун иккита ахборот фани курсини ўқияпман. Статистика соҳаси вақт ўтиши билан ривожланиб, Excel ёрдамида асосий регрессия таҳлилидан тизимли тенгламаларни моделлаштириш ва панел маълумотлар таҳлили каби илғор усулларга ўтди.



Ҳозирги вақтда дастурлаш ва машинавий ўрганиш маълумотларни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Олим сифатида биз ўзимизни доимий равишда такомиллаштириб боришимиз талаб этилади, бунда вазиятда қисқа муддатли ўқув дастурлари ўз билимимизни кенгайтириш ва янгиланиб туриш учун қимматли бўлган йўлни тақдим этади.

Одамлар қисқа муддатли ўқув дастурларини танлашининг асосий сабаби улар ушбу дастурлар келажакда таълимни давом эттириш имкониятини беришидир.

Бундан ташқари, қисқа муддатли ўқув дастурлари иш жойидаги эҳтиёжларга мос келади. Мисол учун, трансмиллий компаниялар кўпинча ходимлардан кичик миқёсдаги тадқиқотлар ўтказиш қобилиятига эга бўлишларини кутишади. Ушбу тадқиқотлар компаниялар учун операцион харажатларни камайтиришга ва рақобатбардошликни сақлаб қолишга ёрдам берганлиги учун ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўқувчилар нуқтаи назаридан қараганда, қисқа муддатли ўқув дастурлари иқтисодий самарадорлик, мослашувчанлик ва муайян кўникмаларга диққатни жамлаш каби афзалликларни таклиф қилади. Иш берувчилар таҳлил каби соҳаларда тренинглари ўтказиш ёки узлуксиз малака ошириш (SPD) дастурларини таклиф қилиш орқали ўз ходимларига зарур кўникмаларни эгаллашда ёрдам бериши мумкин. Узлуксиз малака ошириш (SPD) дастурлари худди муҳандислар ўзларининг тегишли ташкилотлари томонидан белгиланган SPD соатларини бажаришлари шартлиги каби турли профессионал ташкилотлар томонидан



талаб қилинадиган касбий малака ошириш соатларини назарда тутди.


Малайзияда олимлар, айниқса, ўқитувчилар учун ҳукумат талабига кўра йилига 40 соатлик узлуксиз малака ошириш (SPD) дан ўтишлари шарт. Ушбу талабни бажармаслик дастур аудити пайтида жарималарга олиб келиши мумкин.

Қисқа муддатли ўқув дастурларининг прогноз қилинган ўсишига назар ташлайдиган бўлсак, COVID-19 пандемиясидан кейин сезиларли ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Онлайн таълимга талаб ортиб бораётган бир пайтда, бутун дунё бўйлаб, шу жумладан, Марказий Осиёдаги университетлар таълим соҳасидаги таклифларининг бир қисми сифатида қисқа муддатли ўқув дастурларини киритишни кўриб чиқишлари керак. Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг иқтисод соҳасидаги тажрибаси билан бу каби платформага эга бўлиш Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида ижобий қабул қилиниши мумкин.

Электрон таълим бозори ҳажми 2021 йилда 350 миллиард долларни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2028 йилда бир триллион долларга етиши кутилиб, ижобий ўсишни бошдан кечирмоқда. Бу рақамли таълимга кучли талаб мавжудлигини акс эттиради. Бутун дунё бўйлаб 1180 дан ортиқ қисқа муддатли ўқув дастурлари мавжуд бўлиб, бу уларнинг сони ортиб бораётганлигидан далолат беради. Бир қанча давлатлар, жумладан, Малайзия, Янги Зеландия, Австрия, Италия, Канада, АҚШ ва Нидерландия қисқа муддатли ўқув дастурларини ўрганиш ва тарғиб қилишда фаол иштирок этмоқда.



## Қисқа муддатли ўқув дастурларининг прогноз қилинган ўсиши (1)



2-расм. Қисқа муддатли ўқув дастурлари учун жаҳон бозорида прогноз қилинган ўсиш

Пандемия даврида, шахсан иштирок этиб таълим олиш имкони бўлмаганда, манфаатдор томонлар, жумладан, Малайзия ҳукумати таълим муассасаларини, айниқса, талабаларнинг ўқишга қабул қилинишига даромад манбаи сифатида таянадиган хусусий ташкилотларни қўллаб-қувватлаш учун қисқа муддатли ўқув дастурларини каби муқобил усулларни излашди. Бу эса таълим дастурларини тақдим этиш учун қулай платформа сифатида қисқа муддатли ўқув



дастурларига эътибор ва инвестицияларнинг ортишига олиб келди. Қисқа муддатли ўқув дастурларига эътибор фақат Малайзия билан чекланмайди, балки бутун дунё мамлакатларига, жумладан, кучли таълим тизими ва таъсирига эга бўлган мамлакатларга ҳам тааллуқлидир.

Қисқа муддатли ўқув дастурларининг кўплаб афзалликларига қарамай, ҳали ҳам ҳал қилиниши керак бўлган тўсиқлар мавжуд. Асосий тўсиқлардан бири қисқа муддатли ўқув дастурларида таълим олиш билан боғлиқ харажатлардир. Улар одатда анъанавий таълим даражаларга қараганда анча арзон бўлса-да, кам таъминланган оилалар ёки молиявий қийинчиликларга дуч келган шахслар учун нарх ҳали ҳам енгиб ўтиш мушкул бўлган тўсиқ бўлиши мумкин. Таълим олиш имконияти ҳали ҳам имтиёзларга боғлиқ бўлиб қолмоқда ва бу ҳақиқатни эътиборсиз қолдириб бўлмайди.

Яна бир муҳим тўсиқ бу қисқа муддатли ўқув дастурлари экотизимини қўллаб-қувватлаш учун технологик инфратузилмани баҳолаш ҳисобланади. Малайзиянинг шарқий томонидаги баъзи ҳудудларда, хусусан, Борнео оролида интернетга уланишда чекланишлар мавжуд. Бу онлайн дарсларга кириш имконига эга бўлмаган талабалар учун қийинчиликлар туғдиради. Баъзи талабалар фақатгина онлайн машғулотларда қатнашиш учун уйларида 20–30 километр узоқликдаги масофаларни босиб ўтишга мажбур бўладилар. Рақамли инфратузилмадаги бу чекловлар, айниқса, онлайн таълим механизмларига таянадиган қисқа муддатли ўқув дастурларини амалга оширишда жиддий тўсиққа айланиши мумкин.



Қисқа муддатли ўқув дастурлари ҳақида гап кетганда, ушбу жиҳатлар ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим сабабдир. Мазкур қисқа муддатли ўқув дастурларини Ҳарвард ёки Кембриж каби нуфузли университетлар таклиф қилишидан қатъи назар, улар иш берувчилар ва ҳукумат томонидан тан олинмаса, ушбу курсларнинг қиймати пасаяверади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бу соҳада бутун дунё мамлакатлари ҳамкорлик қилишлари ва стандартлаштирилган сифат тизимини яратишлари муҳим аҳамият касб этади. Агарда таъкидлаб ўтилган ушбу жиҳатлар инобатга олинса, таълимда кредит ўтказмаларини осонлаштиришга эришиш орқали даражалар ва сертификатларнинг бозордаги қадрини ошириш мумкин бўлади. Шунингдек, ушбу эътироф шахслар ўртасида умри давомида онлайн таълим олиш маданиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Қисқа муддатли ўқув дастурларини ўташда вақт ҳам ўзига яраша қийинчиликлар туғдириши мумкин. Ушбу курсларнинг баъзилари банд бўлган иш жадвалига эга бўлганлар учун жонли иштирок этишни талаб қилиш орқали қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Бундан ташқари, қисқа муддатли ўқув дастурларини тақдим этувчи муассасаларнинг сифати ҳам ҳар хил бўлиб, бу номувофиқликлар бундай дастурлар орқали олинган даражаларнинг ишончилиги ҳақида тингловчиларда ташвиш уйғотади. Саноатдаги бу бўшлиқлар сифат стандартларига устувор аҳамият берадиган ижрочи раҳбарлар, инсон ресурлари бўйича мутахассислар ва бошқалар томонидан кузатилади.



Қисқа муддатли ўқув дастурлари сифатини кафолатлаш билан боғлиқ муаммолар қонуний бошқарув тизимининг йўқлигини ўз ичига олади. Қоидалар ва меъёрларнинг йўқлиги қисқа муддатли ўқув дастурларининг ишончилиги ва стандартлаштириш тўғрисида ташвишли ҳолатларни келтириб чиқаради. Бунга қўшимча равишда, изчил ва ишончли баҳолашни таъминлаш учун стандартлаштирилган ташқи сифат кафолати жараёнлари ва вақт жадваллари мавжуд эмас.

Малайзияда қисқа муддатли ўқув дастурлари учун махсус стандартлар ва амалий тажрибалар ўрнатилган. Ушбу стандартларга бундай дастурларни таклиф қилувчи провайдерлар томонидан риоя қилиниши зарур.

Мазкур талабларга мувофиқликни баҳолаш учун мунтазам аудиторлик текширувлари ўтказилади. Малайзия малака агентлиги (MQA) томонидан белгиланган стандартларга жавоб бермаслик дастурнинг иш берувчилар ва давлат органлари томонидан тан олинмаслигига олиб келади. Шундай қилиб, Малайзия малака агентлиги талабларига риоя қилиш Малайзияда қисқа муддатли ўқув дастурларини тан олиш ва қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга касб этади.

Агарда сиз Малайзияда қисқа муддатли ўқув дастурларини таклиф қилмоқчи бўлсангиз, Малайзия малака агентлиги томонидан тақдим этилган дастур стандартларига осонгина кириш имкониятига эга бўласиз. Ушбу стандартлар Малайзия малака агентлиги веб-сайтида юклаб олиш очиқ ҳолатда жойлаштирилган.



Малайзия малака агентлиги томонидан белгиланган мезонлар қисқа муддатли ўқув дастурларига бўлган талабни ўз ичига олиб, унда асосий эътибор курсни эгаллаш натижаларига эришишга қаратилган. Бундан ташқари, қисқа муддатли ўқув дастурлари талабларга қараб шахсийлаштирилган, хавфсиз, алмашиш мумкин ва шаффоф бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ушбу дастур стандартлари бизнес ва муҳандислик каби таълимнинг турли соҳаларига хослиги билан ажралиб туради. Ўзларига мос дастур стандартларига мурожаат қилган ҳолда, олий таълим муассасалари Малайзия малака агентлиги томонидан ўрнатилган талабларга жавоб бера олишни таъминлаши мумкин бўлади. Малайзия Жанубий Осиё ва Осиёнинг бошқа давлатлари билан кучли алоқалар ўрнатган бўлиб, бу талабаларга олган кредитларини кейинги ўқишлари учун таълим ташкилотлари бўйлаб ўтказиш (трансфер қилиш) имконини беради.

Мазкур умумий сифат стандарти талабалар учун кредит тан олиниши ва алмашинувчанликни осонлаштиради.

Малайзияда таълим дастурларини аккредитация қилиш ва сифатини кафолатлаш бўйича бир қанча яхши тажрибалар, жумладан, қисқа муддатли ўқув дастурлари мавжуд. Ушбу тажрибалар таълим дастурларини етказиб бериш ва ривожлантириш, баҳолаш, талабаларни танлаш, илмий ходимлар, таълим ресурслари, дастурларни бошқариш ва дастур мониторинги каби турли соҳаларни қамраб олади. Ушбу соҳалар дастурнинг талаб қилинадиган стандартларга жавоб беришини ва талабалар ва манфаатдор томонларга фойда келтиришини таъминлайди.



Аккредитация жараёни ўқув дастурлари дизайнини, баҳолаш усулларини ва доимий такомиллаштириш чораларини ҳар томонлама кўриб чиқишни ўз ичига олади. Ўрнатилган стандартларга мувофиқлигини таъминлаш учун аккредитация қилинган дастурлар ҳар беш йилда бир марта аудиторлик текширувидан ўтказилади. Шунга ўхшаш амалиётлар бошқа сифат кафолати тизимларида, масалан, Япониядаги танлов ва бошқа сифат жиҳатларига урғу берувчи АПХ 21 аккредитациясида қўлланилади.

Қисқа муддатли ўқув дастурлари бўйича сертификат олиш учун бажарилиши керак бўлган махсус талаблар мавжуд. Муайян мезонлар ва кредит соатлари дастурга асосланган ҳолда фарқланиши мумкин, бироқ, одатда ўқув курсини тамомлаш учун 19 кредит каби маълум миқдордаги кредитлар талаб қилинади. Талабларнинг аниқ тафсилотларини тегишли ҳокимият ва муассасалардан олиш мумкин бўлади.

Қуйида Малайзиядаги кўпгина университетлар таклиф қиладиган қисқа муддатли ўқув дастурларига бир нечта мисоллар келтиришимиз мумкин: Малая университети, Малайзия миллий университети (УКМ), Мультимедиа университети (ММУ), Сунвай университети ва бошқалар. Ушбу университетлар талабгорларга қисқа муддатли ўқув дастурларида таълим олиш ва ўз кўникмалари ҳамда билимларини ошириш имкониятини тақдим этади.

Қисқа муддатли ўқув дастурлари таълим майдонига киришдан олдин, муассасалар ўзларининг имкониятлари ва ресурсларини баҳолашлари керак. Бу уларнинг институционал стратегияси, молиявий кўмаги ва ушбу экотизимда иштирок этишда ўз хо-



димларини қандай қўллаб-қувватлашини баҳолашни ўз ичига олади.

Бундан ташқари, ҳар қандай меъёрий тартибга солиш талаблари ва ходимларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, дастурни ишлаб чиқишда қарамлик даражасини инобатга олиш зарур. Қисқа муддатли ўқув дастурлари юқори стандартларга жавоб беришини таъминлаш учун сифат кафолати ҳам ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистондаги олий таълим муассасалари учун ўзига хос қоидалар ва талаблар фарқ қилиши мумкинлиги ҳамда маҳаллий вазиятни янада чуқурроқ ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиш зарур. Якуний ҳисобда, тақдим этилаётган қисқа муддатли ўқув дастурлари юқори стандартларга ҳамоҳанг бўлишини таъминлаш учун сифатга эътиборни сақлаб қолиш биринчи даражали аҳамият касб этади.


Технология ва режалаштириш каби турли омилларни диққат билан инобатга олган ҳолда сиз Марказий Осиё минтақасида талабалар учун қизиқарли платформа яратишингиз мумкин. Барча жиҳатларни ҳисобга олиш ва пухта ўйланган ёндашувни таъминлаш муҳим ҳисобланади.



## ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТРАНСФОРМА- ЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



**Адхам Худайкулов,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети Халқаролаштириш  
бўйича проректори, иқтисодиёт  
фанлари доктори



**Наргиза Саатова,**  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети тадқиқотчиси

Бугунги кунда жамиятдаги технологик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар туфайли олий таълим ландшафти ҳам жиддий трансформацияларни бошдан кечирмоқда. Зеро, олий таълим муассасалари доимий ўзгарувчан дунёга мослашиб бориши зарур.

XXI асрда олий таълимни трансформация қилиш зарурати иш берувчиларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини қондириш, технологик ютуқлардан тўғри ва унумли фойдаланиш, танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, хилма-хиллик ва инклюзивликни таъминлаш, жамиятнинг ўзгарувчан ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш ва, шу аснода, битирувчиларнинг янги замон талабларига мослигини таъминлаб бориш билан боғлиқ.

Илғор инновацияларнинг пайдо бўлиши, албатта, турли хавф ва ноаниқликларни ҳам келтириб чиқа-



ради, аммо айни пайтда таълим тизимига инновацияларни жорий қилиш ва улардан унумли фойдаланиш имкониятини ҳам яратади. Глобал рақобатбардошликни ошириш мақсадида давлатлар ўз олий таълим сиёсатларини ҳар томонлама қайта кўриб чиқишларига тўғри келади.

Жаҳон таълим тизимида нисбатан янги тенденция ҳисобланган глобал университетлар рейтингларининг эълон қилиб борилиши айрим маънода мамлакатларга ўз олий таълим тизимлари самарадорлигини баҳолаш учун ташқи омил сифатида ижобий аҳамиятга эга бўлмоқда. Таълим муассасалари учун глобал рейтингларда юқори поғоналарни эгаллашда ва, энг аввало, ёшларга замонавий ва сифатли таълимни тақдим этишда халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Айнан шу омиллар халқаро ҳамкорликнинг турли шакллари, яъни университетлар альянси ёки консорциумларини ривожланиб боришига туртки бўлмоқда. Бу жараёнлар бугун барча олий таълим муассасаларидан тўлиқ халқаролашувни талаб этади.

## **ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ**

«Олий таълимни халқаролаштириш» деганда университетларнинг ўқув, илмий-тадқиқот ва хизмат кўрсатиш функцияларига халқаро стандарт ва ўлчовларни қўллаган ҳолда глобал таълим интеграциясини амалга ошириш тушунилади. «Халқаролаштириш» тушунчаси талабалар ва профессор-ўқитувчилар мобиллиги, ўқув дастурларининг халқаро талабларга мослиги, қўшма тадқиқот лойиҳалари




каби турли жараёнларни ўз ичига олади. Шунингдек, давлатлар олий таълим тизимини халқаролаштириш орқали иқтисодий рақобатбардошлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашни мақсад қилади.

Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб «халқаро ҳамкорлик», «халқаро алоқалар» ва «халқаро таълим» атамалари кенг қўлланилган бўлиб, одатда бу тушунчалар хорижий талабаларни жалб қилиш, икки томонлама ҳамкорлик шартномаларини имзолаш каби фаолият турларини назарда тутган. XXI асрнинг биринчи ўн йиллигидан бошлаб «Халқаролаштириш» тушунчаси пайдо бўла бошлади ва олийгоҳлар икки томонлама расмий ҳамкорлик алоқаларига камроқ эътибор қаратиб, асосан кўптомонлама муносабатлар, альянс ва консорциумлар тузиш, минтақавий ва халқаро таълим ташкилотлари атрофида бирлашиш, ўзаро кредитларни тан олиш, баҳолаш мезонларини уйғунлаштириш (бирхиллаштириш), талабалар ва профессор-ўқитувчилар мобиллигини кенгайтириш, қўшма таълим дастурларини жорий қилиш каби масалаларга асосий урғу бера бошладилар. Бугунги кунда «халқаролаштириш» жуда кенг қамровли тушунчага айланган бўлиб, унинг айрим элементларини қуйидаги расмда беришга ҳаракат қилдик (1-расм):

Олий таълимни халқаролаштириш, энг аввало, жамиятда хилма-хилликни рағбатлантириш, глобал таълим жараёнларида имкониятлар тенглигини таъминлаш, халқаро даражадаги компетенцияларни шакллантириш, миллат ва элатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматни ошириш, юқори истеъдодларни кашф қилиш ва танлашда географик омиллар таъ-





**1-расм. Олий таълимни халқаролаштириш мезонлари**

сирини камайтириш каби ижобий ўзгаришларга сабабчи бўлади. Халқаролашув орқали олий таълим муассасалари тез ўзгарувчан дунёда ўз рақобатбардошликларини таъминлаб боришади.

Бутун дунёда халқаролаштириш олий таълимнинг муҳим тенденциясига айланди ҳамда таълим субъектларининг стратегик кун тартибига кирди. Халқаролаштириш олий таълим муассасаларига ўз олдига қўйган миссияларига эришишда муҳим аҳамият касб этади. ЮНЕСКО ташкилоти манбаларига кўра, 2015 йилда дунё бўйлаб академик мобиллик 4,8 миллион талабани қамраб олган бўлса, 2020 йилга келиб бу





**2-расм. 2020 йилда дунё бўйлаб академик мобиллик даражаси**

жараёнда 6,3 миллион талаба иштирок этган, бу ўз навбатида атиги 5 йилда 32 фоиз ўсишдан далолат беради (2-расм).

### **ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ МИНТАҚАВИЙЛАШУВИ**

Совуқ урушдан кейинги даврда таълимдаги халқаролашув турли давлатлар орасида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича яқин ҳамкорликнинг ўсишига ҳамда миллатлараро интеграциянинг жадаллашишига олиб келди. Бу жараёнларда дунёнинг турли минтақаларида махсус интеграцион тузилмалар тузилиб, минтақа давлатлари ўртасидаги таълим ва илмий алоқалар жадаллашди ва ривожланди. Шу аснода олий таълимга «минтақавийлаштириш» атамаси ҳам кириб келди.



«Минтақавийлаштириш» – бу географик яқинлик ва худудий ўзига хосликни инобатга олган ҳолда таълим соҳасидаги яқин ҳамкорлик моделларини яратишга асосланган минтақавий интеграцион тузилма ёки гуруҳларни шакллантириш жараёни ҳисобланади. Минтақавийлашув жараёнларида макон ва вақт энг асосий омиллар бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, минтақавийлаштириш бўйича савб-ҳаракатлар валюта ёки товарлар савдоси бўйича ўзига хос уюшмаларга бирлашган бир нечта мамлакатлар ўртасида таълим тизимини уйғунлаштиришга бўлган сиёсий иродани ҳам намоён этади.

Минтақавийлаштиришни чуқурроқ англаш учун маълум бир минтақа мамлакатларининг ўзаро маданий, этник ва диний яқинлиги, худуддаги миллий давлатчиликнинг тарихий ривожланишини ҳисобга олиш лозим. Ушбу омиллар минтақавий интеграцион жараёнлар шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда минтақавий интеграцион жараёнларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли ташкилий тузилмалар мавжуд. Жумладан, Европа Иттифоқи (EU), Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси (ASEAN), Шимолий Америка эркин савдо уюшмаси (NAFTA), Осиё Тинч океани иқтисодий кенгаши (APEC) ва бошқа минтақавий ташкилотлар самарали минтақавийлашувнинг яққол намунаси бўла олади.

Минтақавий ташкилотлар сиёсий-иқтисодий мақсадлардан ташқари, маданий-гуманитар, таълим ва илм-фан соҳаларидаги ҳамкорликни ҳам қамраб олади. Мисол тариқасида Европа Комиссияси томонидан қўллаб-қувватланган ва университетлар ўртаси-



даги академик мобилликни мувофиқлаштирувчи ERASMUS, Осиё ва Тинч океани худудидаги академик мобилликни мувофиқлаштирувчи UMAP (University Mobility in Asia and the Pacific) каби олий таълим дастурларини келтириш мумкин. Бу каби минтақавий таълим уюшмалари Шимолий ва Лотин Америкаси ҳамда Африка худудларида ҳам фаолият юритмоқда.

### **«УНИВЕРСИТЕТ 4.0» КОНЦЕПЦИЯСИ**

Олий таълимдаги трансформацион жараёнларда университетларни ислоҳ қилишнинг қатор бошқа стратегиялари ҳам намоён бўлмоқда. Мисол учун, бугунги кунда «Университет 4.0» тушунчаси қатор илмий-академик доираларда қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда.

«Университет 4.0» тушунчаси энг аввало глобал иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичи, яъни 4-саноат инқилоби жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, таълим муассасалари ўз битирувчиларида иқтисодиётдаги энг сўнгги ўзгаришларга мос касбий кўникмаларни шакллантира олишлари лозим. Жамиятдаги рақамли инқилоб ва технологик инновацияларга жавобан олий таълим муассасалари ўз ривожланиш траекторияларини қайта кўриб чиқишлари лозим. Бу эса, ўз навбатида, таълим муассасасини шакл ва мазмун жиҳатидан тизимли трансформациялашни талаб этади.

«Университет 4.0» концепциясининг асосий талабларидан бири – рақамли технологиялар ва онлайн платформаларни таълим жараёнига интеграциялашувини таъминлашдир. Таълим муассасалари ушбу талабаларга мос равишда онлайн таълимни бошқа-



риш тизимлари, виртуал синфлар ва интерактив мультимедиа ресурсларидан фойдаланишни кенг жорий этишлари лозим бўлади. Технологик инновациялар нафақат таълим олиш имкониятини орттиради, балки бу жараённи сифат жаҳатидан яхшилаб, XXI аср учун зарур бўлган рақамли саводхонлик кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Шунингдек, «Университет 4.0» концепцияси замонавий саноат тармоқларининг ўзаро интеграциясига мос равишда фанлараро ёндашувни ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида этибор қаратади. У университетларни ҳақиқий муаммоларни ҳал қилиш ва инновацияларни рағбатлантириш учун корхоналар, жамоат ташкилотлари ва давлат идоралари билан мустаҳкам алоқалар ўрнатишга ундайди. Университетлар ўз ўқув дастурларини замонавий бозори ва саноат талабларига мослаштирган ҳолда ишлаб чиқишга мажбур бўлади. Шу нуқтаи назардан, университетлар таълим бозорида ўз дастурлари долзарблигини сақлаб қолишлари ва битирувчилари бандлигини самарали таъминлашлари учун ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги барча трансформацион жараёнларга мос равишда ривожланиб боришлари талаб этилади.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ**

Марказий Осиёдаги денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган давлат бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон бой маданий меросга ва азалий таълим анъаналарига эга. Ўзбекистонда расмий олий таълим муассасаларининг ташкил этилиши XX аср бошларига тўғ-



ри келади. Бироқ 1991 йилда Совет Иттифоқидан мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон олий таълим тизими сезиларли янгиланишларга гувоҳ бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги олий таълим тизими салмоқли ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, чунки олий таълим муассасалари ривожланаётган глобал муҳитга мослашишга интилаётганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Ўзбекистон ўз талабаларини глобаллашган дунёда муваффақият қозониш ва мамлакат тараққиётига ҳисса қўшишга тайёрлашда халқаролаштиришнинг аҳамияти катта.

Сўнгги йилларда ўзбекистонлик талабаларнинг чет элга чиқиш кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, сўнгги ўн йилликда хорижда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар сони 250% дан зиёдга ошган. Бу эса миллий олий таълим тизимида халқаролашув жараёнининг тадрижий ривожланиб бораётганидан далолат беради (3-расм).

Хусусан, сўнгги йилларда ўзбекистонлик талабаларнинг Марказий Осиё минтақасидаги академик мобиллиги сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бу кўринишдаги минтақавий мобиллик маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш, минтақавий интеграцияни ривожлантириш ва давлатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

ЮНЕСКО Статистика институти маълумотларига кўра, айти вақтда хорижда таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг умумий сони 85876 нафарни ташкил қилади. Қуйида келтирилган жадвалда 2021 йилда турли мамлакатларга таҳсил олиш






**3-расм. Ўзбекистонлик талабаларнинг 2021 йилгача бўлган халқаро мобиллиги**

мақсадида кетган ўзбекистонлик талабалар улуши акс эттирилган (1-жадвал). Ҳозирда хорижда таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг энг катта қисми Қирғизистонда бўлиб, улар 35 571 нафар талабани ташкил этади. Ривожланган давлатлар ичида Корея Республикаси ўзбекистонлик талабалар учун энг асосий манзил эканлигини кўриш мумкин. Европа мамлакатлари орасида эса Германия олий ўқув муассасалари ўзбекистонлик талабаларни жалб этишда етакчилик қилади (1-жадвал).

Шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон олий таълим муассасалари ҳам кўплаб хорижий талабаларни ўзига жалб қилмоқда. Давлат статистика кўмитаси маълумотларига кўра, 2016–2017 ўқув йилида 603 нафар хорижий талаба мамлакатимизда таҳсил олган бўлса, бу кўрсаткич 2017–2018 ўқув йилида 1320 нафарни, 2018–2019 ўқув йилида 2685 нафарни ташкил этган. 2019–2020 ўқув йилида Ўзбекистонда таълим олаётган хорижлик талабалар сони 3593 нафарни, 2020–2021 ўқув йилида 4219 нафарни,




## Ўзбекистонлик талабаларнинг 2021 йилда дунё бўйлаб мобиллиги



2021–2022 ўқув йилида эса 5140 нафарни ташкил этгани ни кўриш мумкин. Бироқ 2022–2023 ўқув йилида хорижий талабаларнинг сони бироз қисқариб, 5000 нафарга тушган (2-жадвал).



Ўзбекистон олий ўқув юртларида таҳсил олаётган  
хорижий талабалар сони



Яна бир эътиборли жиҳати шуки, ҳозирги кунда мамлакатимизда хусусий ва халқаро университетлар сони ҳам ортиб бормоқда. Ўзбекистонда олий таълим муассасалари сони 2023 йил 20 февраль ҳолатига кўра 209 та бўлиб, улардан – 36 таси университет, 49 таси институт, 5 таси академия, 1 таси консерватория, 24 таси ҳудудий филиаллар, 30 таси хорижий университетлар ва 65 та эса хусусий олий таълим муассасаларидир.

Қолаверса, чет эллик профессор-ўқитувчиларнинг жалб этилиши Ўзбекистонда олий таълимни халқаролаштиришнинг муҳим бўғини ҳисобланади. Сабаби, турли мамлакатлардан таниқли профессор-ўқитувчи ва олимларнинг жалб этилиши академик муҳитни бойитиб, билим ҳамда тажриба алмашиш-



ни осонлаштиради. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги маълумотида кўра, хорижий профессор-ўқитувчилар сони 2020 йилдаги 687 нафардан 2021 йилда 894 нафарга ошганлиги кузатилган.

Албатта, олий таълимда халқаролаштириш фақат талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг мобиллиги билан чекланиб қолмайди, балки хорижий ҳамкорлар билан илмий-изланиш ва тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш бирдек аҳамият касб этади. Ҳозирда Ўзбекистон олий таълим муассасалари бутун дунё бўйлаб университетлар ва тадқиқот марказлари билан илмий тадқиқотларда фаол иштирок эта бошлади. Ушбу ҳамкорлик алоқалари натижасида кўшма илмий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон олий таълим тизимида халқаролаштиришдан ташқари минтақавийлаштиришга ҳам устувор аҳамият қаратиш зарур. Минтақавийлаштириш деганда Марказий Осиё минтақасидаги кўшни мамлакатлар олий таълим муассасалари ўртасидаги ўзаро манфаатли шериклик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш назарда тутилади.

Ўзбекистон олий таълим тизимини ривожлантириш учун минтақавийлаштириш стратегиясидан ҳам унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, минтақадаги нуфузли университетлар ўртасида ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, кўшма илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, бу соҳага керакли сармояларни жалб этиш минтақадаги барча давлатлар учун бирдек манфаатли бўлади.



Умуман олганда, халқаролаштириш ва минтақавийлаштириш Ўзбекистон олий таълим тизимининг нуфузи ва жозибадорлигини оширишга хизмат қилиши табиийдир. Шу билан бирга, бу жараёнда универсал академик қадриятларни оммалаштириш ва миллий маданиятимизни сақлаб қолиш билан мувозанатлаш муҳимлигини таъкидлаган бўлар эдик.

### УНИВЕРСИТЕТНИ ХАЛҚАРОЛАШТИРИШ (ТДИУ МИСОЛИДА)

Олий таълимда халқаролаштириш жараёни асосан икки хил ёндашувга асосан амалга ошиши мумкин:

